

Ўзбекистон Республикаси Сogлиқни Сақлаш Вазирлиғи
Олий ва Урта тиббий таълим буйича Укув-услуг идораси
Самарканд Давлат Тиббийёт Институти

«Тасдиқлайман»

(УзРССВ кадрлар ва укув юртлари

Бoш бошқармаси бошлиғи

Ф.А.Акилов

2004 йил.



ОПЕРАТИВ ХИРУРГИЯ ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ ФАНИДАН
МАЪРУЗАЛАР ТУПЛАМИ.
(ХИРУРГИК ОПЕРАЦИЯЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
МУЖАССАМЛАШТИРИШ)

Тошкент –2005 йил.

ОХТА (маърузалар)

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОГЛИКНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИ .

Тиббиет фанлари доктори:
Кафедра мудири:

ГАБЧЕНКО А.К.

Факултет ва госпитал хирургия
кафедраси мудири,

тиббиёт фанлари доктори, профессор **САБИРОВ Б.У.**

ОПЕРАТИВ ЖАРРОХЛИК ВА ТОПОГРАФИК
АНАТОМИЯ ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР
ТУПЛАМИ.

(СамТИ оператив жаррохлик ва топографик анатомия кафедраси
кафедра мудири, Тиббиет фанлари доктори ГАБЧЕНКО А.К., Факултет ва
госпитал хирургия кафедраси кафедра мудири, тиббиёт фанлари доктори,
профессор САБИРОВ Б.У.)

СамТи 75 йиллик юбилейига бағишланади

Самарканд - 2005

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОГЛИКНИ САКЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Т.Ф.Д. доцент ГАБЧЕНКО А.К.

Т.Ф.Д. профессор САБИРОВ Б.У.

**ОПЕРАТИВ ЖАРРОХЛИК ВА ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ
ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР ТУПЛАМИ.**

(СамТИ оператив жаррохлик ва топографик анатомия кафедраси
кафедра мудири Т.Ф.Д. доцент ГАБЧЕНКО А.К., Факултет ва госпитал
хирургия кафедраси кафедра мудири Т.Ф.Д. профессор САБИРОВ Б.У.)

Самарканд - 2005

МАВЗУ. КУЛ СОХАСИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ ВА

ОПЕРАТИВ ЖАРРОХЛИГИ.

Р Е Ж А.

1. Умров ости сохаси.
А) чегаралари, каватлари.
Б) кон-томир нервлари.
В) умров ости артериясини очиш, венесекция ва пункция.
2. Курак ва делтасимон мускул сохалари.
А) чегаралари, каватлари.
Б) кон-томир нервлари.
В) тукима бушликлари ва уларни бошка соха бушликлари билан алока килиши.
3. Култик ости сохаси.
А) чегаралари, каватлари.
Б) култик ости чукурчасининг деворлари.
В) култик ости чукурчасининг учбурчаклари, тешиклари, кон-томирлари ва нервнинг топографияси.
Г) култик ости артериясини топиб боглаш ҳамда шу соха йирингли жараенининг операциялари.
4. Елка сохаси.
А) елка бугимининг топ-си (тузилиши, бойламлари, халталари, чунтаклари, Елка бугимини пункция ва артротомияси).
Б) елка сохасининг чегаралари, олдинги ва орка юзаси, каватлари, кон-томир ва нервлари.
В) елка артериясини топиб боглаш ва флегмоналарини очиш.
Г) елка сохасида ампутация килиш.
5. Тирсак сохаси.
А) чегаралари, олдинги ва орка юзаси.
Б) тирсак чукурчаси, венесекция ва венепункция.
В) тирсак сохасида тирсак нервнинг топографияси.
Г) тирсак бугимини пункция килиш.
6. Билак сохаси.
А) чегаралари, олдинги ва орка юзалари.
Б) олдинги юзасининг мушак гурухлари ҳамда кон-томир нервлари.
В) олдинги юза кон-томир нервларининг теридаги сояси ва уларни очиш.
Г) орка юзасининг мушаклари, кон-томир ва нервлари.
Д) билак сохасининг урта ва пастки кисмларида энгучсимон ампутация килиш, кундаланг кесмасининг топ-си.
Е) Крукенберг-Альбрехт кулини ясаш ампутацияси.

7. Панжа сохаси.

А) чегаралари, кисмларга булиниши, олдинги ва орка юзалари.

Б) панжа усти сохасидаги каналларнинг топ-си.

В) кафт юзаси: кисмларга булиниши, каватлари, кон-томир нервлари
Апоневроз ости юза артериал равоги.

Г) бармоқларнинг топографияси: каватларининг хусусиятлари: кон билан таъминланиши: олдинги ва орка юзаларининг иннервацияси: синовиал кинлари: фалангалараро бугим бушликларининг теридаги сояси (Шевкуненко буйича).

Д). Панжа сохаси флегмоналари ва бармоқ хасмолларининг операциялари: Огриксизлантириш усуллари (Браун-Усольцева ва Лукашевич-Оберст буйича).

Е) бармоқлар ампутация ва экзартикуляциялари.

8. Кургазмали куроллар: таблицалар: муляжлар: слайдоскоп ва слайдлар: маъруза матни.

Умров ости сохаси. Чегаралари: йукоридан-умров суяги, пастдан-эркакларда 3 ковурга буйлаб утказилган чизик аелларда эса сут безининг юкори кирраси билан, ичкаридан-туш суягининг ташки кирраси билан: ташкаридан- делтасимон мушагининг олдинги кирраси билан бошка сохалардан ажралиб туради.

Ташки белгилари – умров ва туш суяклари, тумшуксимон усимта, делтасимон ва катта кукрак мушакларининг орасидаги эгат (бу эгат умров суягининг урта кисмидан делтасимон – кукрак учбурчагига давом этади)

Бу сохасининг териси юпка, харакатчан, буйин чигалидан чикувчи умров усти нервлари билан иннервацияланади. Тери ости ег тукимаси яхши ривожланган булиб, унда буйиннинг тери ости мушаги ва 1-чи фасцияси етади. Юзаки фасцияси юпка, умров суяги ва сут безининг юкори кисми сохасида остидаги тукималар билан бириккан ва уни сут безининг кутариб турувчи бойлами дейилади.

Хусусий фасцияси юпка пластинкага ухшаш булиб икки варакка булинади ва катта кукрак мушагига кин ясаб мушак ичига тусиклар жунатади. Шу тусиклардан иккитаси яхши ривожланиб мушакни уч кисмга (умров, ковурга-кукрак ва корин кисмлари) булади. Бу фасция юкоридан умров суягига бирикиб буйиннинг П-чи фасциясига пастдан эса олдинги тишсимон мушак ва корин мушакларининг фасцияларидан давом этади. Ичкаридан туш суягининг суяк усти пардасига бирикади, ташкаридан эса делтасимон ва култик ости фасцияларига давом этади. Делтасимон мускул сохасида яъни делтасимон-кукрак эгатида кулнинг асосий тери ости венаси жойлашган булиб, бу вена юкорига йуналиб хусусий фасциясини тешиб субпекторал бушлигига утади ва шу жойда умров ости венасига кушилади. Бу бушлик хусусий фасциясининг чукур вараги ва катта кукрак мушагининг остида жойлашади. Уни орка деворини чукур умров-кукрак фасцияси чегаралайди.

Субпекторал бушлигининг куп кисми умров ости сохасида жойлашган булиб ундан кукрак-акромиал артерияси, венаси ҳамда латерал ва медиал кукрак нервлари утади.

Култик ости артериясининг тармоги кукрак-акромион артерияси субпекторал бушлиги ости чукурчасидан чукур фасциясини тумшуксимон усимта сохасида тешиб утади ва шу жойда учта кисмга булинади. Кукрак тармоги катта ва кичик мушакларини кон билан таъминлайди: делтасимон тармоги шу номли мушакни таъминлайди: акромиал тармоги-уша сохага йуналади.

Чукур фасция (клавипекторал фасцияси) умров суягининг пастки кирраси, тумшуксимон усимта ва 1 - чи ковургадан бошланиб умров ости ва кичик кукрак мушакларига кин ясайди. Кичик кукрак мушагининг остида кукрак ва култик ости фасцияларига кушилиб субпекторал бушлигини пастдан чегаралайди. Бу фасциясининг ташки кисми култик ости чукурчасининг тутиб турувчи бойламини хосил килиб умров суягига тортиб мустахкамлайди: Шу сабабли култик ости сохаси чукурча шаклида куринади. Бу фасция кичик кукрак мускули билан култик ости чукурчасининг олдинги деворини чегаралайди. Мушакни оркасида умров ости кон-томир нерви жойлашган булиб, умров суягининг оркасидан уни урта кисмига утади ва култик ости чукурчасига юналади. Умров суягининг синиши натижасида суякни ташки кисмининг булаг и делтасимон мускулининг огирлиги туфайли елка чигали ёки умров ости венасини жарохатлаб куйиш хавфи тугилади. Суякни медиал кисми булаг и эса туш-умров-сургичсимон мушагининг тортиши натижасида юкорига силжийди.

УМРОВ ОСТИ АРТЕРИЯСИНИ ОЧИШ ОПЕРАЦИЯСИ.

Курсатмалари-умров ости артериясининг жарохатлари. Огриксизлантириш – умумий наркоз. Бемор орка билан ёткизилган. Артерияни Джанелидзе ва Петровский усуллари билан очиш мумкин. Джанелидзе буйича тери кесими умров туш бирикиш жойидан 1-2 см. ташкаридан бошланиб умров усти буйлаб куракни тумшуксимон усигигача кесилиб кейин пастга йуналтирилади ва делтасимон-кукрэк эгатигача давом эттирилади.

Петровский буйича терида Т-симон кесим утказилади. Кесимни кундаланг кисми умров суягининг олдинги юзаси буйлаб 10-15 см. Узунликда олиниб уни вертикал кисми олдингисининг уртасидан 5 см. пастга йуналтирилади.

Тери, тери ости тукумаси, фасция кесилиб, куракни катта мушаги кисман кесилади. Умров суягининг пардаси ажратилиб Джилли арраси ёрдамида кесилади. Тарновсимон зонд ёрдамида суяк усти пардасининг орка девори ва умров ости мушаги кесилади.

Жарохат ичидан кон-томир нерв топилади. Бунинг учун жарохатда курунган асосий вена чеккага суриб куйилади.

Клавипекторал фасциясининг оркасида жойлашган куракни олдинги нерви ва курак-акромиал артерияси хам чеккага суриб куйилади. Умров ости артериясини олдидан ва пастрокда вена ундан юкорирок ва ташкаридан елка чигали жойлашади. Артерия шуларнинг орасидан эхтиёткорлик билан ажратилиб Дешан игнаси ёрдамидан лигатура утказилади.

Ю.Ю.Джанелидзе усули буйича кесим умров ости артериясини култик ости сохасига утиш жойига кириш учун купрок фойдаланилса, Б.В.Петровский кесими артерияни кенг сохада очиш, уни туш оркасидан чикиш жойига ва норвонлараро бушликдаги кисмига кириш учун кулланиши афзалдир.

КУРАК СОХАСИ.

Чегаралари: юкоридан – акромиал усик ва УП буйин умурткасининг уткир усигини кушувчи чизик, пастдан – курак бурчагидан кундаланг утказилган чизик, ичкаридан – курак суягининг ички кирраси ; ташкаридан – акромион асосидан пастга утказилган чизиклар ёрдамида чегараланади.

Териси калин, камхаракатчан. Юза фасцияси пишик ва бир неча катламдан тузилган. Узидан терига ва хусусий фасциясига караб тусиклар жунатиб, уларни бир-бирига бириктириб туради. Шу сабабли юза кавати камхаракат. Хусусий фасцияси заиф ривожланган пластинкага ухшаш. Курак суягининг кирраси бу сохани иккита чукурчага булиб туради : кирра усти ва кирра ости .

Мушак кавати икки катлам булиб жойлашган. Биринчи катламда белни сербар ва трапециясимон, иккинчиси эса кирра усти, кирра ости, кичик юмалок, ва катта юмалок мушаклари. Бу мушаклар апоневрозга ухшаш чукур фасция билан копланган. Бу фасция курак суягини кирраси ва чеккаларига бирикиб иккита суяк-фиброз ёткичини (кирра усти ва ости) хосил килади.

Кирра усти чукурчаси . Шу номли фасция ва чукурча хисобига хосил булади. Чукурчанинг кул кисмини кирра усти мушаги тулдиради. Шу мушак ва чукурча тубининг орасида курак усти артерияси, венаси ва нерви ётади. Нерв елка чигалининг шохи булиб бу сохага курак ёриги ва куракни кундаланг бойлами орасидаги тешик оркали утади. Бу тешик оркали умров усти сохасидан калконсимон-буйин тутамининг тармоги булган курак усти артерияси ҳам утади. Артерия ва вена курак киррасини акромиал усик сохасида эгиб кирра ости ёткичига йуналади . Бу ёткич шу номли фасция ва чукурча орасида хосил булган . Бу ёткичда кирра ости ва кичик юмалок мушаклари жойлашган. Кирра ости мушагининг пастида айланиб утувчи (култик ости артериясининг тармоги) ва буйин кундаланг артериясининг тушувчи тармоги ётади. Куракни айланиб утувчи артерияси уч томонли тешик оркали утиб куракни ташки киррасини эгиб кирра ости фасциясини тешиб шу номли бушликда курак усти ва буйин кундаланг артериясининг тушувчи тармоги билан анастомоз хосил килади. Бу анастомозлар култик ости артериясини курак ости артерияси тармогидан кейин боғланса коллатерал кон айланишда муҳим рол уйнайди.

ДЕЛТАСИМОН МУСКУЛ СОХАСИ.

Соха шу мушакни жойланиш жойига тугри келади. Бу мушак елка бугими ва елка суягининг юкори учдан бир кисмини ёпади.

Ташки белгилари: мушакни олдинги ва орка кирралари, умров суяги ва умров-акромиал бирикиш жойи, акромиал усик, курак кирраси.

Чегаралари: юкоридан – делтасимон мушагининг умров суяги ташки кисми акромиал усик ва курак киррасининг ташки кисмини бошланиш жойидан утказилган чизик; пастдан – катта курак ва белни сербар мушакларининг пастки киррасидан утказилган горизонтал чизик; олдиндан ва оркадан – мушакни олдинги ва орка кирралари.

Териси калин, камхаракат. Тери ости ёғ туқимаси яхши ривожланган, турсимон шаклга эга. Юза фасцияси тумшуксимон усимта сохасида хусусий

фасция билан бириккан. Хусусий фасцияси шу номли мушакка кин хосил килиб, мушак ичига тусиклар жунатади.

Мушак ва елка суяги орасида делтасимон ости тукима бушлиги булиб елка суягининг проксимал кисмига бирикувчи мушак пайлари, синовиал халталари ва кон-томир, нерв жойлашган. Кон-томир, нерви –култик ости нерви ва елка суягини оркадан айланиб утувчи артерияси булиб, нерв елка оркали чикиб келади.

Нерв тешикдан чикиб култик ости бурмаси ва елка бугимининг кобигига тегиб, елка суягининг жаррохлик буйинчасини эгиб утади. Елка суягининг синиши ва бугимдан чикиши натижасида бу нерв ишкастланиб мушак параличи ва шу нервдан иннервация оладиган сезувчанлик кобилияти бузилади.

Войно –Ясенецкий буйича нервни елка суягининг орка юзасида утиш жойининг теридаги нуктаси куйидагича аникланади. Акромион усикдан утказилган вертикал чизикни мушакни орка кирраси билан кесишган нуктаси ёки бу нукта акромиал усик бурчагидан 6 см. пастрокка тугри келади.

Делтасимон мушаги орка кисмининг уртасида елканинг ташки тери нервининг тасвири аникланади.

Дельтасимон ости тукима бушлиги кон-томир йуллари оркали култик ости билан, кирра усти ва ости мушакларининг пайлари оркали шу номли ёткичлар билан алока килади. Делтасимон ости флегмоналарида йиринг делтасимон- кукрак эгатида йуналса тери остига утади.

КУЛТИК ОСТИ СОХАСИ.

Чегаралари: олдиндан –катта кукрак мушагининг пастки кирраси : оркадан – белни сербар ва катта юмалок мушакларининг пастки кирралари: ичкаридан -белни сербар ва катта кукрак мушаклари пастки кирраларини кукрак сохасида бирлаштирувчи чизик: ташкаридан –шу мушаклар пастки кирраларини елкани ички юзасида кушувчи чизик.

Териси юпка харакатчан, тер ва ёг безларига бой, тук билан копланган, тери ости ёг тукимаси яхши ровожланган, юзаки фасцияси юпка. Хусусий фасцияси сохасининг чеккаларида калин булиб, уни урта кисми галвирсимон тузилишга эга. Уни тешикчаларидан тери остига кон-томир ва нерв шохчалари утади.

Хусусий фасциясини очгандан кейин ромбсимон шаклга ухшаган чукурча ва уни ичида кон-томир нерв куринади.

Чукурчани деворлари ; олдиндан –катта ва кичик кукрак мушаклари : оркадан –курак ости, катта юмалок ва белни сербар мушаклар: ичкаридан – олдинги тишсимон мушаги 1У ковурга сохасигача : ташкаридан –елка икки бошли мушагининг калта бошчаси, тумшуксимон –елка мушаклари ва елка суягининг жаррохлик буйинчаси.

Чукурчанинг олдинги деворида учта учбурчак (умров –кукрак,кукрак ва кукрак ости) тафовут килади.

Умров-кукрак учбурчаги –юкоридан умров суяги пастдан эса кичик кукрак мушагининг юкори кирраси билан чегараланади. Бу учбурчакда култик ости артерияси уртада , ундан ичкарида вена , артериядан ташкари ва оркарокда елка чигали жойлашади. Бу учбурчакда артериядан кукрак-акромиал ва кукракнинг юкори артерия тармоклари чиқади.

Кукрак учбурчаги –бу учбурчак кичик кукрак мушагининг жойлашган жойига тугри келади . Бу учбурчакда артерия уртада вена ичкарида елка чигалидан хосил булган тутамлар артерияни уч томондан урайди . Ичкаридан ички , ташкаридан ташки, оркадан орка тутамлари . Артериядан кукрани ташки артерия тармоги чикиб узун кукрак нерви билан йуналади.

Кукрак ости учбурчаги –юкоридан кичик кукрак мушагининг пастки кирраси; пастдан- катта кукрак мушагининг пастки кирраси билан чегараланади. Бу учбурчакда вена артерияга нисбаттан ичкарида ётади .

Артерияни елка тутамларидан хосил булган кул нервлари урайди . Орка тутамдан култик ости ва билак нервлари чиқади. Билак нерви елка сохасининг ташки тусигини тешиб уни орка сохасига утади. Ташки тутамдан – урта нервни ташки шохи ва мушак тери нерви хосил булади . Мушак тери нерви тумшуксимон-елка мушагини тешиб елкани олдинги юзасига юналади Ички тутамда урта нервни ички шохи, тирсак нерви , елкани ички ва билакни ички тери нервлари хосил булади. Урта нерв артерияни олдидан утади .

Артериядан бу учбурчакда курак ости, елка суягини олдиндан ва оркадан айланиб утувчи артериялари чиқади . Култик ости артериясини боғлашда кукрак ости артериясидан кейин боғланса кул сохасининг коллатерал кон айланиши шу артерия хисобига тикланади .

Култик ости чуқурчасининг орка деворида иккита тешик мавжуд .Уч томонли тешиги –юкоридан курак ости ва кичик юмалок, пастдан – катта юмалок, ташкаридан –уч бошли мушакнинг узун бошчаси чегаралайди . Бу тешикдан куракни ураб олувчи кон- томири утади .

Турт томонли тешиги –юкори ва пастки девори уч томонли тешикниқай, ичкаридан – уч бошли мушагининг узун бошчаси , ташкаридан эса елка суягининг жаррохлик буйинчаси чегаралайди. Бу тешикдан култик ости нерви ва елкани оркадан айланиб утувчи артерияси утади .

Култик ости артериясининг теридаги чизики Н.П.Пирогов усули буйича чуқурча кенглигининг олдинги ва урта қисмларининг уртаси ёки тик усимтасининг олдинги кирраси буйича аниқланади .

Сохасининг лимфа тугунлари 5 гуруҳга булинади.

1 чи. Марказий гуруҳ – кул, орка, кукрак ва сут безидан лимфа йигади. 2 чи кукрак гуруҳи-чуқурчанинг медиал деворида яъни тишсимон мушагининг ташки юзасида ташки кукрак томирлари буйлаб жойлашган. Кукрак кафасининг олдинги ён, корин, сут безидан лимфа йигади.

3 чи орка ёки курак ости гуруҳи –курак ости томирлари буйича жойлашган. Кукрак кафасининг орка юзаси ва елка бугимидан йигади.

4 чи ташки гуруҳ-култик ости венаси буйича жойлашиб, кул ва сут безидан лимфа суюқлигини йигади.

5 чи чуққили гуруҳ-култик ости кон-томири буйича яъни умров кукрак учбурчагида жойлашиб улар анастомозлар орқали бошқа лимфа тугунларини узаро қушади .

КУЛТИК ОСТИ АРТЕРИЯСИНИ ОЧИШ.

Махаллий инфилтратив огриксизлантириш оркали тери кесими артериянинг тасвирий чизиги оркали яъни чукурча энининг олдинги ва урта кисмининг уртасидан утказилади .

Тери ости ёг кавати ва юза фасциядан кейин тарновсимон зонд ва скалпел ёрдамида хусусий фасция кесилади .Уни остидаги кон-томир нерв топилиб артерия вена ва нервлар орасидан ажратилади .Кейин курак ости артерия тармоги ажралиб чиккан жойдан пастрокдан артерияни остидан Дешан игнаси ёрдамида ип утказилиб боғланади .Култик ости артерияси боғлангандан кейин коллатерал кон айланиш курак ости, курак –акромиал , калконсимон-буйин поясининг тушувчи артерияси ва елканинг чукур артерия тармоқларининг хисобига қайта тикланади.

ЕЛКА БУГИМИ .

Елка бугими елка суягининг бошчаси ва курак суягининг чукурчаси хисобига хосил булади .Бугим чукурчаси ва елка суягининг бошчаси тузилиш жихатидан бир-бирига мос тушмайди . Лекин уларни курак суягининг бугим чукурчаси атрофидаги тоғай лаблари узаро бириктириб туради . Бу тоғай лаблари елка суягининг анатомик буйчасига келиб бирикади. Натижада елка суягининг иккала думбокчалари бугимдан ташкарида қолади .

Бугим қобиғи бойламлар ёрдамида мустахкамланади . Бу бойламлар юкори, урта ва пастки ҳамда тумшуксимон елка бойламларидир.

Бугимни юкоридан курак суягининг акромиал, тумшуксимон усимталари ва уларни бирлаштирувчи тумшуксимон –акромиал бойлами ҳамда елка гумбази ёпиб туради . Бугимнинг олдинги пастки кисми нисбатдан заиф булиб купрок бугим чикиши шу жойда кузатилади .Уни мустахкамлаш учун бойламлардан ташкари бугимни ураб турган мушаклари ҳам асосий рол уйнайди.Олдиндан ва ичкаридан курак ости , тумшуксимон елка ва елка икки бошли мушагининг калта бошчаси, уларни устидан катта курак мушаги ; ташкаридан –икки бошли мушагининг узун бошчасининг пайи ва делтасимон мушаклари : оркадан –кирра ости ва катта юмалок мушаклари .

Елка бугимининг синовиал халталари-икки бошли мушагининг пайи учун думбоклараро, тумшуксимон ости ва курак ости .

Думбоклараро халта акромиал усикни остида ёки кирра усти мушагининг пайида жойлашган .

Тумшуксимон ости халтаси шу усимта илдизиди яъни курак ости мушаги ва бугим қобиғи орасида жойлашган булиб , бугим бушлиғи билан алоқа қилади .

БУГИМ ПУНКЦИЯСИ .

Пункциясини мақсади бугим бушлиғидаги суюқликни чиқариш ва унга антибиотиклар юбориш .

Пункция қилинадиган соҳа 0,5% новокаин суюқлиғи билан огриксизлантирилади. Бугимни олдиндан, оркадан ва ташкаридан пункция қилинади .Олдиндан –куракни тумшуксимон усимтасининг остидан оркага қараб елка суяги бошчаси ва уни орасига 3-5 см чуқурликка киритилади .

Оркадан –делтасимон мушагининг орка кирраси ва куракни елка усимтаси орасидаги чуқурчадан пастдан юкорига ва олдинга 4-5 см чуқурликга киргизилади .

Игна ташкаридан курак суягининг елка усимтаси ва елка суяги бошчасининг орасига ташкаридан ичкарига ва пастга йуналтирилади .

ЕЛКА СОХАСИ

Чегаралари : Юкоридан –белни сербар ва катта курак мушакларининг пастки кирраларидан утказилган айлана чизик:

Пастдан -елка суяги медиал ва латерал думбокларидан икки кундаланг бармок эни юкоридан утказилган айлана чизик билан чегараланади .Шу думбокларидан юкорига караб утказилган вертикал чизик оркали олдинги ва орка юзаларга булинади (бу чизиклар елканинг ички ва ташки эгатига тугри келади).

Олдинги юзаси-териси юпка харакатчан , латерал юзасининг териси медиалига нисбатан калинрок. Тери ости ёг тукумаси сийрак .Юза фасцияси юпка пластинкага ухшаш .Кисман юза ва хусусий фасция , кисман эса хусусий фасция варакларининг ичида асосий ва бош веналари жойлашади .

Асосий вена (вена цефалика) икки бошли мушагининг ташки кирраси буйлаб ташки эгатга йуналади. Бу вена елка сохасида хама вақт хусусий фасциянинг устида ётиб, факат делтасимон-курак эгатидагина хусусий фасцияни остига утади.

Бош вена (вена базилика) билакни ички тери нерви билан бирга медиал эгатдан ичкарирокда хусусий фасциянинг устида ётади ва соханинг урта ва пастки кисмларининг чегарасида фасциянинг остига утади, кейин эса бу вена ва нерв хусусий фасциянинг икки варакларининг орасидаги Пирогов каналида жойлашади.

Хусусий фасцияси узидан суякка караб иккита тусик жунатиб мушаклар ва кон-томир нервларга кин хосил килади.Уни остида эса олдинги юза мушаклари: икки бошли,тумшуксимон-елка (юкори учлигида) ва елка мушаклари ётади.

Елка икки бошли мушагининг медиал эгатида соханинг асосий кон-томир нервлари ётади.Булар елка артерияси ва венаси хамда урта нерв булиб, алохида кинда ётади.Улардан ичкарирокда бош вена ва билакни ички тери нерви ва яна ичкарирокда тирсак нерви утади.

Елка артериясининг теридаги тасвири чизиги култик ости чукурчасининг уртасидан тирсак чукурчасининг уртасига утказилган чизик оркали аникланади.Асосан уларни тасвири икки бошли мушакни медиал этаги буйича аникланади.

Тирсак нервининг тасвири чизиги елкани юкори кисмида асосий кон-томир нерв чизигига тугри келади.Урта учлигидан бошлаб ички эгатни уртасидан медиал думбокчага утказилган чизик оркали аникланади.

Урта нерв елканинг юкори учлигида елка артериясига нисбаттан ташкарида, урта учлигида эса артерияни олдидан ёки оркасидан(Н.И.Пирогов) кесиб утиб пастки учлигида артериядан ичкарида жойлашади.

Соханинг юкори кисмида артериядан елкани чукур артерияси ажралиб,билак нерви билан орка юзага йуналади.

Елка артериясини урта кисмидан тирсакни юкори коллатерал, (тирсак нервини кузатиб боради),пастки кисмидан эса тирсакни пастки коллатерал артериялари (асосий томир-нerv билан олдинги юзасига утади)ажралиб чиқади.

Тирсак нерви елка артериясини кинида ундан ичкари ва оркарогида жойланиб юкори ва урта кисмларининг чегарасида ички тусикни тешиб орка юзага яъни уч бошли мушакни ичига утади.

Елка соханинг юкори учлигида хамма кон-томир нервлардан оркада кулни энг катта нерви хисобланган билак нерви жойлашган булиб, белни сербар мушагининг пастки киррасидан пастга ва оркага юналиб елкани чукур артерияси билан сохани орка юзасига утади.

Елка соханинг орка юзаси-териси калин камхаракат , тери ости ёг тукумаси яхши ревожланган, юза фасцияси нозик, хусусий фасцияси елка уч бошли мушаги ва орка гурух томир-нервига кин хосил килади.

Кон-томир нервлари билак нерви ва елкани чукур артериясидан тузилган булиб, улар мушак ва елка суякнинг орасидаги каналда жойлашади. Бу канал суякдаги спиралсимон эгат ва уч бошли мушагининг латерал хамда медиал бошчаларининг орасида хосил булади.

Каналда нерв суякни устида артерияни устида артерияни остида ва ичкарида ётади. Нервни суяк устида ётиши елка соханинг урта кисмида каттик кисувчи жгут куйиш ёки операция пайтида кул веналаридан суюклик юбориш вақтида, кулни операцион стол киррасида куп вақт кисиб куйиш нерви фалажланишига олиб келади. Натижа панжа дорсал юзасининг сурункали шиши юзага келади.

Нерв каналда соханинг пастки кисмида чикиб ташки мушаклараро тусикни тешиб яна олдинги юзага утади. У аввал уч бошли мушагининг латерал ва медиал бошчалари, кейин эса тирсак чукурчасининг чегарасида елка ва елка-билак мушакларининг орасида жойлашади.

Нервнинг теридаги тасвири белни сербар мушагининг пастки киррасидан ташки эгат буйлаб уни урта ва пастки кисмининг уртасига утказилган спиралсимон чизик оркали аникланади. Нервни очиш операцияси учун теридаги кесим мушакни ташки ва узун бошчаларининг орасидаги эгат буйича утказилади.

Елкани чукур артериясидан урта коллатерал ва билакни коллатерал артериялари чикади. Билакни коллатерал артерияси чукур артериянинг давоми хисобланиб, билак нервни кузатиб боради.

ЕЛКА АРТЕРИЯСИНИ ЕЛКА СОХАСИНИНГ УРТА КИСМИДА ОЧИШ ОПЕРАЦИЯСИ.

Бемор операцион столга орка ёткизилиб, кул танадан узоклаштирилади. Кейин эса артерияни теридаги тасвирий чизиги аникланади. Уни тасвири култик ости чукурчасининг чуққисидан ички эгат буйича елка суягининг ички думбоги ва икки бошли мушак пайининг орасидаги нуктага утказилган чизик. Пайпаслаш усули билан икки бошли мушагининг ички кирраси топилиб, артерияни тасвирий чизигидан 2 см ташкарироқда тери 6-8 см узунликда кесилади. Тери кесими илмоқлар ёрдамида кенгайтирилиб, мушакни ички кирраси буйлаб кинини олдинги девори кесилади. Мушак ташкарига суриб куйилгандан кейин тарновсимон зонд ёрдамида кинни орка девори хам кесилади. Кон-томир нерв тутами куйидагича жойлашади : урта нерв мушакни остида ва юзада артерия эса нервни оркасида ётади. Баъзан артерия нервни олдидан утиши мумкин. Артерияга Дешан игнаси

билан лигатура утказиб боғланади. Коллатерал кон айланиш елкани чукур ва тирсакни юкориги коллатерал артерияларини билак ва тирсакни кайтувчи артериялари билан кушилишидан тикланади. Агар елка артерияси уни чукур тармогидан олдин боғланса 3-5% холларда кул сохасининг гангрена си юзага келади.

ЕЛКА АМПУТАЦИЯЛАРИ.

Ампутация лотин сузидан олинган булиб ампутарео-кесиш деганидир. Яъни кул, оёк ёки маълум бир аъзони дистал кисмидан кесиб олиб ташлаш демакдир.

Ампутацияларга курсатмалар-харакат аъзоларининг тиклаб булмайдиган жароҳатлари, гангрена лари, хавфли усмалар ва х.к.

Ампутациялар бажариш ва кти буйича бирламчи (24 соат ичида) иккиламчи (7-8 кунда) ва кайта турларига булинади.

Курук олиш усули буйича бир курукли, икки курукли, фасциопластик циркуляр ва суяк пластикали усулларига булинади.

Елка сохаси ампутациялар урта ва пастки кисмида Пирогов буйича уч лахзали, икки курукли ва юкори учлигида Фарабеф буйича утказилиши мумкин.

Елкани икки курукли ампутацияси-сохасининг урта кисмида утказилиб олдинги курук узунрок, орка курук эса калтарок кесилади. Тери тери ости ёг тукимаси юза ва хусусий фасция кесилиб куруклар юкорига кайириб куйилади. Кайирилган курукларни асосидан мушаклар суяккача кесилади. Елка икки бошли мушагининг кискариш хусусияти кучли булганлиги сабабли уни дисталрок жойидан кесилади. Юмшок тукималар ретрактор ёрдамида юкорига суриб куйилгандан кейин суяк арраланадиган жойдан юкорирогдан суяк усти пардаси айланасига кесилиб пастга шилинади.

Суяк усти пардасининг проксимал киррасидан 3-5 мм пастрогдан суяк арраланеди. Кейин эса кон томир нервларга ишлов берилади. Олдинги юзада елка артерияси иккита венаси билан хамда тери остида жойлашган бош ва асосий веналар, урта нерв, тирсак нерви, елка ва билак сохаларининг медиал тери нервлари. Орка юзада – елканинг чукур артерияси ва билак нерви. Кон томирлар боглаб тикилади. Нервларга эса куйидагича ишлов берилади. Нерв пардасининг остига 0,5% новокаин эритмаси юборилиб огриксизлантирилгандан кейин пастга 5-6 см тортилиб бир харакат билан уткир скалпел ёрдамида кесилади.

Нерв толалари чузилиш хусусиятига эга булганлиги сабабли шунча узунликда кесилгандан кейин у юкорига тортилиб чулток сохасида нерв шохчалари булмайдиган ва протез куйилгандан кейин огрик сезилмайдиган. Нерв охириги бир текисда кесилмай нотугри ёки гадир-будур кесилса ампутациядан кейин ёлгон огриклар яъни йук кисмни огриклари юзага келади.

Кон томир нервларга ишлов берилгач кейин куруклар бирлаштирилиб тикилади. Натижада чандик орка юзада хосил булади.

ФАРАБЕФ УСУЛИ БУЙИЧА ЕЛКА АМПУТАЦИЯСИ.

Бу усул буйича ампутация елка сохасининг юкори учдан бир кисмида утказилади. Тери кесими делтасимон-кукрак этагидан бошланиб катта кукрак мушагининг пастки кирраси буйича олинадиган ва мушак елка суягидан ажратилади. Тери кесими делтасимон мушагининг олдинги, пастки ва орка кирралари буйича давом эттирилиб мушак ва тери куруги юкорига

ажратилади.Олдинги юзада тумшуксимон-елка мушаги кесилиб уни остида елка артерияси ва венаси ажратилиб кесиб боғланади.Кейин орка юзада катта юмалок ва белни сербар мушаклари кесилади.Шу жойда жойлашган билак нервини саклаб қолиш шартдир.Чунки бу нерв делтасимон мушагини иннервациялайди.Юмшоқ туқималар кесилгандан кейин суяк усти пардасига ишлов берилиб суяк аррланади.Олдинги ташки тери мушак куроги олдинги ички тери курогига келтириб тикилади.

ТИРСАК СОХАСИ.

Чегаралари: юкоридан ва пастдан елка думбокларини бирлаштирувчи чизикдан икки кундаланг бармок эни юкоридан ва пастдан (ёки 4 см) утказилган айлана чизиклар ёрдамида чегараланади.Шу думбоклардан утказилган вертикал чизиклар сохани олдинги ва орка юзаларга булади.

Олдинги юзаси – териси юпка ҳаракатчан, тери ости ёғ туқимаси сийрак, уни ичида ташкаридан асосий (вена цефалика) ичкаридан бош (вена базилика) веналари утади.Бу веналар узаро анастомоз оркали қушилган.Бу анастомоз И ёки М ҳарфи шаклида бўлиши мумкин.Агар И ҳарфи шаклида бўлса анастомоз тирсакни урта венаси, М ҳарфи шаклида бўлса ичкиси бош вена,ташкиси асосий вена деб аталади.Юза фасцияси юпка,хусусий фасцияси елка икки бошли мушагининг апоневрози билан қушилиб билак соҳасининг хусусий фасциясига давом этади.Бу фасцияни очгандан кейин тирсак чуқурчаси куринади.

Чуқурчани ташки томондан елка-билак,ички томондан юмалок пронатор юкоридан икки бошли мушагининг пайи чегаралайди.

Икки бошли мушак пайининг остида елка артерияси билак ва тирсак артерияларига булинади. Урта нерв артерияга нисбаттан 0,5-1 см ичкарида ётади.Бу нерв юмалок пронатор мушагининг бошчалари орасидан билак соҳасининг олдинги юзасида утади ва бармокларни буқувчи юза ва чуқур мушакларининг орасида жойлашади.

Билак нерви тирсак чуқурчасида елка ва елка-билак мушакларининг орасидан утиб елка суягининг латерал думбоги соҳасида юза ва чуқур шохчаларга булинади.Юза шохчи билакни олдинги юзасига йуналса,чуқур шохчи суппинатор мушаги орасидаги канал оркали билакни орка юзасига утади.

Орка юзасининг териси калин,камҳаракат,тери ости ёғ туқимаси сийрак,тирсак усимтаси соҳасида шиллик ҳалтаси мавжуд.Юза фасцияси юпка.Хусусий фасцияси калинлашиб елка суягининг думбоклари, тирсак усимтаси ва елка уч бошли мушагининг пайига бириккан.

Уч бошли мушак пайи тирсак усимтасига келиб бирикади ва уни остида пай ости ҳалтаси мавжуд.Елка суягининг медиал думбоқчаси ва тирсак усимтасининг орасида тирсак нерви жойлашиб, бу нерв панжани тирсак томонига буқувчи мушак бошчаларининг орасидан билакдаги тирсак эгатида утади.

ТИРСАК БУГИМИ .

Бугимни хосил булишида елка, тирсак ва билак суяклари катнашади. Бугим елка-тирсак, елка-билак ва билак тирсак бойламлари ёрдамида бирикади. Бугим кобиги шу бойламлар хисобига хосил булади. Елка суягининг думбокларнинг кобигдан ташкарида колади.

Бугим халтаси тирсакни коллатерал (елканинг ички думбогидан тирсак суягига тортилган), билакни коллатерал (ташки дамбоқдан билак суягига) ва билакни айлана (билак суягининг бошчаси ва буйинчасини ураб тирсак суягига бирикади) бойламлари хисобига мустахкамланади.

Бугим бушлигининг теридаги тасвирий чизиги ташки думбоқдан 1 см, ичкисидан эса 2 см пастдан утказилган кундаланг чизик билан аникланади.

Бугим тирсак артериал тури хисобига кон билан таъминланади.

ВЕНЕСЕКЦИЯ.

Венесекцияни утказишдан максад вена деворига пункция килиб булмаса яъни вена девори пучайганда (огир метал захри билан захарланган беморларда) ёш болаларда ва кари кишиларда дори дармон юбориш максадида утказилади.

Тери кесими ички думбок сохасидан кийшик холда тирсак чукурчанинг уртасидан утказилади. Тери ости ёг тукумасининг ичида юкорида курсатилган веналар топилиб уни остидан учта лигатура утказилади. Дистал лигатура боғланади, кейин эса венанинг олдинги девори кутарилиб кундалангига кесилиб ичига канюла киритилгандан кейин урта лигатура канюланинг устидан боғланади . Муолажани бир неча кун давом этгандан сунг канюла олиниб учинчи яъни проксимал лигатура боғланади.

БИЛАК СОХАСИ .

Чегаралари : юкоридан елка суяги ташки ва ички думбокларини бирлаштирувчи чизикдан икки кундаланг бармок эни (4 см) пастдан : пастдан эса билак ва тирсак суякларининг бигизсимон усикларидан 1 см юкоридан утказилган айлана чизиклар билан чегараланади . Бигизсимон усиклардан ички ва ташки думбокларга утказилган вертикал чизиклар ёрдамида олдинги ва орка юзаларга булинади .

Олдинги юзаси . Териси юпка харакатчан , тери ости ёг тукумасининг ичида ичкаридан вена базилика ташкаридан вена цефалика ва уларни куп веноз томирлари утади . Хусусий фасцияси яхши ривожланган булиб узидан билак ва тирсак суякларига тусиклар жунатади ва сохани учта фасциал бушликка (олдинги , орка ва ташки) булади. Олдинги ва орка билак тусиги суяклараро парда ва суяклар бирга ташки ва олдинги бушликни хосил килса , тирсак суягининг орка киррасига бирикувчи тусик олдинги бушликни орка бушликдан чегаралайди.

Олдинги юзада 4 кават мушаклар ва 4 гурух кон-томир нервлари жойлашгандир .

Мушаклари: 1 кават (ташкаридан ичкарига) елка билак, юмалок пронатор , панжани билак томонига букувчи, бармокларни узун ва панжани тирсак томонига букувчи .

2 кават – бармокларни букувчи юза мушаги .

3 кават – бош бармокни букувчи узун ва бармокларни букувчи чукур.

4кават - квадрат пронатор мушаги .

3 чи ва 4 чи кават мушаклари хамда суяклараро парда орасида Пираговни тукима бушлиги жойлашган булиб, бу бушлик кафт канали оркали апоневроз ости бушлиги билан алока килади . Бу бушликка йиринг ва потологик суюкликлар йигилиши (025 литргача) мумкин.

Кон-томир нервлари 1 билак артерияси иккита венаси ва билак нервининг юза шохи билан. Артерия тирсак чукурчаси соҳасида елка артериясидан ажралиб чиккандан кейин узидан билакни кайтувчи артериал тармогини беради . Бу тармок юкоридан келувчи билакни коллатерал артерияси билан аностомоз килади.

Билак артерияси нервни юза шохи билан билак эгатиға утади . Бу эгат соҳанинг юкори кисмида елка-билак ва юмалок пронатор , урта ва пастки кисмида елка-билак хамда панжани билак томониға букувчи мушакларини орасида ҳосил булади . Нерв артерияға нисбатан ташкарида ётади. Улар пастға йуналиб бигизсимон усимта соҳасидаги пулс нуктасида артерия иккита тармокка булинади . Артериянинг чукур (дорсал) тармоги нерв билан бирға анатомик табакерка оркали панжани дорсал юзасиға утади .

Артериянинг теридаги тасвирий чизиги тирсак чукурчасининг уртасидан пулс нуктасиға утказилган чизик оркали аникланади (ёки билак суяги бигизсимон усимтасининг ички юзасиға).

Тирсак артерияси ва нерви .Артериа ажралиб чиккандан кейин узидан умумий суяклараро артерияси ва тирсакни кайтувчи артерияларини беради . Кайтувчи артерия тирсакни пастки коллатериал артерияси билан кушилади . Суяклараро умумий артерияси олдинги ва орка суяклараро артерияларига булинади.

Тирсак нерви тирсак соҳанинг орка юзасидан панжани тирсак томониға букувчи мушак бошчаларининг орасидан тирсак эгатиға утиб артерия билан пастға йуналади . Нерв артерияға нисбатан ичкарида ётади .

Тирсак эгати панжани тирсак томониға букувчи ва бармоқларни букувчи юза мушакларининг орасида ҳосил булади.

Артерия ва вена нухатсимон суяк томониға йуналиб шу жойдаги тирсак-кафт канали оркали кафт соҳасиға утади .Артерия каналдан кейин узининг юза ва чукур тармоқларига булинади .

Артерияни теридаги тасвирий чизиги елкани медиал думбогидан 1 см ташкаридаги нуктадан нухатсимон суягиға утказилган чизик билан аникланади . Бу чизик артерияни факат урта ва пастки учдан бир кисмиға тугри келади. Юкори учдан бир кисми эса тирсак чукурчасининг уртасидан билак соҳасининг медиал кисмининг юкори ва урта кисмларининг уртасидаги нуктаға утказилган чизик оркали аникланади .

Урта нерв тирсак чукурчасининг уртасидан юмалок пронатор мушаги бошчаларининг орасидан билакни урта юзасиға утади . Уни тирсак ёки олдинги суяклараро артериядан чикувчи урта артерияси кузатади . Нерв ва артерия бармоқларни букувчи юза ва чукур мушакларининг орасида жойлашиб кафт каналиға утади . Кафт каналидан утгандан кейин бош бармоқни мушакларига ҳаракатлантирувчи шохча беради . Нерв билак соҳасидаги букувчи мушакларни иннервациялайди .

Унинг теридаги тасвирий чизиги тирсак уртасидан бигизсимон усикларининг уртасидаги нуктага утказилган чизик билан аникланади .

Суяклараро олдинги артерия ва нерви пардани устида жойлашади. Артерияси умумий суяклараро артериядан чиқади. Нерви эса урта нервини тармоги хисобланиб квадрат пронатор мушагининг ёкори киррасида суяклараро пардани тешиб орка юзага утади.

Орка юзаси териси калин камхаракат, тук билан копланган, тери ости ёғ тукумаси яхши ривожланган. Юза фасцияси сийрак. Хусусий фасциясининг остида икки кават ёзувчи мушаклар ва орка суяклараро кон-томир нерви ётади.

1 чи кават (ташкаридан ичкарига) панжани билак томонига ёзувчи узун ва калта, бармоқларни умумий ёзувчи, жимжилокни ёзувчи мушаклари.

2 чи кават супинатор, бош бармоқни узоклаштирувчи узун, бош бармоқни ёзувчи калта ва узун, курсаткич бармоқни хусусий ёзувчи мушаклари.

Суяклараро орка артерияси умумий суяклараро артериядан соханинг олдинги юзасида чикиб суяклараро пардани тешиб орка юзага утади.

Нерви эса билак нервининг чуқур шохи булиб супинатор канали оркали ҳам орка юзага утади. Улар юза ва чуқур мушаклар орасида йуналади.

БИЛАК СОХАНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

Билак артериясини очиш; Теридаги кесим артериянинг тасвирий чизиги оркали утказилади . Кесимни узунлиги 6-8 смга тенг булиб тери, тери-ости ёғ кавати юза фасция кесилгандан кейин, хусусий фасцияни тарновсимон зонд ёрдамида кесилади . Елка-билак мушаги ташкарига , панжани билак томонига букувчи мушаги ичкарига сурилиб кон-томир нерв топилади . Артерияни ики ёнида вена , ундан 0,5-2 см ташкарида билак нервининг юза шохи жойлашган . Нерв эхтиёткорлик билан чекага сурилиб артерия лигатура билан боғланади .

Билак сохаси флегмоналарни очиш операциялари . Билак сохаси флегмоналари кон-томир нерв кинида, мушаклар гилофида, Пирогов тукума бушликларида булиши мумкин.

Огриксизлантириш махаллий инфилтратив анестезия.

Кон-томир кини флегмоналари уларни тасвирий чизиклари оркали терида кесим утказилади .

Пирогов тукума бушлигининг флегмонаси Войно-Ясенецкий усули буйича кесим оркали очилади . Бунинг учун билак ва тирсак суякларининг бигизсимон усимталари сохасидан узунлиги 5-6 см тенг юкорига караб вертикал кесим утказилади . Тери, тери ости тукумаси , юза ва хусусий фасциялар кесилгандан кейин мушакларини остидан корнцанг ёки Кохер кискичи утказилиб уни учига уртасида тешик хосил килинган резинали найча урнатилиб , оркага тортилади . Натижада ташки ва ички тери кесимлари най оркали алока килади . Шу найча оркали тукума бушлиги ювиб тозаланиб антибиотик моддалари юборилади .

БИЛАК СОХАСИНИНГ АМПУТАЦИЯЛАРИ .

Билак сохасининг пастки кисмида енгучсимон ампутация утказиш операцияси.

Тери кесими суяк арраланадиган жойдан 4см дисталроқдан утказилади .Тери, тери ости ёғ туқимаси , юза ва хусусий фасциялар айлана шаклда кесилиб , препоровка усули билан юкорига ажратилади . Ажратиш пайтида терига келувчи артерия тармоқларини саклаб қолиш керак . Акс холда тери куроги некрозга учраши мумкин . Ажратилган тери ва фасция куроги юкорига енгучсимон шимариб қуйилади.

Олдинги юза мушакларини кесиш учун панжа максимал букилиб суяк ва мушаклар орасига ампутацион пичоги қоринчаси билан киритилади . Кейин эса пичокни уткир юзаси юкорига қаратилиб шу пайтда панжа тез ҳаракат билан ёзилади.Орқа гуруҳ мушаклари ҳам худди шундай ҳаракат билан (фақат панжа аввал ёзилиб кейин букилади) кесилади .

Суяқлараро парда ва кесилмай қолган мушаклар қайта кесилиб доқадан ясалган лента ёрдамида юмшоқ туқималар юкорига суриб қуйилади .Кейин билак ва тирсак суяқларининг суяк усти пардалари кесилиб пастга шилинади .Суяк усти пардасининг проксимал қиррасида 3-5 мм пастроқдан суяқлар арраланади .Билак суяги тирсак суягидан 2-3 см юқориоқдан арраланади.

Урнатилган лента олиниб билак , тирсак,урта,суяқлараро олдинги ва орқа артериялар веналари билан боғланиб шу номли нервлар ва тери ости нервлари 5-6 см юқориоқдан кесилади . Мушаклар ва фасция кетгут ипи билан тери эса ипак ипи билан тикилиб билак соҳаси 80 градус буқилган ва пронацио ҳамда супинацио оралиги ҳолатида гипсели шина урнатилади.

КРУКЕНБЕРГ – АЛЬБРЕХТ КУЛИНИ ЯСАШ ОПЕРАЦИЯСИ .

Операциянинг максади тирсак ва билак суяқларидан иккита катта бармоқ яъни қисқич ясашидир.

Билак ва тирсак юзалардаги буқувчи ва ёзувчи мушаклар иккига ажратилади. Ортиб қолган мушаклар (бармоқларни буқувчи чуқур) кесиб ташланади.Суяқлараро парда ҳам кесилади . Билак ва тирсак суяқлари соҳасидаги буқувчи ва ёзувчи мушаклар алоҳида-алоҳида бир бири билан суяқлар устидан тикилиб уларни устидан билак соҳаси териси тикилади.

Агар соҳанинг териси етмай қолса Б.В.Парин буйича озод қурок лахтаги олиниб тикилади.

Билак ва тирсак суяқларига тикилган мушаклардан ҳосил бўлган бармоқларнинг ҳаракати билак суяги учун елкани ташқи думбоғи тирсак суяги учун эса ички думбоғидан бошланади.

Бармоқларни яқинлаштирувчи ҳаракати юмалоқ пронаторни қисқаришидан ҳосил бўлади.

КУЛ ПАНЖАСИ СОҲАСИ ..

Чегаралари: юқоридан бигизсимон усиклардан 1 см юқоридан утқазилган айлана қизик билан чегараланади . Бу соҳа панжа усти, панжа ва бармоқларга бўлинади.Уларни олдинги (ёқи қафт) ва орқа (ёқи дорсал) юзалари мавжуд.

Панжа усти панжа соҳасидан нухатсимон суягининг пастидан утқазилган қизик билан чегараланади.

КАФТ ЮЗАСИ.

Панжанинг кафт юзасида тенар, гипотенар дунгликлари ва урта қисм чуқурчаси ёки мезотенор қисмлари тафовут қилинади.

Тенор дунглиги – бош бармоқ соҳаси мушакларининг буртиб чиқишидан ҳосил бўлади. Териси қалин, тери ости ёғ туқимаси яхши ривожланган, юзаки фасцияси юпка. Хусусий фасциясининг остида бош бармоқ мушаклари ётади.

Бу мушаклар энг юзада бош бармоқни узоклаштирувчи қалта, бош бармоқни буқувчи қалта ва буқувчи узун мушаклари.

Тенар дунглигининг проксимал учдан бир қисмида Канавелла –нинг ман этилган зонаси бўлиб бу ерга урта нервнинг шохчаси утади. Бу соҳада оператив қесимлар утқишиш ман этилади, акс ҳолда нерв шохчаси қесилса бош бармоқни ҳаракатлантирувчи мушаклар фалажланиб ушлаш функцияси бузилади.

Гипотенор дунглиги – жимжилोक мушакларидан ҳосил бўлади. Териси нисбатан юпка, тери ости ёғ туқимаси ривожланган, юза ва хусусий фасциясининг остида мушаклар жойлашган.

Жимжилокни узоклаштирувчи, буқувчи ва рубару қилувчи. Хусусий фасциянинг устида эса қалтни қалта мушаги ётади.

Мезотенор соҳаси –териси қалин, қамҳаракат, тери ости ёғ туқимаси яхши ривожланган бўлиб теридан апоневрозга юналган тусиқлар орқали алоҳида-алоҳида булақларга бўлинган, кейинги қават апоневроз қавати бўлиб у узидан терига тусиқлар жунатиб терини мустаҳкам тутиб туради. Апоневроз ичкарига қараб ички ва ташқи тусиқлар жунатиб қалт юзасини ўрта фасциал бушлиққа бўлади. Булар тенар, гипотенар ва апоневроз ости бушлиқларидир.

Апоневроз ости бушлигини юқоридан апоневроз, пастдан қалтни чуқур фасцияси икки ёндан тусиқлар ёрдамида қегараланади.

Апоневроз остида қалтни юзаки артериал равоғи жойлашган. Бу равоқ билан артериясининг юза тармоғи ва тирсак артериясининг асосий тармоғининг қушилишидан ҳосил бўлади.

Равоғни теридаги тасвирий қизиги нухатсимон суяк ва II –III бармоқларнинг тери бурмасини туташтирувчи қизик орқали аниқланади. Артериал равоғни қуққиси III қи қалт суягининг ўрта қисмига тугри қелади.

Артериал равогдан ўрта бармоқларни умумий артериялари ажралиб чиқиб комиссурал тешиқлар соҳасида чуқур артериал равоқ тармоқлари билан қушилиб, бармоқларни хусуий артерияси бўлиб давом этади.

Апоневроз ости бушлигида юза равогдан ташқари синовиал қинлар билан уралган II-У қи бармоқларни буқувчи юза ва чуқур мушак пайлари, ўрта нерв, тирсак нерви ва қувалчангсимон мушаклари жойлашган.

Ўрта нерв билан соҳасидан 9та буқувчи мушак пайлари билан қалт қанали орқали утади. Бу қанални олдидан – буқувчи бойламни юза варағи, орқадан – чуқур варағи қегаралайди.

Нерв қаналдан чиқиб бош бармоқ дунглигига ҳаракатлантирувчи шох беради. Кейин апоневроз ости бушлигига утиб I-II – III ва IУ қм бармоқни билан юзасини иннервация қилади.

Тирсак нерви в артерияси кафт сохасига тирсак –кафт канали оркали утади.Бу канални олдиндан –букувчи бойлам пайи, оркадан – кундаланг бойлам, ичкаридан – нухатсимон суяк чегаралайди.Каналда нерв ичкарида артерия ташкарида ётади.

Нерв каналдан утиб юза ва чукур шохларга булинади.Юза шохи у ва 1У чи бармокни кафт юзасини иннервациялайди.Чукур шохи жимжилок мушакларининг орасидан дорсал юзага утади.

Панжа сохасининг мушак пайлари синовиал кин билан уралган булиб улар ички ва ташки гурухларга булинади.

Ташки гурухи бош бармокни букувчи узун мушак пайдан тузилган булиб билак-кафт канали оркали Пироговни тукима бушлиги сохасига утади.Колган 8та юза ва чукур букувчи мушак пайлари ички синовиал кинда ётиб кафт канали оркали улар ҳам Пирогов тукима бушлиги сохасига утади.

Ички ва ташки синовиал кинлар баъзан узаро кушилиши ҳам мумкин.Натижада йирингли жараён бир-бирига утиб У симон ёки Кушув-симон флегмоналар юзага келади. П-Ш-1У чи бармоқлар пайларининг синовиал кинлари алохида булиб уларнинг проксимал кисми кафт суякларининг бошчалари сохасида тугайди.Шу сабабли бу синовиал кинларнинг йиринглари чегараланган холда булади.

Панжанинг дорсал юзаси.Териси юпка,харакатчан, тери ости ёг тукимаси сийрак,уни ичида цефалика ва базилика веналарининг бошланиш кисмининг веноз турлари ётади.

Юзаки фасцияси юпка ,хусусий фасциясининг остида ёзувчи мушак пайлари жойлашган.

Бу фасция билак сохасининг хусусий фасциясининг давоми хисобланиб,панжа усти сохасида калинлашиб ёзувчи бойламни хосил килади.Бу бойлам уз навбатида суякларга тусик жунатиб 6 пай каналларини хосил килади.

1 чи каналдан (ташкаридан ичкарига караб) –бош бармокни узоклаштирувчи узун ва ёзувчи калта).

2 чи каналдан –панжани билак томонга ёзувчи узун ва калта;

3 чи каналдан – бош бармокни ёзувчи узун ва калта;

4 чи каналдан – бармоқларни ва курсаткич бармокни ёзувчи;

5 чи каналдан – жимжилонки ёзувчи;

6 чи каналдан – панжани тирсак томонга ёзувчи пайлар утади;

БАРМОҚЛАР.

Бармоқлар кафт юзасининг териси калин, зич ва яхши ривожланган эпидермисдан тузилган.Орка юзасида эса юпка ва бир неча бурмалардан тузилган.Кафт юзасининг тери ости ёг тукимаси яхши ривожланган булиб улар теридан хусусий фасцияга, пай кинларига ёки тирнок фалангасининг суяк усти пардасига йуналган тусиклар оркали алохида-алохида булакчаларга булиниб турсимон тузилишга эга.

Бу тусиклар вертикал йуналганлиги сабабли (юзадан чуқурга) шу со-хада хосил булган йирингли жараёнлар ичкарига (чуқурга) караб тез таркалади.

Шу сабабли тери ости хасмолларидаги йиринг синовиал кинлар, пай ёки суяк туқималарни зарарлаш асоратига олиб келади.

Бармоқларнинг лимфа томирлари яхши ривожланган булиб, улар бармоқлараро бурмалар соҳасида орқа юзага утади. Бармоқлар ва қафт соҳасининг регионар лимфа томирлари тирсак чуқурчасига тупланadi.

II-III бармоқларининг лимфа йуллари баъзан тирсак чуқурчасига утмасдан асосий вена кини орқали умров усти соҳасида тугайди. Шу сабабли шу бармоқлардаги яллигланиш жараёнларида умров усти соҳасида шиш пайдо булиши кузатилади.

Бармоқлар-Бармоқларнинг хусусий артериялари орқали кон билан таъминланади. Хусусий артериялар юза артериал равогидан чиқувчи умумий артериялардан хосил булади. Артериал равогидан урта умумий бармоқлар артерияси чиқиб комиссурал тешиқлар соҳасида чуқур равогидан чиқувчи бармоқ артериялари билан қушилади. Урта умумий бармоқлар артерияларидан иккитадан хусусий бармоқлар артериялари ажралиб II-III-IУ ва У чи бармоқларнинг бир-бирига қараган юзларини кон билан таъминлайди.

I чи ва II чи бармоқни биلاق юзаси биلاق артериясининг юза тармоғи, У чи бармоқни тирсак артериясининг чуқур тармоғидан артериал кон олади.

Бармоқлар қафт юзасининг артериялари тирнок фалангаларигача бориб артериал турларини хосил қилади. Дорсал юзанинг артериялари эса тирнок фалангаларигача етиб бормайди.

Иннервацияси. Бармоқларнинг иннервацияси УМРУ шаклида булади. Қафт юзаси урта тирсак, дорсал юзаси тирсак ва биلاق нервлари билан иннервацияланади.

Қафт юзаси: I-II-III ва IУ чи бармоқни биلاق юзасини урта нерв, У ва IУ чи бармоқни тирсак юзаси тирсак нерви билан иннервацияланади.

Дорсал юзаси: I-II-III чи бармоқни биلاق юзаси биلاق нерви, У-IУ ва III чи бармоқни тирсак юзаси тирсак нерви билан иннервацияланади.

ПАНЖА СОҲАСИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

Огриксизлантириш. Панжа ва бармоқ соҳаларида утказиладиган операцияларидан Браун-Усольцева ва Лукашевич-Оберст усуллари буйича огриксизлантириш утказилади.

Браун-Усольцева усули. Панжа соҳаси дорсал юзанинг проксимал ва урта қисмларининг уртасидаги суяқлараро оралигида тери ости лимон думбокчаси хосил қилиниб кейин суяқлари орасига қаватма-қават новокаин суюқлиги юборилади.

Лукашевич-Оберст усули. Бармоқ асосига қисувчи жгут қуйилиб, унинг дистал қисмининг икки ён юзаларига 1% новокаин суюқлиги юборилади. 5-7 минутдан кейин қисқич ечиб олинади.

Хасмоллар – Бармоқларни носпецифик йирингли яллигланиши. Уларни бир неча хили тафовут килинида : тери, тери ости, тирнок (паронихия), бугим, суяк, булардан ташкари пай кинларининг яллигланиши (тендовагинит) ва бармоқларнинг ҳамма туқималарининг яллигланиши (пандактилит).

Тери хасмоли – йиринг халтаси тешилиб асосига караб кесилади. Тери ости хасмоли фалангаларни икки ёнидан Клапп буйича илмоксимон кесим утказилади .

Тирнок ости хасмоли терида «П» – симон кесим утказилади .

Бугим хасмоли бармоқларни иккита орка ён юзаларидан параллел кесим утказилади .

Войно –Ясенецкий усули буйича кафт урта уриндаги флегмонасини очиш . Тери кесими 1 чи ва 5 чи бармоқ дунгликлари соҳасида иккита буйлама кесим утказилади . Тери, тери ости туқимаси юза ва хусусий фасция кесилади . Ташки ва ички мушаклараро тусиклар утмас холда ажратилиб урта бушликка жарохат оркали резинали найча утказилади .

Урта уриндикни бундай кесим оркали очиш йирингни бутунлай чиқишига кенг йул очади , лекин ташки ва ички уриндикларга инфекция тушиш хавфи тугилади .

Уни урта кесим билан ҳам очиш мумкин – тери ва остидаги туқималар 3 ва 1У панжа суяқларининг орасидан буйлама килиб апоневрозгача кесилиб, апоневроз тарновсимон зонд ёрдамида кесилади. Ҳамма вақт уни остидаги артериал равоғ ва урта нерв борлигини эслаб туриш керак .Агар йиринг чуқур пай ости бушлигида булса 3 – 1У бармоқ мушак пайлари орасидан утмас йул билан кириб бориб йирининг бушлиги тозаланиб резинали найча урнатилади.

Бу кесим оркали ички ва ташки уриндикларга инфекция тушиш хавфи бартараф этилади, лекин кафтда ҳосил булган чандикка буқувчи мушак пайлари ҳам бирикиб бармоқлар конрактураси юзага келиши мумкин.

БАРМОҚЛАРНИНГ ЭКЗОАРТИКУЛЯЦИЯЛАРИ .

Бармоқ фалангаларининг экзартикуляциялари. Фалангаларни экзартикуляция килишдан аввал фалангалараро бугим бушлигининг теридаги тасвирий чизикларини аниқлашимиз керак .

В.Н.Шевкуненко буйича тирнок фалангасида урта фалангасининг буртиб чиккан қисмидан 2 мм, урта фалангада 4 мм, асосий фалангада 8 мм пастрокдан утади .Яна бир усули : тирнок фалангаси бугим бушлигини аниқлаш учун бармоқ фалангалари максимал букилиб урта фаланга асосининг урта қисми топилиб чизик утказилади .Бу чизикни тирнок фалангасининг дорсал юзасидан утган соҳа бугим бушлигининг тасвирий чизиги аникланади .

Тирнок фалангасининг экзартикуляциясида тери куроги кафт юзасидан олинади. Бунинг учун фаланганинг дорсал юзасидан бугим тасвири буйича юмшоқ туқималар кесилиб ампутацион пичок ёрдамида бугим қобиғи кафт юзасига караб кесилади .Кейин эса пичокни қумич сузиш йуналиши буйича йуналтирилиб кафт юзасининг юмшоқ туқималари кесилади .Тери куроги дистал қисмига караб юпкалашиб кесилгандан кейин фаланга олиб ташланади .Бармоқни хусусий кон-томири боғланиб, нерви кесилади .

1 чи бармоқни Мальгений усули буйича экзартикуляция килиш.

Тери кесими элипс шаклида дорсал юзанинг панжа-бармок, бугими сохасидан бошланиб кафт юзасидаги тери бурмачасига,кейин эса шу юза буйлаб биринчи кесим билан кушилади.Бармок максимал тортилиб бугим кобиги кесилади.Бугим кобигининг кафт юзасида жойлашган ва кобикка бирикиб турган сесамасимон суякчаларни саклаб колиш зарурдир.Чунки бу суякчаларга мушак пайлари бирриккан.Бугим кобиги кесилиб бармок ажралгандан кейин,кон-томир нервларга ишлов берилиб тери чоклар ёрдамида тикилади.

П чи ва У чи бармоклари Фарабеф буйича экзартикуляция килиш.

Бу бармокларни иккитадан ишчи юзалари булганлиги сабабли терининг узун куроги шу юзалардан олинади. П чи бармокни тери кесими бармок асосий фалангасининг урта кисми билак юзасидан бошланиб дорсал юзанинг проксимал томонига йуналади.Кесим бугим сохасидан 1-2 см юкорирокда тугатилиб, шу жойдан пастга караб тирсак юзасининг кафт бурмасига давом эттирилади.Кафт юзада эса иккала кесимларни учлари бирлаштирилади.Натижада узун курок билак ва кафт юзаларидан олиниб чандик дорсал юзада колади.

У чи бармокда хам худди шундай кесим кулланилади лекин кесимни бошланиш кисми 5чи бармокни тирсак юзасидан олинади.Юмшок тукумалар кесилгандан кейин бугим ён бойламлари кесилади ва бармок максимал букилиб киркиб олинади.Куроклар узаро якинлаштирилиб тикилади.

Ш ва 1У чи бармокларнинг экзартикуляциялари.

Бу бармокларнинг кафт юзалари ишчи хисобланганлиги сабабли Люпи ёки ракетасимон усули буйича экзартикуляция килинади.

Люпи усули буйича тери кесими бармокни досал юзаси буйлаб иккала тери бурмалари бирлаштирилади.Кафт юзасида хам бу кесимлар бирлаштирилади.Лекин кесим ёйи бармок бурмасидан дисталрокда утади.Дорсал юзаси кесимининг уртасидан кушимча юкорига каратиб вертикал кесим утказилади.Операциянинг колган боскичлари колган бармокларникига ухшаш.

МАНЗУР: ОЁК СОХАСИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ ВА ОПЕРАТИВ ЖАРОХЛИГИ .

Р Е Ж А .

1.Думба сохаси:

- а) чегаралари,каватлари ;
- б) ноксимон мушак усти ва ости тешиклари;
- в) думба сохаси флегмоналарини очиш.

2.Сон сохаси:

- а) чегаралари,олдинги ва орка юзалари, мушак гурухлари;

- б) олдинги юзаси,пупарт ости бушлиги (мушак ва кон-томир бушлиги);
- в) сон учбурчаги, ва уни ичидан утувчи кон томир нерви, сон канали;
- г) Гунтер канали;
- д) сонни орка юзасининг мушак каватлари ва куймич нервининг топ-си;
- е) сон сохасининг операциялари.

3.Тизза сохаси:

- а) чегаралари,олдинги ва орка юзалари;
- б) тизза бугими, тизза ости чукурчаси.

4.Болдир сохаси:

- а) чегаралари, олдинги ва орка юзалари;
- б) олдинги юзасининг мушак фасция гилофи ва кон-томир нерви;
- в) орка юза мушаклари.Груббер канали,кон-томир нерви;
- г) ташки соха мушак-фасциал гилофи;
- д) болдир сохасининг операциялари:

5.Оёк панжаси:

- а) чегаралари, кафт ва дорсал юзалари;
- б) кафт юзасининг каватлари,кон-томир нерви, тупик канали, товон ва кафт каналлари;
- в) дорсал юзасининг каватлари,кон-томир нервлари;
- г) панжа сохасининг операциялари.

ДУМБА СОХАСИ

Чегаралари: юкоридан-ёнбош суякларининг орка кирралари,пастдан думба бурмаси, ичкаридан-думгаза ва дум суякларининг уртасидан утказилган вертикал чизик ,ташкаридан – ёнбош суягининг олдинги юкори киррасидан катта кустга утказилган чизик.

Териси калин, камхаракат , тери ости ёг тукимаси яхши ривожланган , айникса аёллардан купрок ривожланган булиб, думба-бел ёстикчасини хосил килади .Бу эса юкорига давом этиб бел сохасини ёг каватига кушилади . Тери ости ёг каватини ичида куймични юкори ,урта ва пастки нервлари мавжуд. Теридан хусусий фасцияга фиброз толалар йуналганлиги сабабли сохасининг юза фасцияси ривожланмагадир.

Хусусий фасцияси юкорида айтилгандек тери билан бириккан ва икки варакка булинади .Варакларини ичида катта думба мушаги жойлашган .Фасциянинг юза вараги мушак ичига толалар жунатиб уни алохида – алохида булакларга булади .Шу сабабли мушакни ичида юзага келган йирингли жараёнлар чегараланган ва каттик огрик чакиради .

Сохасининг мушаклари 3 кават булиб жойлашган:

1 чи кават –катта думба мушаги ва урта думба мушагининг юкори кисми :

2 чи каватда – урта думба , ноксимон, ички ёпкич, юкори ва пастки эгизак, ва сонни квадрат мушаклари:

3 чи каватда – думбанинг кичик ва ташки ёпкич мушаклари.

Ноксимон мушаги чанок ичидан сон сохасига катта куймич тешиги оркали утиб уни иккита тешикка (ноксимон усти ва ости) булади.

Ноксимон усти тешига – юкоридан – урта думба мушагининг пастки кирраси , пастдан – ноксимон мушагининг юкори кирраси чегаралайди .Бу тешикдан юкори думба кон томир нерви утади .

Ноксимон ости тешиги – юкоридан – ноксимон мушагининг пастги кирраси ,пастдан – думгаза – кирра бойлаб чегаралайди . Бу тешикдан пастги думба кон-томир нерви , куймич нерви, ички уятли кон-томир нерви , сонни орка тери нерви утади.

Бу кон-томир нервлар ичкаридан ташкарига куйидагича ётади .

Ичкарида бойламга якинрок – уятли нерв ва кон-томир : кейин пастки думба нерви , сонни орка тери нерви ва пастки думба артерия венаси , ва энг ташкарида куймич нерви .

Ички уятли кон-томир нерви тешикдан чиккандан кейин думгаза – кирра бойлами ва куймич суягининг устида ётади . Кейин улар кичик куймич тешиги оркали куймич-тугри ичак чукурчасига утади . Бу соха ички ёпкич мушаги ва уни фасцияси билан ёпилган .Бу фасция иккига булиниб Алкок канали хосил килади .Кон-томир нерв шу канал оркали чанок бушлигига утади.

Куймич нерви ноксимон ости тешигидан чикиб уни кузатувчи артерияси билан сонни орка юзасига утади .Уни кузатувчи артерияси пастки думба артериясининг тармоги хисобланади . Нерв катта думба мушагининг пастги киррасида юза яъни хусусий фасциянинг остида ётади . Шу жойда нервни блокада килиш мумкин .Игна куймич думбогининг ички кирраси ва катта куст оралигидаги масофанинг уртасига юналтирилади.

ЧАНОК – СОН БУГИМИ .

Бугим чанок суягининг бугим чукурчаси ва сон суягининг бошчасининг бирикишидан хосил булади . Бугимни хамма томондан мушаклар ураб олган булиб олдиндан – ёнбош-бел , ундан ташкарида сонни узун ва ичкаридан – тароксимон мушаклар; ташкаридан-кичик думба мушаги; Оркадан-ноксимон , ички ёпкич, эгизак, ташки ёпкич ва сонни квадрат мушаклари; пастдан – ташки ёпкич мушаклари.

Сон суягининг катта ва кичик кустлари бугим бушлигидан ташкарида колади. Катта кустни бемалол пайпаслаш мумкин , кичик куст факат озгин кишиларда чов бойлами урта кисмининг остидан пайпаслаш мумкин .

Агар сонни чанок-сон бугимидан озрок букилса сон суяги кустининг чуққиси ёнбош суяги олдинги юкори киррасидан куймич думбогига утказилган чизик ётади (Розер-Нелатон чизиги). Катта кустни шу чизикдан чекага сурилиши чанок – сон бугимидан чикиши (кокса варум) ёки сон буйинчасининг синишини аникланади.

Чанок-сон бугимининг теридаги тасвири куйидагича аникланади. Ёнбош суягининг олдинги юкори киррасидан ков думбогига утказилган чизикни уртасидан утказилган перпендикуляр чизик сон суяги бошчасини иккига булади.

Бугим чукурчаси тогай халкаси хисобига кенгайган. Сон суягининг бошчаси тогай тешигига юмалок бугим ичи бойлама билан бирикади. Бугим кобиги асосан учта бойлам билан мустахкамланади.

Олдиндан– ёнбош – сон бойлами бу организмнинг энг мустахкам бойлами хисобланади.

Ичкаридан – ков-сон бойлами.

Оркадан – куймич – сон бойлами.

Ёнбош –сон , ков-сон бойламлари ва ёнбош-бел мушакларининг орасида ёнбош - тароксимон халтаси жойлашади. Бу халта 10% холларда бугим бушлиги билан алока килади.

СОН СОХАСИ .

Чегаралари юкоридан олдиндан чов бойлами, юкоридан оркадан – думба бурмаси ; пастдан – тизза усти копкоги асосидан икки кундаланг бармок эни юкоридан утказилган айлана чизик. Сон суягининг ички ва ташки дунгликларидан утказилган вертикал чизик ёрдамида олдинги ва орка юзаларга булинади.

Соннинг сербар фасцияси узидан суякка караб ички, ташки ва орка тусиклар жунатиб мушак каватларини уч гурухга булади. Олдинги гурух – ёзувчи; орка – букувчи ; ички – якинлаштирувчи.

СОННИНГ ОЛДИНГИ ЮЗАСИ .

Териси юкори кисмида юпка , харакатчан , пастда эса калинрок. Тери ости ёг тукумаси юзаки фасциянинг вараклари хисобига икки каватга булинади. Юза фасцияси хам икки варақдан тузилган булиб уни ичида юза кон-томир нервлар ва лимфа тугунлар жойлашади.

Чов бойлами ости терисини уят-сон нервининг шохи иннервациялайди. Бу нерв сон томирлари билан утади. Ташки соха терисини ташки сон тери нерви иннервациялайди.

Бу нервларнинг чиқиш жойларининг теридаги тасвири ёнбош суяги олдинги юкори киррасини сонни ички дунглиги билан бирлаштирувчи чизик ёрдамида аникланади.

Тери остида юза артериялар ва катта тери ости венаси хамда лимфа тугунлари жойлашади.

Лимфа тугунлари уч гурухга булинади. Улардан иккитаси (чов ва чов ости юза тугунлар) сербар фасцияни устида (12-16 тагача) бир гурухи эса чукурда, сербар фасциянинг юза варагини остида ,(чукур чов тугунлари 3-4 тагача) жойлашган.

Хусусий ёки сербар фасцияси мушаклар ва кон-томирларга кин ясайди.

ПУПАРТ ОСТИ БУШЛИГИ .

Чов бойлами ва ёнбош суягининг орасида бушлик мавжуд булиб, бу бушликни олдиндан – чов бойлами ; оркадан ва ташкаридан – ёнбош суяги, ичкаридан – лакунар ёки Джимбернат бойлами чегаралайди.

Пупарт ости бушлиги ёнбош – тароксимон фасцияси ёки бойлами ёрдамида кон-томир ва мушак ковагига булинади.

Кон-томир коваги олдиндан – чов бойлами , оркадан – Купер ёки тароксимон бойлами, ичкаридан лакунар бойлами ,ташкаридан- ёнбош – тароксимон фасцияси билан чегараланади.

Бу ковакдан сон артерияси (ташкаридан) ва венаси (ичкаридан) утади, артерия ва вена бу ковакни бутунлай тулдирмайди.

Сон венасининг кини ва лакунар бойламининг орасида буш соха колади .Бу бушликни корин сохасидан кундаланг фасция ёпиб туради ва шу жой Пирогов-Розенмюллер лимфа тугуни ва ёг тукумаси тулдирган булади.

Мушак коваги олдиндан чов бойлами билан , оркадан ва ташкаридан ёнбош суяги билан, ичкаридан –ёнбош –тароксимон фасцияси билан чегараланади .Бу ковакдан ёнбош – бел ва сон нерви утади . Нерв бойлам остидан сон сохасига утгандан кейин узининг охирги шохларига булинади . Сон кон-томирларини эса сон нервининг тери ости узун шохи кузатади.

Сон канали . Юкорида айтганимиздек кон-томир ковагини сон артерияси ва венаси бутунлай тулдирмасдан ,вена ва лакунар бойлами орасида бушлик колган . Нормода сон канали булмасдан патологик ҳолатлардан пайдо булади .

Сон каналининг иккита тешиги (ички ва ташки) мавжуд.

Ички тешиги (чукур) –олдиндан чов бойлами , оркадан –Купер бойлами , ичкаридан – лакунар ёки Джимбернат бойлами, ташкаридан –сон венасининг кини билан чегараланади .

Ташки тешиги (юза) олдиндан –сербар фасциянинг юза шохи ,оркадан – чукур шохи, ташкаридан – сон венасининг кини .

Сон каналининг ички тешиги сон сохасидан овал чукурча билан корин томонидан эса корин парда ости сохасига давом этади . Каналнинг ички тешиги чов сохасидаги ички чукурчада жойлашган .Корин бушлигидаги босимни очиши натижасида аъзолар корин парда билан уралиб ички тешикка йуналади ва натижада сон канали ҳосил булади .

Канални ички тешигининг эни (сон венасининг кинидан лакунар бойламгача булган масофа) эркакларда 1,2 см, аёлларда 1,8 см-га тенг.Аёлларда кенглиги чанок сохасининг катталигига боглик .Чуррани босиб утган йулида сон канали ҳосил булади .Унинг узунлиги 1-2 см-га тенг.

Сон чурралари чов бойламининг остидан венадан ичкарида утади Чуррани коплаб турувчи каватлари тери, тери ости ёг тукумаси юза фасция ва корин ости ёг тукумасидан иборат .

СОН УЧБУРЧАГИ .

Чегаралари юкоридан-чов бойлами, ташкаридан-машиначилар мушаги ичкаридан – узун якинлаштирувчи мушак .Учбурчакни асоси чов бойламига караган , чуққиси эса иккала мушакларни кесишган сохасига тугри келади.

Сербар фасциянинг юза варагини остида сон кон-томир нерви жойлашган .Улар пупарт ости бушлигидан сон соҳасига утади.Ичкарида вена ташкарида артерия ва артериядан ташкарида сон нерви ётади (ВАН).

Учбурчакни чуққисига яқинлашган сайин вена артериясини орқасига йуналиб, ниҳоят сонни урта қисмида уни орқасида жойлашади .

Учбурчак соҳасида артериядан корин усти юза , ташки уятли , ёнбош суягини айланиб утувчи юза артериялари, чов бойламидан 3-5 см пастроқда эса сонни чуқур артерияси ажралиб чиқади .Сон артериясини чуқур тармогидан кейин боғланса оёқни коллатерал кон айланиши қайта тикланади .

Сон нерви чов бойламидан 3-5 см пастгача булган соҳада узининг охириги шохчаларига булиниб кон-томирни тери ости узун нерви кузатиб боради .

Сон кон-томир нерви сон учбурчагидан кейин сонни олдинги эгатиға утади . Бу эгат ташкаридан медиал сербар, ичкаридан узун яқинлаштирувчи мушаклари билан чегараланади .

Олдинги эгатдан кейин эса кон-томир Гунтер каналига қиради.

Гунтер канали ташкаридан –ички сербар мушаги , ичкаридан – катта яқинлаштирувчи мушак ва яқинлаштирувчи пластинка, олдиндан – шу мушакларга тортилган яқинлаштирувчи пластинка билан чегараланади .Бу канал пастдан тизза ости чуқурчасига давом этади . Уни учта тешиги мавжуд. Юкори тешиги – ундан сон артерияси ва тери ости узун нерви кириб сон венаси чиқади .Пастки тешиги - сон артерияси тизза ости чуқурчасига утади, тизза ости венаси эса каналга кириб сон венаси дейилади.

Олдинги тешиги – яқинлаштирувчи пластинкада ҳосил булиб ундан сон артериясидан тиззани тушувчи артерияси ва тери ости узун нерви чиқиб тизза соҳасига йуналади .Олдинги тешигининг теридаги тасвири сонни ички дунглигидан 12-14 см ёқи 6-7 кундаланг бармоқ эни юкорида аниқланади .

Гунтер каналида олдиндан нерв уни орқасида артерия энг чуқур ва орқада вена жойлашган (НАВ).

Сон артериясининг теридаги тасвири кэн чизиги буйича аниқланади .Бу чизик чов бойламининг уртасидан сонни ички дунглигига утказилади.

СОН СОҲАСИНИНГ ОРҚА ЮЗАСИ .

Териси калин, камҳаракат, ташкаридан-сонни ташки тери нерви билан, ичкаридан – уят-сон, сон ва ёпкич нервларининг шохчалари билан, колган қисми эса сонни орқа тери нерви билан иннервацияланади. Мушаклари сонни икки бошли, ярим пай ва ярим пардали мушаклардан иборат .Улар ҳаммаси куймич думбогидан бошланади . Ташкарида икки бошли , ундан ичкарида ярим пай ва яна ичкарида ярим пардали мушаклар жойлашган .Бу мушаклар сонни пастки қисмида икки тимонга қараб йуналиб тизза ости чуқурчасининг юкори деворини чегаралайди .Мушакларни орасида куймич нерви ва сон чуқур венасининг чуқур тармоғи ётади .

Нерв думба соҳасидаги ноксимон ости тешигида чиқиб катта думба мушагининг пастида факат сербар фасция билан ёпилган. Кейин сонни юкори қисмида икки бошли мушагининг узун бошчаси остиға утади . Соҳанинг пастки қисмида нерв икки бошли (ташкаридан) ва ярим пай ҳамда ярим парда

мушакларининг орасида жойлашади , Нервни устида хама вақт катта якинлаштирувчи мушак ётади .Бу нерв организмнинг энг катта периферик нерви бўлиб уни кузатиб борувчи артерияси мавжуд.

Бу артерия пастки думба артериясидан чиқади .

Нервни теридаги тасвирий чизиги катта куст ва куймич думбогининг уртасидан тизза ости чуқурчасининг уртасига утказилаган чизик билан аникланади .

СОН СОХАСИНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ .

Сон артериясини очиш.

Артерияни юкори кисмида унинг тасвирий чизик буйича чов бойламида 2-3 см юкоридан ва кейин пастга 10-12 см узунликда кесилади .Тери ости, юза фасция кесилиб тери ости катта венаси чекага сурилади , ва хиатус сафенус топилиб ундан тарновсимон зонд киритилиб сербар фасция кесилгандан кейин сон артерияси топилади .

Сон артерияси унинг чуқур тармогидан кейин боғланади. Агарда чуқур артериядан юкорида боғланса оёқ соҳасини гангренаги юзага келиши мумкин.

Артерияни Гунтер каналида очиш.

Сонни пастки кисмидан 8-10 см узунликда уни тасвири буйича терида кесим утказилади . Юза фасциягача кесилиб канални олдинги тешиги топилиб унга тарновсимон зонд киритилади ва хусусий фасция кесилади .Артерияни тиззани тушувчи артериясидан кейин боғланади.

Пирогов усули буйича сонни 3 лахзали ампутацияси .

1 лахза – тери ва фасцияларни айланасига кесиш.

2 лахза – терини кискарган жойидан мушакларни суякгача кесиш.

3 лахза – юмшок туқималар юкорига тортилгандан кейин кискарган мушакларнинг остидан чуқур мушакларни қайта суякгача кесиш.

Суяк усти пардасига ишлов берилиб, суяк аррланади. Уларни кесиш ва ишлов бериш лахзага кирмайди .

Кейин кон-томирлар боғланиб нервлар 5-6 см юкоридан кесилади.

Сонни олдинги юзасида сон артерияси, венаси ва тери ости катта вена , орка юзасида сонни чуқур артерияси ва унинг тармоклари боғланади.

Нервлардан тери ости узун тери нерви, ташки, ички ва орка тери нервлари ҳамда куймич нерви кесилади .

Куймич нерви юкорида курсатилгандек организмнинг энг катта периферик нерви бўлиб уз артерияси булганлиги сабабли аввал кесилиб кейин боғланади .

ГРИТТИ - ШИМАНОВСКИЙ ВА АЛЬБРЕХТ УСУЛЛАРИ БУЙИЧА СОННИ СУЯК ПЛАСТИКАЛИ АМПУТАЦИЯСИ .

Тери кесими медиал дунгликдан бошланиб пастга йуналади, ва катта болдир суягининг дунг усуги остидан утиб латериал дунглик томонига йуналади . Курок таркибига тери, тери ости ёғ туқимаси, юза фасция, тизза копкогининг хусусий бойлами ва копкок ҳам олинади. Орка юзадаги кесим тизза ости чуқурчасининг тери бурмаси буйича олдинги кесимларнинг учлари бирлаштирилади.

Сон суягининг медиал ва латерал думбокларидан 4 см юкорирокдан сон суяги арраланиб тизза остида жойлашган тизза ости артерияси венаси богланиб катта болдир ва умумий кичик болдир нервлари кесилади.

Гритти-Шимановский усули буйича тизза усти копкогининг бугим юзаси текис кесилиб сон суягининг суяк усти пардасига 2-3 та чоклар ёрдамида тикилади.

Альбрехт усулида эса тизза копкогининг бугим юзаси кузикорин бошчасига ухшатиб шифт (пона) хосил килиниб сон суягининг каналига киритилади.

Терига ипак чоклари куйилиб сон сохаси гипс билан мустахкамланади.

ТИЗЗА СОХАСИ

Чегаралари: юкоридан – тизза копкоги асосида икки кундаланг бармок эни юкоридан утказилган, пастдан-катта болдир суягининг дунг усигидан утказилган айлана чизик ердамида чегараланади.

Сон суягининг думбокларидан утказилган вертикал чизиклари билан олдинги ва орка юзаларга булинади.

Олдинги юзаси .

Тери ости ёғ тукумасининг ичида олдинги ички томондан катта тери ости венаси , узун тери ости нерви ва олдинги тери нервлари , копкок остида жойлашган тери ости ва копкок олди тери ости халталари жойлашган.

Хусусий фасцияси соннинг сербар фасциясини давоми хисобланиб ён томонлардан бугим бойламларига бирикади.

Уни остида 4 бошли мушагининг пайлари жойлашади ва у тизза копкогини ураб уни хусусий бойламига айланади. Кейин катта болдир суягининг дунг усигига бирикади. Бу бойламни остида копкок ости чукур халта мавжуд.

Бугимни ички томонидан машиначилар , ярим пай ва ярим парда мушак пайлари утади ва катта болдир суягининг дунг усугига бирикиб гоз панжасини хосил килади . Ташки томондан эса икки бошли мушак пайи утиб кичик болдир суягининг бошчасига бирикади. Хусусий фасциянинг остида тизза копкоги ва тизза бугимининг артериал тури жойлашади .

Орка юзаси . Оёкни тизза бугимидан озгина букса ромбсимон шаклга эга чукурча куринади.

Бу чукурчани юкоридан ичкаридан – ярим пай ва ярим парда мушакларининг пайлари , юкоридан ташкаридан – икки бошли мушак пайи, пастдан эса болдир мушагининг медиал ва латериал бошчалари билан (м. Гастрокнемиус) чегараланади .

Териси юпка харакатчан . Тери ости ёғ тукумаси яхши ривожланган. Юза фасцияси юпка. Хусусий фасцияси сон сербар фасциясининг давоми булиб кон-томир нервларга кин ясайди .

Куймич нерви сонни орка юзасидан чукурчага кириб катта болдир ва умумий кичик болдир нервларига булинади. Умумий кичик болдир нерви латерал томонга йуналиб икки бошли мушак пайининг остидан болдирни ташки юзасига утади ва кичик болдир суягининг бошчасини эгиб олдинги ташки юзага йуналади.

Катта болдир нерви эса тизза ости артерияси ва венаси билан бирга болдирни орка юзасига йуналади .Бу кон-томир нерв бир-бирига нисбатан юзадан чукурча караб нерв , вена , артерия (НиВА) тартибида жойлашади .Артерия сон артериясининг давоми булиб Гунтер каналининг пастки тешиги оркали тизза ости чукурчасига утади.

Чукурчада артериядан 5 та тармок чикиб тизза бугимини кон билан таъминлайди . Бу артериялари юкори латерал ва медиал, урта ва пастки медиал ва латерал тизза артериялари.

Урта тизза артерияси бугим кобигининг ичига йуналиб анастомоз оркали артериал турга кушилади ва бугимни крестсимон бойламларини кон билан таъминлайди .Тизза ости артерияси урта артерия тармогидан олдин бойланса юкорида курсатилган бойламларни кон билан таъминланиши бузилиб тизза бугимидан букиш харакати йуколади .

Тизза ости артериясини шу жойда жойлашган Жобер чукурчасида боғланади. Бу чукурча олдиндан – катта якинлаштирувчи, оркадан – ярим пай, ярим парда ва нозик , пастдан – гастрокнемиусни медиал бошчаси , юкоридан – машиначилар мушаги чегаралайди .

Тизза ости венасига кичик тери ости венаси (в.Сафена парва) келиб куйилади .Кейин бу вена сондаги Гунтер каналининг пастки тешиги оркали сон соҳасига йуналади.Тизза ости венасини кичик тери ости венаси куйилган жойдан юкорида боғланса беморлар оёк соҳаси Фил оёгига ухшаш шаклини олади.

Тизза бугими . Бугим-сон, катта болдир ва тизза копкогининг узаро бирикишларидан хосил булади. Кичик болдир суягининг бошчаси бугим хосил булишида катнашмайди. Бугимни хосил килувчи суякларнинг бугим юзаси гиалин тогай билан копланган катта болдир суягининг проксимал бугим майдони латерал ва медиал менисклар хисобига чукурлашади. Медиал мениск яримойсимон шаклига эга булиб, бугим кобигининг олдинги юзасига жойлашган ва ташки мениска давом этувчи кундаланг бойламга бирикади.

Бугим кобигининг ичида олдинги ва орка крестсимон бойламлари мавжуд.

Бугим кобигидан жами 9та чунтаклар булиб шулардан 5 таси олдинги юзада 4 таси орка юзада жойлашган .

Олдинги чунтаклар 1 юкори чунтак – 4 бошли мушак пайи остида 2-3 юкори латерал ва медиал.

4-5 пастки латерал ва медиал .

Орка чунтаклар 1-2 орка юкори медиал ва латепал

3-4 орка пастки медиал ва латерал.

Бугим кобиги олдиндан – тизза копкогининг хусусий бойлами, ташки ва ички тизза копкогининг кини.

Катта болдирни коллатерал, кичик болдир коллатерал бойламлари.

Оркадан –тизза ости чукурчасининг кийшик ва уни остида чукурчанинг айлана бойламлари билан мустахкамланади.

ТИЗЗА СОХАСИНИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ .

Тизза бугимини очиш.

Курсатмалари тизза бугимининг йирингли яллигланишлари ,Агар йиринг тизза бугимининг олдинги чунтакларида жойлашган булса тери кесими тизза копкогининг икки ёнидан 6-8 см узунликда утказилади .Тери, тери ости ёғ тукумаси юза ва хусусий фасция кесилгандан кейин , латерал кесимдан медиалига караб копкок остидан резинали найча утказилади.

Агар орка бурмаларни ҳам очиш эҳтиёжи тугилса бунда олдинги медиал кесимдан чукурчанинг медиал юзаси буйча корнцанг киритилиб уни учи орка юзаси терисини буртириб чиқади.Буртиб чиккан тери ва юмшок тукумалар корнцанг устидан кесилиб жарохатга резинали найча урнатилади.

Орка чунтаклар йирингини тозалаш латерал томондан очиш мумкин эмас.Чунки икки бошли мушак пайининг остида умумий кичик болдир нерви жойлашган булиб шу нервни жарохатлаб куйш мумкин.

Тизза ости артериясини очиш.

Бемор корин билан ёткизилган . Тери кесими тизза ости чукурчасининг уртасидан 8-10 см узунликда утказилади. Тери, тери ости ёғ тукумаси юза фасция кесилиб хусусий фасция тарновсимон зонд ёрдамида очилади.Уни остида ётган катта болдир нерви утмас йул оркали чекага суриб куйилади.Кейин вена ҳам сурилиб, чукурчанинг тубида жойлашган артерия ажратилади.Артерияни ундан чикувчи урта тизза артерия тармогидан кейин боғланади.

БОЛДИР СОХАСИ.

Чегаралари юкоридан - катта болдир суягининг дунг усигидан утказилган айлана чизик, пастдан медиал ва латерал тупикларни асосидан утказилган айлана чизик билан чегараланади.

Тупиклардан утказилган вертикал чизик сохани олдинги ва орка юзаларга булади.

Хусусий фасцияси кичик болдир суягига иккита тусик жунатиб бу сохада учта мушак –фиброз кинини хосил қилади: олдинги, орка ва ташки.

ОЛДИНГИ ЮЗАСИ.

Териси латерал сохада калинрок,медиал сохада юпка камхаракат катта болдир суягининг медиал суяк усти пардасига бириккан .Тери ости ёғ тукумаси медиал сохада жуда сийрак ёки булмаслиги мумкин.Юза фасцияси юпка.

Хусусий фасцияси мушак ва кон-томир нервига кин хосил қилади.Олдинги юза мушак-фиброз бушлиги олдиндан – хусусий фасция ташкаридан хусусий фасция ва кичик болдир суяги, ичкаридан-катта болдир суяги,оркадан –суяклараро парда билан чегараланади.Бу бушликда катта болдир мушаги, бармоқларни ёзувчи узун (пастки қисмида эса уларга бош бармоқни ёзувчи узун мушаклари қушилади) мушаклари ётади.Кон-томир нерви олдинги катта болдир артерияси иккита венаси билан ва кичик болдир чукур нервдан тузилган .

Артерия тизза ости артериясининг тармоги булиб суяклараро пардани тешиб олдинги сохага йуналади .

Кичик болдир чукур нерви умумий кичик болдир нервининг шохи хисобланади. Умумий кичик болдир нерви тизза ости чукурчасидан кичик болдир суягининг бошчасини эгиб ташки юзада жойлашган кичик болдир мушак каналида юза ва чукур шохларга булинади. Чукур шохи ички фасциал тусикни тешиб олдинги юзага йуналади .

Олдинги юза кон-томир нерви болдирни юкори ва урта кисмида ичкаридан олдинги катта болдир мушак , ташкаридан бармокларни букувчи узун мушакларининг орасида , пастки кисмида эса ичкаридан шу мушак, ташкаридан – бош бармокни ёзувчи узун мушакларининг орасидан утади.

Нерв юкори ва урта кисмида артериядан ташкарида кейин артерияни олдидан кесиб пастки сохада ичкарида жойлашади.

Артериянинг теридаги тасвири кичик болдир суягининг бошчаси ва катта болдир суяги дунг усигининг уртасидан тупиклараро масофанинг уртасига утказилган чизик ёрдамида аникланади.

БОЛДИРНИ ОРКА ЮЗАСИ .

Териси юпка, харакатчан, тери ости ёг тукимасида кичик тери ости венаси ва н.суралис жойлашган. Юза фасцияси юпка . Хусусий фасцияси ривожланган булиб, икки варака булинади ва мушак каватларини юза ва чукур гурухга булади.

Юза каватида камбаласимон, гастрокнемиус ва товон мушаклари ётиб улар пастки кисмида узаро бирикиб Ахил пайини хосил килади.

Чукур каватида (ичкаридан) бармокларни букувчи узун, ундан ташкарироқда орка катта ва яна ташкарида (кичик болдир суяги якинида) бош бармокни букувчи узун мушаклари мавжуд.

Шу кават мушаклари ва хусусий фасциянинг орасида таким-болдир ёки Грубер канали хосил булади.

Бу канални оркадан камбаласимон мушаги ва хусусий фасциянинг чукур вараги.

Олдиндан – орка катта болдир мушаги :

Ичкаридан – бармокларни букувчи узун.

Ташкаридан – бош бармокни букувчи узун мушаклари чегаралайди.

Каналда 3 та тешик тафовут килади. Юкори кирувчи ва чикувчи, пастки чикувчи .

Юкориги кирувчи тешиги оркадан – камбаласимон, олдиндан – тизза ости мушакларининг орасида жойлашади . Бу тешик оркали олдинги ва орка катта болдир артерияси хамда катта болдир нерви киради . Олдинги катта болдир артерияси суяклараро мембранадаги тешик оркали олдинги юзага утади.

Орка катта болдир артерияси ва катта болдир нерви канал буйлаб пастга йуналиб, канални пастки тешиги оркали тупик каналига утади . Бу тешик Ахил пайи ва орка катта болдир мушагининг орасида хосил булади. Артерияни теридаги тасвири тизза чукурчасининг уртасидан медиал тупик , ва Ахил пайининг уртасига утказилган чизик.

Канални ичида артериядан кичик болдир артерияси чикади. Бу артерия пастга ва ташкарига йуналиб кичик болдир суягининг орка юзаси ва бош бармокни букувчи узун мушагининг орасидаги пастки мушак – кичик болдир каналига утади .

Болдир орка юзасининг мушаклари катта болдир нерви билан иннервацияланади. Шу нервни жарохатлари туфайли ёзувчи мушаклари (антогонист оёқ панжасининг узига тортади ва натижада бемор бутун пажани босолмай факат товон билан юради. Бу ходисани товон ходисаси дейилади .

БОЛДИР СОХАСИ ТАШКИ ФАСЦИАЛ ГИЛОФИ.

Бу гилофни олдиндан ва оркадан-мушаклараро тусик, ташкаридан-хусусий фасция, ичкаридан – кичик болдир суяги чегаралайди. Бу гилофда узун ва калта кичик болдир мушаклари ётади .

Кичик болдир суяги ва кичик болдир узун мушагининг орасида юкориги мушак кичик болдир канали хосил булади, бу канални юкори тешиги оркали умумий кичик болдир нерви кириб каналда юза ва чукур шохларга булинади.

Чукур шохи олдинги юзага йуналади. Юза шохи эса канал оркали пастга йуналиб урта ва пастки кисмлар сохасида хусусий фасцияни тешиб тери остига утади . Кейин панжа сохаси дорсал юзаси латерал кисми ва бармокларни иннервациялайди

БОЛДИР СОХАСИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

Болдир флегмоналарини очиш .

Флегмона бу тукима бушликларининг йирингли яллигланиши. Болдир сохасининг флегмоналари кон-томир кинлари, мушак фасциал гилофлари хамда тери ости сохаларида жойланиши мумкин.

Орка юза кон-томир кини флегмоналари кон-томир йули оркали тизза ости чукурчасига , канални олдинги тешиги оркали олдинги юзага, пастдан тупик ва товон каналлари оркали кафт сохасига таркалиши мумкин.

Махаллий инфилтратив анестезия утказилгандан кейин тери кесими катта болдир суягининг медиал киррасидан 1 см ташкаридан 10-12 см узунликда кесилади . Тери, тери ости тукимаси юза ва хусусий фасция кесилиб катта болдир суягига бириккан икрасимон мушак пайи ундан ажратилиб биринчи кават мушаклари оркага тортилиб кон-томир кини очилади. Йиринг бушлиги тозаланиб дренаж урнатилиб терига узлуксиз чоклар куйилади.

ОЛДИНГИ КАТТА БОЛДИР АРТЕРИЯСИНИ ОЧИШ .

Артерияни очиш учун уни тасвирий чизигидан чеккарокда тери, тери ости ёғ тукимаси юза фасция 10-12 см узунликда кесилиб, хусусий фасция тарновсимон зонд ёрдамида очилиб кон-томир нерв топилади.

Соханинг юкори кисмида артерияни нервдан ичкарида , пастки кисмидан ташкаридан излаб топилиб лигатура ёрдамида боғланади.

БОЛДИР АМПУТАЦИЯЛАРИ .

Болдирни урта кисмида ампутация килиш.

Бундан иккита курок олдингиси узунрок, оркадан эса калтарок олинади. Тери кесими юкори ва урта сохаларининг медиал кисмидан бошланиб тилсимон шаклида пастга йуналтирилади. Кесимни чуққиси пастга караган ва олдинги юзадан утиб юкорига йуналади ва биринчи кесимни бошланиш кисмининг тугрисида тугатилади. Тери, тери ости ёғ туқимаси ва фасциялар кесилиб, курок таркибига катта болдир суяги медиал кисмининг суяк усти пардаси ҳам олинади. Олдинги юза куроги юкорига кутарилиб, орка юза кесими утказилади. Бу кесим олдинги кесимларни бошланиш кисмидан бошланади, лекин олдинги юза курогидан калтарок олинади.

Курок таркибига тери ва фасциялар киради. Курокларни асосидан мушаклар суягача кесилиб, суяклараро парда ҳам кесилади. Суяк усти пардаси айланасига кесилиб пастга шилинади, ва пардани проксимал киррасидан 0,3-0,5 см пастрогдан суяклар арралаанади.

Катта болдир суяги аввал 30 да кия йуналишдан кейин эса суяк укига перпендикуляр кесилади. Кичик болдир суяги 2-3 см юкорирогдан кесилади.

Жарохатдаги олдинги ва орка юза кон-томир нервларига ишлов берилади. Олдинги юзада олдинги катта болдир артерияси венаси, орка юзада орка катта болдир артерияси венаси боғланади. Нервлардан олдинги юзада юза ва чукур кичик болдир, тери ости, орка юзада катта болдир нервларига ишлов берилиб ишлов берилиб 5-6 см юкоридан кесилади. Юмшок туқималар бир-бирига якинлаштириб чок куйилади.

ПИРОГОВ УСУЛИ БУЙИЧА БОЛДИРНИ СУЯК ПЛАСТИКАЛИ АМПУТАЦИЯСИ.

Панжа соҳаси кафт юзасининг тери кесими узангисимон шаклида медиал тупикни чуққисидан латералини чуқусигача утказилади.

Дорсал юзада ёйсимон кесим олиниб биринчи кесимларни учлари бирлаштирилади. Дорсал юза кесими буйлаб юмшок туқималар суяккача кесилиб болдир ошиқ бойлами кесилади.

Кафт юзаси кесимининг йуналиши буйича товон суягининг бугим юзаси текисланади. Кейин тупиклар асосидан юкорирокдан катта ва кичик болдир суяклари арралаанади. Юмшок туқималарга бириккан товон суяги катта болдир суягининг кесилган юзасига 2-3 та чоклар ёрдамида тикилиб, терига узлуксиз чок куйилади.

Пироговни болдирни суяк пластикали ампутацияси оламшумул ахамиятга эга булиб, суякни суяк чултоги ёрдамида ёпиш усули ишлаб чикилади.

Бу ампутациянинг ижобий томони оёқнинг максимал узунлиги сакланиб қолади. Товон суяги болдир суягига таъянч вазифани бажаради ва протез куйишга ҳожат қолмайди.

Аммо шу ампутацияга ҳос асорати мавжуд. Кафт юзадаги кесим утказиш пайтида орка болдир артериясининг товон тармоғини саклаб қолиш керак. Акс ҳолда товон суяги ва юмшок туқималарни некрози юзага келади ва кейинчалик реампутация қилишга тугри келади.

ОЁҚ ПАНЖАСИ СОҲАСИ.

Чегаралари медиал ва латерал тупикларни асосидан утказилган айлана чизик. Соха болдир-панжа бугими ва панжа кисмларига булинади. Болдир-панжа сохасида медиал, латерал тупик сохалари ва дорсал юзалари тафовут килинади.

Медиал тупик сохасида тупик канали мавжуд .

Бу канални олдиндан ва ичкаридан – букувчи бойлам пайи, ташкаридан – товон суяги ва медиал тупик чегаралайди.

Каналдан орка болдир кон-томир ва катта болдир нерви хамда орка катта болдир, бармоқларни букувчи узун, бош бармоқни букувчи узун мушак пайлари утади. Охирги иккита мушаклар каналда узаро кесишади ва натижада бош бармоқни букувчи мушак пайи олдиндан бармоқларни букувчи мушак пайи оркада жойлашади.

Кон-томир нерв шу иккала мушакларнинг орасидан утади. Нерв артериядан ташкари ва оркада ётади . Улар кейин товон каналига утишиб медиал ва латерал кафт кон-томир нервларига булинади.

Товон каналини ичкаридан – бош бармоқни узоклаштирувчи мушак, ташкаридан –товон суяги чегаралайди.

Кон-томир нерв бу каналдан кафт сохасига утади.

КАФТ ЮЗАСИ .

Кафт юзасининг териси калин камхаракат, тери ости ёғ туқимаси хам жуда калин булиб апоневроздан терига йуналган тусиклар оркали булақларга булинган.

Апоневроз кучли ривожланган пай тутамларидан тузилган ва товон дунгидан панжа суяқларининг бошчаларигача чузилади. Суяқлар бошчаларининг сохасида комиссурал тешиқлар ҳосил қилади. Иккита ён, урта ва чуқур қаватлар.

Кафт апоневрозидан чуқурга қараб медиал ва латерал тусиклар йуналиб 4 та бушлиқни ҳосил қилади.

Бу тусиклардан ичкиси медиал эгат сохасида бармоқларни букувчи қалта ва бош бармоқни узоклаштирувчи мушаклар орасидан утади. Ташки тусик ташки эгат сохасида бармоқларни букувчи қалта ва 5 чи бармоқни узоклаштирувчи мушаклар орасидан утади.

Тусиклар апоневроз ва кафт узун бойламини қушиб туради . Чуқур қаватда суяқлараро мушаклар ётади.

Урта бушлиқда кафт канали мавжуд булиб, бу канални икки ёндан – мушаклараро тусик , юқоридан –кафтни узун бойлами, пастдан – кафтни чуқур бойламлари чегаралайди.

Урта бушлиқда бармоқларни букувчи қалта (энг юзада) кафтни чуқур бойлами, кафтни квадрат мушаги, бармоқларни букувчи узун, ва бош бармоқларни яқинлаштирувчи мушаклари жойлашган.

Ички бушлиқни бош бармоқни букувчи қалта ва узун, шу бармоқни узоклаштирувчи мушаклар тулдиради.

Ташки бушлиқда 5 чи бармоқни узоклаштирувчи ва қалта мушаклари ётади.

Ички ва ташки бушлиқлар одатда ёпик булади, лекин урта бушлиқ эса товон ва тупик каналлари оркали болдир орка сохасининг чуқур қавати билан ва чувалчангсимон мушаклар оркали дорсал юза билан алоқа қилади.

Кон томир нерви : Кафтни медиал артерияси нисбатан яхши ривожланган ва ички эгат буйича йуналади.

Ташки кафт артерияси орка болдир артериясининг давоми хисобланиб ташки эгат буйича юналиб 5 чи панжа суягининг асосигача боради ва шу жойдан ичкарига караб бориб кафт равогини хосил килади. Бу ривогдан панжа артериялари улардан бармокларнинг кафт артериялари хосил булади.

ПАНЖАНИ ДОРСАЛ ЮЗАСИ .

Териси юпка, тери остида катта ва кичик тери ости веналарининг бошланиш кисми веноз турлари жойлашган .

Хусусий фасцияси болдир фасциясининг давоми булиб ёзувчи мушак пайларига кин хосил килади.

Узун ёзувчи мушак пайлари хар бири алохида киндан жойлашиб ёзувчи бойлами пайи остидан утади. Улардан олдинги катта болдир мушаги понасимон ва 1 чи панжа суягига бирикса колганлари бармок фалангаларига боради.

Бу юзанинг артерияси олдинги катта болдир артериясининг давоми булса нерви чукур кичик болдир нерви хисобланади .Артерия бош бармокни ёзувчи мушагидан утади. Бу артерия биринчи суяклараро оралигига ётмасдан артерия аркуатани кейин эса артерия метатарзе дорзалео 1 ва кафтни чукур тармоги артериясини беради.

Уни теридаги тасвири тупиклараро ораликни уртасидан 1 чи суяклараро масофани уртасига утказилган чизик.

ОПЕРАЦИЯЛАРИ .

Гаранжо усули буйича бармоklar экзартикуляцияси.

Кафт юзасининг тери кесими кафт бармок бурмаси буйича 1 бармокни медиал юзасидан 5 чи бармокни латерал юзасигача утказилади. Дорсал юзада эса бармоklarаро бурма буйича 5 чи бармокдан 1 чи бармоkgача кесилади. Юмшок тукималар суяkgача кесилиб медиал ва латерал юзаларда яна кушимча иккита юкорига караб (1-У кафт суяklари бошчаларигача) кесим утказилади. Куроклар юкорига ажратилиб бармоklar максимал букилиб дорсал юза буйича бугим чизиги кесилади. Кейин чап бармок максимал хамма бармоklar бир харакатда кесилади.

Бармоklarнинг хусусий кон-томир нервларига ишлов берилгандан кейин куроклар бирлаштириб тикилади.

ЛИСФРАНГ БУГИМИДАН ЭКЗАРТИКУЛЯЦИЯ КИЛИШ .

Тери кесими 1 чи панжа суягининг буртиб чиккан сохасидан кафт юзаси буйлаб тилсимон шаклида 5 чи суякнинг шу кисмигача, дорсал юзада эса ундан калтарок утказилади.

Юмшок тукималар кесилиб курок юкори ва пастга ажратилади. Панжа олди ва панжа суяklарининг орасидаги Лисфранг бугими аввал ташкаридан ичкарига караб 2 чи панжа суягигача кейин ичкаридан ташкарига караб яна шу сохагача кесилади.

Медиал понасимон ва 2 чи панжа суяklарининг орасида жойлашган Лисфранг калитини (лиг. Кунеометатарзе интерессеа секундум) кесиш анча кийинчилик тугдиради. Уни кесиш учун пичок аввал юкоридан пастга медиал ва урта понасимон

суякларининг орасидан, кейин эса 1-2 панжа суяклари оралигидан пастдан юкорига йуналтирилиб кесилади. Панжанинг ажралган дистал кисми олиб ташланиб кафт юзасидаги медиал ва латерал кафт кон-томир нерви, дорсал юзадаги дорсал томирлари ва чукур хамда юза кичик болдир нервларига ишлов берилиб куроклар тикилади.

Лисфранк буйича экзартикуляция техник жихатдан жуда кийин ва тежамсиз операция хисобланади. Лекин «ШОПАР» бугими экзартикуляциясидан устунлик томонлари мавжуд. Шопар бугимидан экзартикуляция утказилса ёзувчи мушак пайларининг бирикиш жойлари кесилади. Натижада букувчи мушаклар (антогонист) ва Ахил пайи панжани кафт томонига тортади, ва оёк панжани «от» туёги шаклини олади (пес энгвунис).

Хозирги пайтда техник жихатдан кулай ва тежамли хисобланган Шарп ампутацияси кулланилади. Бу операцияда панжа суякларининг жароҳатдан кисмида ампутация килинади. Дорсал юза юмшок тукималари кесилиб суяклар кафт юзасининг юмшок тукималаригача аррланади.

Суяклар орасига ампутацион пичок киритилиб кафт юзасидан узун курок олинади. Бунинг учун пичок йуналиши юкоридан пастга караб «чумич сузиш» харакатидек утказилади.

Панжанинг кафт ва дорсал юза кон томир нервларига ишлов берилиб куроклар тикилади.

МАВЗУ : БОШ СОХАСИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ ВА ОПЕРАТИВ ЖАРРОХЛИГИ .

1. Бош соҳасининг чегаралари : бош мия ва юз кисмларга булиниши:

1). Бош мия кисмининг асос ва гумбаз кисмларга булиниши;

2). Гумбаз кисми:

а) пешана – тепа – энса соҳалари;

б) чакка соҳаси (сургичсимон усимта соҳасига, Шипо учбурчаги;

в) кон-томир нервлари:

г) бош суягининг каватлари (эмиссар ва диплоэкс веналари).

3) Мия пардалари ва пардалараро бушликлари;

4) Краниocereбрал топ-си (Кронлейн-Брюсова чизмаси);

5) Бош мия асоси чукурчалари;

6) Бош жароҳатларига жаррохлик бериш;

7) Бош трепанациялари (суяк пластикали ва декомпрессия).

2. Юз соҳаси .

1) Кулок олди чайнов соҳаси;

2) Юз нервининг топографияси;

3) Лунж соҳаси;

4) Юзни чукур кавати;

5) Уч шохли нервининг охирги шохларини юзадаги топ-си.

Бош соҳаси буйин соҳасидан пастки жагнинг пастки кирраси, ёнок ёйи, ташки эшитув йули. Юкори буйинтурук чизиги ва ташки энса думбоги билан ажралиб туради. Бу соҳа уз навбатида юз ва бош мия кисмларига булинади.

Бош мия кисми юз кисмидан куз косасининг устки кирраси, ёнок ёйи ва ташки эшитув йули билан чегараланади .

Бош мия кисми эга гумбаз ва асос кисмларига булинади.Уларни ажратувчи чегара куз косасининг юкори киррасидан ёнок ёйин оркали понасимон суяк канотларидан ички энса бумбогига утказилган фронтал чизик хисобланади.

Гумбаз кисмида пешана-тепа-энса ва чакка сохаларига мавжуд.

ПЕШАНА – ТЕПА – ЭНСА СОХАСИ.

Чегаралари; олдиндан – куз косасининг юкори кирраси, икки ёндан юкори чакка чизиги, оркадан – ташки энса думбоги билан чегараланади.

Териси калин, камхаракат, тери ва ёг безларига бой, тепа ва энса сохаларига соч билан копланган .Тери ости ёг тукумаси калин, апоневроздан терига тортилган тусиклар ёрдамида алохида – алохида булакларга булиниб асаларини уясига ухшаш шаклига эга.

Шу тусиклар терига бирикиб уни харакатчан булишига тускинлик килади.Тери ости ёг тукумасидан юмшок тукумаларни таъминловчи кон-томир нервлари утади. Кон-томирлари девори тусикларга бирикканлиги сабабли жарохатларда деворлари пучаймай очик холда колади.Шу сабабли куп кон кетиш кузатилади.

Икки ёндан ташки уйку артериясининг тармоги чиккани юза артерияси кулок чакка нерви билан йукорига тепа сохасига йуналади.

Бу артериянинг оркасидан кулокни орка артерияси хам утади.

Олдиндан куз артериясининг тирмоклари галтак усти (а.супратрохлеарис) ва орбита усти артериялари чикади.

Галтак усти артерияси урта чизикдан 2 см ташкарида, орбита усти артерияси эса куз косасининг ички ва урта кисмларини уртасидан чикиб иккаласи хам тепа сохасига йуналади.

Оркадан энса артерияси олдинги ва йукорига караб йуналади.

Бу артерия сургичсимон усимта киррасидан 1,5-2 см оркарокдан утади.

Юкорида курсатилган хамма артериялари узаро кушилиб бой анастомозларни хосил килади.

Бош сохаси юмшок тукума кавати кон-томирлари бир неча хусусиятларга эга. Биринчидан-улар апоневрозни устида жойлашган ва деворлари тусикларга бириккан .Иккинчидан-радиар (пастдан юкорига, олдиндан оркага, оркадан олдинга) йуналиб бой анастомоз хосил килади.

Учинчидан-бош жарохатларида улар деворлари пучаймай куп кон окади, лекин бой анастомоз хосил килганлиги ва яхши кон билан таъминланганлиги сабабли жарохат тез битади.

Кейинги кавати апоневрозли ёпкич (галлеа апоневротика).Бу апоневроз пешана ва энса мушакларини бирлаштириб, узидан терига тусиклар йуналтиради ва тери билан мустахкам бирикади .Апоневроз остида сийрак тукума бушлиги булганлиги сабабли суяк усти пардасига яхши бирикмайди.

Апоневроз ёпкичи терига мустахкам лекин суяк усти пардасига заиф бирикканлиги учун бош сохаси жарохатлари йиртилган жарохатга ухшайди.Суяк усти пардаси суяк чокларининг сохасидан унга мустахкам бирикади, колган

кисмлари эса сийрак тукима бушлиги булганлиги сабабли бирикмаган булади. Шу сабабли битта суяк сохасида гематома хосил булса бошка сохаларга таркалмайди.

Бош сохасининг суяк кавати уч катламдан тузилган .

Ташки кавати (ламина экстерна) жуда мустахкам .

Ички кавати ёки шишасимон кавати (ламина витрэ) жуда нозик.

Бош сохасининг жароҳатларида ташки кавати синмай купрок ички кавати синади.

Ташки ва ички каватларнинг орасида говаксимон кавати булиб, уни ичида диплоэк веналари жойлашган . Бу веналар ички ва ташки каватларидаги эмиссар веналари оркали юмшок тукима кавати веналари ва мия каттик пардасининг синуслари билан алока килади. Эмиссар веналар пешана, чакка ва энса сохаларида купрок жойлашган . Юмшок тукима веналари эмиссар ва диплоэк веналар мия каттик пардаси синусларининг узаро анастомозлари туфайли бош ва юз сохаси юмшок тукималарининг йирингли жараёнлари синусларга таркалиши мумкин.

ЧАККА СОХАСИ .

Бу соха куз косасидан – пешана суягининг ёнок усимтаси ва ёнок суягининг пешана усимтаси билан, юз ён сохасидан – ёнок ёйи билан. Юкоридан-чакка мушагининг юкори кирраси билан чегараланади .

Териси пешана-тепа-энса сохасининг терисига нисбатан юпка, орка кисми соч билан копланган. Тери ости ёг тукимасининг ичида юза чакка артерия ва венаси хамда чакка – кулок нерви утади . Нерв одатда артерияни оркасида ёки артерияни олдида жойланиши мумки . Нерв сохасининг терисини, кулок супрасини, пастки жаг бугими капсуласини иннервациялаб, кулок олди сулак безга шохлар беради ва безни ичида юз нерви билан анастомоз килади .

Артерияни теридаги тасвири кулок юмшогидан 0,5 см олдиндан утказилган вертикал чизик ёрдамида аникланади.

Юза фасцияси юпка варакка ухшаш булиб апоневрозли ёпкични давоми хисобланади, ва юз сохасида тугайди .

Хусусий фасцияси апоневроз шаклида булиб икки варакдан тузилган.

Юза вараги ёнок ёйининг олдинги юзасига, чукур вараги орка юзасига бирикади. Юкорида узаро кушилиб юкори чакка чизиги сохасида суяк усти пардасига бирикади. Бу варакларнинг орасида 2 чи кават апоневрозаро ёг тукимаси жойлашган.

Апоневрозаро бушлигининг олдинги пастки чегарасида ёрик булиб, бушлик шу ёрик оркали ёнок суягининг олдинги кисми билан чегараланади. Натижада на факат ёнок ёйи балки ёнок суяги остеомиелитида хам йиринг апоневрозаро бушликка утади.

Хусусий фасциянинг остида 3 чи кават ёг тукимаси мавжуд булиб, бу ёг тукимаси лунж сохасидаги Биш ёг таначаси билан алока килади.

Чакка мушаги (м. темпоралис) чакка чизигидан очик елпигич шаклида бошланиб пастга йуналади ва кейин тутам шаклида тупланиб пастки жагни тож усимтасига бирикади. Мушакни ичида жаг артериясидан чикувчи чаккани чукур артерияси жойлашиб узининг охирги тармокларида булинади.

Мушакни остида яна бир кават (4 чи кават) ёғ тукимаси ётади. Чукур кон-томир нерви шу ёғ тукимасининг ичидан мушак ичидан мушак ичига утади. Чаккани чукур нерви уч шохли нервининг учинчи шохидан чиқади.

Кейинги кавати суяк усти пардаси булиб суякка бириккан булади. Суяк кавати соханинг юкори кисмида худди пешона-тепа-энса суягига ухшаш. Чакка суягининг пастки юпка пластинкали кисмида диплоэк кавати булмайд ва суяк жуда юпка. Шунинг учун бу сохада чакка суягининг синиши купрок кузатилиб, каттик парда урта артериясини жарохатлайди .

СУРГИЧСИМОН УСИМТА СОХАСИ .

Бу соха бош мия кисмининг асос сохасида жойлашган, лекин ташки тузилиши ва каватлари гумбаз кисми тузилишига ухшаш. Юкори чегараси ёнок ёйидан утказилган чизикни давоми билан аникланади.

Териси нисбатан юпка, тери ости ёғ тукимаси жуда сийрак булганлиги сабабли фасция билан бириккан. Юза фасцияси юпка ва юза кон-томир, нервлар хамда кулок супраси мушакларига кин ясайди. Уни ичидан кулокни орка артерия ва венаси утади.

Буйин чигалидан чикувчи катта ва кичик энса нервлари терини иннервациялайди.

Хусусий фасция сохасининг юкори кисмида ривожланган, усимта киррасига эса мустахкам бирикади.

Суяк усти пардаси жуда мустахкам усимтанинг олдинги кисмидаги текислик сохасидан осонлик билан ажратилади.

Сургичсимон усимта сохасининг олдинги кисмида Шипо учбурчаги мавжуд булиб, бу учбурчакни чегаралари юкоридан-ёнок ёйи чизигининг давоми, олдиндан-ташки эшитув йулининг орка девори, оркадан- сургичсимон усимта кирраси. Шипо учбурчаги вертикал ва горизонтал чизиклар ёрдамида 4 та квадрантга булинади. Вертикал чизик усимта асосининг уртасидан чуққисига, горизонтали эса вертикал чизикни уртасидан утказилади.

Квадрантлар олдинги юкори ва пастки, орка юкори ва пастки.

Учбурчак сохасининг мустахкам суяк пластинкасидан 1,5-2 см чукурда шиллик парда билан уралган ва хаво бушлиги билан тулдирилган суяк катакчалари мавжуд. Бу катакчалар учбурчакни олдинги юкори кисмига якинлашган сайин катталашиб катта катакчани хосил килади (антрум мастоидеум). Бу катакча урта кулок бушлиги билан ногора бушлиги (адитус ад антрум) оркали алока килади . Агар усимта катакчалари катта ва куп хаволи булса пневматик, майда ва хавоси кам булса склеротик тип дейилади.

Учбурчакни олдинги пастки квадрантида юз нервининг канали, орка юкори квадрантида мия урта чукурчаси, орка пасткисида сигмасимон синус жойлашади

Сургичсимон гори (антрум мастоидеум) олдинги юкори квадрантида суяк пластинкасидан 1,5-2 см чуқуррокда ва ташки эшитув йулининг орка деворидан 2 мм оркадан жойлашади.

Сургич усимта сохаси ва урта кулок бушлигининг йирингли яллигланишлари натижасида Шипо Учбурчаги сохасида антротомия операцияси утказилади .

Бунинг учун ташки эшитув йулининг орка деворидан 1,5-2 см болаларда эса 0,5-1 см. Оркада тери, тери ости ёғ тукумаси юза ва хусусий фасция кесилади.

Кейин суяк усти пардаси ҳам кесилиб суяк пластинкаси искана ва болгача ёрдамида 1,5-2 см чуқурликда очилади.

Тугмачали зонд ёрдамида жарохат оркали урта кулок бушлигига кирилади ва антротомияни тугри утказилгани аниқлангач йиринг тозаланиб ювилади.

МИЯ ПАРДАЛАРИ ВА ПАРДАЛАРАРО БУШЛИКЛАРИ . МИЯ КАТТИК ПАРДАСИНИНГ СИНУСЛАРИ .

Мия каттик пардаси – бу парда мустахкам кушувчи тукумадан тузилган булиб мия ярим шарларини устидан ёпиб туради. Н. И. Бурденко фикрича у икки варақдан тузилган ва бу варақлар бир – биридан осон ажралади. Шунинг учун парда девори нуксонларида (тешиклари) пластика килиш мумкин .

Ташки вараги суяк пардаси, ички вараги эса каттик парда дейилади .

Мия каттик пардаси мия ичига йуналувчи учта усимта (шох) хосил килади. Булар мия уроги (фалкс серебри), мияча уроги (фалкс серебели) ва мияча чодир (тенториум серебели) .

Мия уроги сагитал йуналган булиб, галвирсимон суяк киррасидан ички энса думбогига тортилади ва мия ярим шарларини иккига булади. Мияча уроги биринчисини давоми хисобланиб катта энса тешигигача боради ва миячани иккита булакларга булиб туради.

Мияча чодир горизонтал йуналган булиб, чакка суяги тошсимон кисмининг юкори киррасидан энса суягининг кундаланг эгатида тортилади. Мияча чодир мия ярим шарларини миячадан ажратиб туради.

Мия ва мияча уроглари ҳамда мияча чодир икки варакли каттик пардадан тузилган. Бу варақларининг орасида веноз (синус) бушликлари мавжуд. Синусларда веноз кони оқади.

Уларни веналардан фарқи деворида мушак кавати йук, битта деворини суяк хосил килади, клапанлари йук, кундаланг кесимда учбурчак (призма) тузилиш шаклига эга, синуслари жарохати туфайли уларнинг девори пучаймайди ва куп кон кетиш холати кузатилади. Бундан ташқари кон томир ичига хаво сурилиши мумкин.

Синусларга мия венаси, чиқарувчи ва диплоэк веналари ҳамда юмшок, тукума вена конлари куйилади.

МИЯ КАТТИК ПАРДАСИНИНГ СИНУСЛАРИ . Синуслар гумбаз ва асос кисмига булинади.

Гумбаз синусларига юкори сагитал синус мия урогини юкори кисми-жойлашган булиб каншардан ташки энса думбогига утказилган чизик билан тасвирланади.

Мия урогининг пастки кисмида пастки сагитал синус жойлашади.

Тутри синус миянинг катта уроги ва мияча чодирининг кушилган жойида хосил булади.

Асос синуслари энса синуси – мияча урогида хосил булиб катта энса тешигидан ташки энса думбогига утказилган чизикда тасвирланади.

Кундаланг синус – мияча чодирда жойлашган. Унинг теридаги тасвирий юкори буйинтурук чизиги буйича аникланади.

Сигмасимон синус – кундаланг синусни давоми булиб сургичсимон усимта киррасида жойлашади.

Горсимон синус – турк эгарининг икки ёнида жойлашади ва улар узаро кушилиб айлана (Ридле) синусини хосил килади. Ридле синусининг ичида ички уйку артерияси ва узоклаштирувчи нерв утади. Горсимон синус деворини хосил килувчи каттик парданинг ичида (юкоридан пастга) н.околомоториус, н.трохлеарис ва офталмикус ётади.

Юкори сагитал, тутри ва энса синуслар кушилишиб синуслар кулини (конfluence синуим) хосил килади. Бу кулни теридаги тасвири ташки энса думбогига тутри келади. Кон синуслар кулидан кундаланг синусга кейин эса сигмасимон синусига ва ундан ички буйинтурук венасига куйилади.

ТУРСИМОН ПАРДА (АРОХНОИДЕА).

Мияни тур пардаси мия пушталарини ёпади лекин эгатчаларни ичига кирмайди. Кон-томирлари йук.

Мия каттик пардасининг ичига ботиб тешикчалари оркали синуслар билан алока килади.(пахион доначалар).

Турпарда остида турпарда ости бушлиги мавжуд булиб у ёриксимон шаклга эга. Бу бушлик орка мия суюклиги билан тулдирилгандир. Бу суюклик бош мияни ураб мияча ёнидан утиб узунчок мия ва орка мияга давом этади.

Турпарда ости бушлигининг кенгайган кисмлари бир-биридан кушимча тукима тусиклар ёрдамида булинган булиб улар цистерналар дейилади.

Бу цистерналар мияча ва узунчок мия, силвий эгати, куриш нервининг кесишган жойи ва мияни пешана булакларининг орасида яхши ривожланган .

Турпарда ости бушлиги мия коринчалари ва орка мия билан алока килади.

МИЯ ЮМШОК ПАРДАСИ .

Бу парда мия тукимасининг коплаб уни хамма эгатлари ва коринчаларига киради. Уни ичида кон-томирлари жойлашади. Бу парда вп мия орасида сийрак тукима булганлиги сабабли миядан осонлик билан ажралади.

БОШ – МИЯ ТОПОГРАФИЯСИ. КРОНЛЕЙН – БРЮСОВА ЧИЗМАСИ .

Бош мия уз навбатида катта мия, мияча ва мия пояси (узунчок мия ва варольев купригидан тузилган) кисмларига булинади. Бош мия пушталар ва эгатлардан тузилган.

Мия эгатлари, пушталари ва кон-томирларини теридаги тасвирини урганиш учун Кронлейн-Брюсова чизмасидан фойдаланилади .

Куз косасининг пастки киррасидан ёнок ёйи ва ташки эшитув йулидан пастки кундаланг чизик утказилиб, яна куз косасининг юкори киррасидан пасткига параллел юкори кундаланг чизик утказилади.

Ёнок ёйининг уртасидан кундалангларга перпендикуляр йуналишда олдинги вертикал чизиги утказилади .

Олдинги вертикал ва пастки кундаланг чизикларини кесишган нуктасида мия каттик пардаси артериясининг асосий пояси жойлашади.

Шу вертикал ва юкори кундаланг чизик кесишган жойида эса мия каттик пардаси артериясининг олдинги тармоги тасвирланди.

Пастки жаг бугимидан иккинчи вертикал ва сургичсимон усимта киррасидан учинчи вертикал чизиги утказилади.

Охирги вертикал ва юкори кундаланг чизикларни кесишган жойига мия каттик парда артериясининг орка тармоги тавирланади. Охирги вертикал чизикни юкорига яъни сагитал чизиккача давом эттириб шуларни кесишган нуктасидан юкори кундаланг ва олдинги вертикалларни кесишган жойига чизик утказилса Роланд (марказий) эгатининг тасвири аникланади. Бу эгат миянинг пешана ва тепа булакларининг орасида жойлашади.

Роланд эгати ва юкори кундаланг чизикларининг орасида хосил булган учбурчакни биссектриса чизиги ёрдамида иккига булсак Сильвий (ён) эгатини тасвири аникланади. Сильвий эгати пешана ва тепа булакларни чакка булагидан ажратади. Эгат олдинги ва орка вертикалларни орасида жойлашади.

С.С.Брюсова Кронлейн чизмасига кушимча сильвий эгати ва орка вертикални кесиш нуктасидан учинчи горизонтал чизигини утказади. Бу чизик олдинги мия артерияси ва Гален венасини тасвирини аниклайди.

БОШ МИЯ АСОСИНИНГ ЧУКУРЧАЛАРИ .

Бош мия асосида учта норвонсимон шаклига жойлашган чукурчалар мавжуд: олдинги, урта ва орка.

Миянинг олдинги чукурчаси .

Бу чукурча урта чукурчадан понасимон суякларининг кичик каноти билан чегараланади .

Олдинги чукурча бурун бушлигининг устида ва куз сохаларининг оркасида жойлашган булиб уни энг олдинги кисми пешана бушлиги билан чегараланади. Чукурчада миянинг пешана булагии ётади.

Каншарнинг икки ёнида (Криста Галли) хид сезиш пиёзчалари ётиб улардан хид поячалари бошланади.

Чукурчанинг олдинги кисмида кур тешик (фор.цекум) жойлашиб бу тешикка эмисар венаси билан мия каттик пардаси киради.

Бу вена бушлиги венаси ва сагитал синусни туташтириб туради.

Бу тешиқдан оркарокда яъни каншарни икки ёнида галвирсимон суягининг ёриги мавжуд бўлиб ундан (П.олфакториус) олдинги галвирсимон артерияси (куз артериясининг тармоги) венаси ва нерви утади.

Мия олдинги чуқурчасининг синишлари натижасида бурун ва бурунхалқумдан кон оқиш ва кон аралаш қайд қилиш симптоми юзага келади. Агар галвирсимон артерия жароҳатланса кам кон кетиши, сагитал синус жароҳатланса қуп кон кетиши кузатилади .

Пешана ёки галвирсимон суяклари синса куз конъюктиваси ва ковок тери остига кон қуйилади.

Мия пардалари ёрилса бурундан мия суюқлиги оқади.

Мия урта чуқурчаси .

Бу чуқурча олдинги чуқурчадан понасимон суягининг кичик каноти билан, орка чуқурчадан эса турк эгарининг оркаси ва иккала суяқларининг пирамидалари билан чегараланади. Бу чуқурчанинг урта қисми понасимон суягининг танасидан ҳосил бўлади.

Чуқурчада понасимон бушлиқ ва турк эгарининг чуқурчаси жойлашиб уни ичида гипофиз ётади.

Мия каттик пардаси эгарни устини ёпиб эгар диафрагмасини ҳосил қилади. Диафрагманинг уртасида тешиқ мавжуд ва ундан воронка (инфундибулум) утади. Воронка гипофизни мия асоси билан алоқа қилдиради.

Турк эгарининг олдида қуриш нервларининг кесишган жойи жойлашади.

Урта чуқурчанинг ёнлари понасимон суяқларининг катта канотлари ва чакка суяқларининг пирамидасидан ҳосил бўлган ва бу жойда мияни чакка булаклари жойлашган. Бундан ташқари чакка суяқлари пирамидаларининг (уч шохли ботик) чуққисидан уч шохли нервининг яримойсимон тутини ётади. Пирамидаларнинг олдинги қисмлари ноғора бушлиқларининг юқори деворини ҳосил қилади (тегмен тимпани).

Урта чуқурча соҳасининг турк эгари ёнларида амалиётда катта ахамиятга эга бўлган горсимон синуслари жойлашиб уларга юқори ва пастки куз веналари келиб қуйилади.

Урта чуқурчанинг тешиқларидан энг олдингиси қуриш канали бўлиб ундан қуриш нерви (2 нерв) ва куз артерияси утади.

Понасимон суягининг катта ва кичик канотлари орасида юқори коса ёриги (фиссура орбиталис супериор) мавжуд. Ундан пастки ва юқори куз веналари утиб горсимон синусга қуйилади.

Бундан ташқари н.околомоториус (3 нерв) п.трохлеарис (1У нерв), п.офтальмикус (уч шохлининг 1 шох ва узоклаштирувчи (У1 нерв) нервлари ҳам утади. Ёрикнинг шундоқкина орасида юмалок тешиқ (форамен ротундум) жойлашиб ундан юқори жағ нерви (иккинчи шох) утади.

Юмалок тешиқни оркасида эса овал тешиғи мавжуд . Бу тешиқдан пастки жағ нерви (учинчи шох) ва тошсимон ҳамда горсимон синусларни бирлаштирувчи веналар утади.

Овал тешиғидан орка ва ташқарида эса уткир тешиқ (фор.спинозум) жойлашиб ундан а.менингеа медиа утади.

Пирамидалар чуккиси ва понасимон суяк танаси орасида йиртик (фор.лацертум) тешиги мавжуд. Ундан тошсимон нерви (юз нервнинг шохи) ва баъзан эса эмиссар венаси утади.

Бу тешикка ички уйку артериясининг канали ҳам очилади.

Мия урта чукурчасининг жароҳатларида худди олдинги чукурчага ухшаб бурундан ва бурун-халкумдан кон окиш кузатилади. Бундай ҳолат понасимон суяги танасининг синиши ёки горсимон синусининг жароҳатларида юзага келиши мумкин.

Горсимон синусининг ичидан утувчи ички уйку артериясининг жароҳати улим ходисасига олиб келади.

Чакка суяклари пирамидасининг синиши ва ногора пардасининг ёрилиши натижасида эшитув йулидан кон оқади. Агарда мия тукумаси ҳам шикастланса ташки эшитув йулидан мия суюклиги окиши кузатилади. Миянинг чакка булагининг эзилиб майдаланиши натижасида эса кулоқдан мия тукумаларининг кисмчалари чиқиши мумкин.

Урта чукурчанинг асоратларида У1, У2, ва У3 чи нервларининг жароҳатланиши кузатилиб ички кийшик-кузлик, мимика мушакларининг параличи ва асорат томонидаги эшитиш функциясининг йуқолиш симптомлари юзага келади.

МИЯ ОРКА ЧУКУРЧАСИ.

Бу чукурча урта чукурчадан турк эгарининг бели ва чакка суякларининг пирамидалари билан чегараланади.

Чукурчанинг олдинги қисмида куприк ва узунчок мия, қолган қисмида эса мияча жойлашган.

Бу соҳада энса синуси ва қундаланг синус жойлашган бўлиб у сигмасимон синусга утади. Орка чукурчанинг тешиклари қуйидагича жойлашган. Энг олдиндан ички эшитув тешиги жойлашиб ундан лабиринт артерияси, юз нерви (У2) статоакустикус (У3) ва интермедиус нервлари утади. Бу тешикни орқасида буйинтурук тешиги ётади. Бу тешикни олдинги қисмидан глоссофарингеус (1Х) вагус (Х) ва қушимча (акцессориус) нервлари, орка қисмидан ички буйинтурук венаси утади.

Орка чукурчанинг марказида қатта энса тешиги жойлашиб ундан узунчок мия қобиғи билан, умуртка артерияси, умуртка веноз қиғали, қушимча нервни орка мия шохчалари утади.

Қатта энса тешигининг ёнларида гипоглозуз нерв қаналининг тешиги мавжуд. Сигмасимон эгатда эса сургичсимон тешиги жойлашиб, ундан сургичсимон эмиссар венаси утади. Бу вена энса ва бош мия юмшоқ тукума веналарини сигмасимон синуси билан қушиб туради.

БОШ - МИЯ ЖАРОҲАТЛАРИГА БИРЛАМЧИ ЖАРРОҲЛИК ИШЛОВ БЕРИШ.

Жароҳатни қуздан кечириб, тозалаб ювиши, сочларни қирқиш, совунли сув билан ювиш, бензин ёки эфир билан артиш. Улик тукумаларни 0,5 см тирик тукума

чегарасидан кесиб олиш. Суяк парчаларни олиш ташлаш, жарохатни мустахкам тикиш.

БОШ ТРЕПАНАЦИЯЛАРИ .

Трепанация бу калла бушлигини очиш операцияси були, уларни икки хили мавжуд; суяк пластикали ва резекцион ёки декомпрессив.

Декомпрессив трепанациялари бош мия босими ошгандан мия майдонини кенгайтириш учун кулланилади. Бунда суяк пластинкаси олиб ташланиб устига юмшок тукумалар куроги тикиб куйилади.

Кушинг усули буйича чакка мушаги сохасида такасимон кесим утказилади. Курокни асоси пастга караган . Тери, фасция ва куроги ажралиб суякни марказида тешик хосил килинади ва уни суяк кайчиси ёрдамида 6-7 см диаметрда тенг кенгайтирилиб мия каттик пардаси кушувсимон шаклида кесилади. Юмшок тукума куроги уз урнига куйилиб тикилади.

Суяк пластикали трепанациялари Оливекрон усули буйича икки курокли, Вагнер-Вольф буйича бир курокли тарзида бажарилади.

Оливекрон усули. Тери такасимон шаклида кесилади. Тери, тери ости тукумаси ва апоневроз кесилиб пастга ажратилади. Тери кесими йуналиш буйича суяк усти пардаси кесилиб асос томонда оёкча колдирилади . Бош суягига 5-6 та тешик хосил килиниб улар Джилли-Оливекронни симли арраси ёрдамида бирлаштирилиб суяк пардаси оёкчаси сохасида астагина синдирилади . Суяк ва суяк усти пардаси куроги хам пастга кайириб операцияни асосий боскичига ишлов берилиб куроклар тикилади. Бунинг учун суяк ва суяк усти пардаси уз урнига урнатилиб тери ва апоневроз куроги устидан тикилади.

Вагнер – Вольф усули тери ва суяк бир курокда олинади.

Оливекрон усули буйича трепанация килишдан кенг курок олиниб мия майдонини кенг очиш мумкин. Вагнер-Вольфда эса тери кесими суяк курогини очиш учун тускинлик килиб мия майдонини кенг очишга йул куймайди.

ЮЗ ЁН СОХАСИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРИ .

Чегаралари юкоридан – куз косасининг пастки кирраси, ёнок ёйи ташки эшитув йули, пастдан – пастки жагнинг пастки кирраси, ичкаридан – бурун-лаб ва бурун-лунж бурмалади.

Юз ён сохаси кулок олди чайнов, лунж ва юзни чукур кисмларига булинади.

Кулок олди чайнов сохаси . Бу соха колган сохалардан куз косасининг пастки кирраси, ёнок ташки эшитув йули, пастки жаг кирраси ва чайнов мушагининг олдинги киррасидан утказилган чизик билан ажралиб туради.

Териси юпка харакатчан, эркакларда тук билан копланган , тери ости ёг тукумаси яхши ривожланганлиги сабабли терисини бурмаларга йигиш мумкин. Юза фасцияси юпка.

Хусусий фасцияси калин ва икки варақдан тузилган; юза ва чукур. Юза вараги апоневрозга ухшаш булиб кулок олди безининг ичида тусиклар жунатиб уни алохида булакчаларга булади. Бу фасция олдинга йуналиб безни чикариш

йулини кузатиб лунж ёг ёстикчасини урайди. Юкоридан ёнок ёйига, пастдан пастки жаг киррасига бирикади.

Кулок олди беи (гландула паротис) .

Нотугри тузилиш шаклига эга булган катта сулак беи хисобланиб кундаланг кесими учбурчак тузилишга эга. Уни чукур кесми олдиндан – пастки жаг шохи, оркадан – сургичсимон усимта ва туш-умров-сургичсимон мушаги, юкоридан – эшитув йули, пастдан- жаг ости безидан ажратувчи фасция билан чегараланган жаг оркаси чукурчасига боради.

Соханинг хусусий фасцияси безга кобик хосил килиб уни ичига тусиклар жунатади .Безни ташки эшитув йули ва халкум атрофи кесмлари заиф хисобланиб санторин ёрикчалари мавжуд. Шу ёрикчалар оркали безни йирингли жараёнлари айтилган сохаларга утиши мумкин.

Фасциядан ташкари безни хусусий кобиги булиб у хам фасциал тусиклар билан без ичига киради.Шу сабабли бездаги йирингли яллигланиш чегаралаган булади.

Безни чиқарув йули аъзони ичида хосил булиб узунлиги 1,5- смдан 5 см гача диаметри 2-3 мм булади. Йул чайнов мушагининг олдинги киррасигача йуналиб Биш ёг таначасини ичидан лунж мушагини тешади 1 чи 2 чи катта томирли тишлар орасидан огиз шиллик пардасининг остига очилади.

Уни теридаги тасвирий кулок юмшогидан огиз бурчагига ёки ёнок ёйидан 1 кундаланг бармок пастдан утказилган чизик.Йулни устидан юзни кундаланг артерияси йуналади

Безни ички юзаси пастки жаг шохининг оркасида жойлашиб бу ердан.ташки уйку артерияси утади.ва узининг охирги шохларига яъни жаг кулокни орка, чаккани юза артерияларига булинади.

Ташки уйку артериясидан ташкарида ташки буйинтурук венаси утади.Бу сохада венага юзни кундаланг, пастки жаг оркаси ва кулокни орка веналари куйилади.

Без сохасида юза ва чукур лимфа тугунлари мавжуд .Юза тугунлар юз териси, кулок супраси, ташки эшитув йули ва ногора бушлигидан лимфа йигади.Чукур тугунларга юмшок танглай ва бурунни оркаси лимфа томирлари йигилади.

Без ичидан юз нерви утиб мимика мушакларини иннервациялайди Нерв бигиз-сургичсимон тешигидан чикиб, озрок пастга тушади ва бирдан юкорига кутарилиб кулок юмшоги сохасидан без паренхимасига киради. Уни ичида чигал хосил килиб кейин гоз панжасини хосил килади.

Юз нервидан 5 та шох ажралиб чиқади.

1.Чакка шохи-кулок юмшогидан юкорига утказилган вертикал чизик билан тасвирланади.

2. Ёнок шохи – кулок юмшогидан кузни ташки бурчагига утказилган чизик:

3. Лунж шохи - бурун канотига тортилган чизик;

4. Пастки жаг шохи – пастки жагга параллел чизик;

5. Буйин шохи – буйин сохасига утказилган вертикал чизик:

Юз нерви шохчаларининг йуналиш йуллари катта клиник ахамиятга эга.Юз сохасининг йирингли жараёнлари нерв шохчаларининг йуналиши буйича кесиб очилади.

Соханинг олдинги кисмини чайнов мушаги тулдириб туради. Мушакни остида сийрак тукима бушлиги булиб унда йиринг тупланиши мумкин.

Мушакни олдида жаг киррасини остидан юз артерияси ва венаси утиб пастки жагни юкори киррасидан огиз бурчаги сохасига бориб шу ерда бурчак артерияси деб аталади ва бурун артериялари билан анастомоз хосил килади.

Артерияни теридаги тасвири пастки жаг бурчагидан кузни ички бурчагига утказилган чизикка тугри келади.

ЛУНЖ СОХАСИ .

Чегаралари: юкоридан куз косасининг пастки кирраси, пастдан пастки жаг кирраси, олдиндан – бурун – лунж ва бурун-лаб бурмаси, оркадан – чайнов мушагининг олдинги кирраси .

Териси юпка, харакатчан, тери ости ёг тукимаси яхши ривожланган . Уни ичида юза фасция булиб мимика мушаклари жойлашади. Бу сохадан юз артерияси ва венаси утади. Артерия пастки жаг бурчагидан чайнов мушагининг олдида огиз бурчагига бурилади. Кейин кузни ички бурчагига бориб бурчак артерияси дейилади. Узидан юкори ва пастки лаб артерияларини бериб юзни кундаланг , лунж ва пастки артериялари билан анастомоз хосил килади.

Юз венаси артерияни кузатиб бурун, лаб ва юзни ён сохаларидан веноз кон йигади .Бу вена юзни чукур каватида жойлашган канотсимон танглай веноз чигали билан, бурчак венаси оркали куз веналари билан, улар оркали эса горсимон синус билан анастомоз килади.

Шу анастомозларнинг борлиги туфайли юз сохасининг йирингли ялигланлишлари хавфли хисобланади ва йиринг веналар оркали горсимон синусга утиши мумкин.

Кулок юмшогидан огиз бурчагига утказилган чизикдан юкори кисм йиринглари хавфли соха дейилади.

Хусусий фасциясининг остида Бишни ёг таначаси булиб у лунж мушагининг устида ётади.

Бу таначадан чакка, чакка ости, канотсимон-танглай ва куз усимталари чикиб шу сохаларга йуналади.

Ёг таначасининг ости жаг артериясидан чикувчи лунж артерияси ётади.Бу жойда яна бир неча лимфа тугунчалари жойлашиб лимфа суюклигини жаг ости ва кулок олди сохаларига олиб боради.

Танача остида фасция букофарингеа ётади. Бу фасция лунж мушагини ёпиб уни оркасидан халкумни ён деворига утади . Кейинги каватда лунж мушаги жойлашиб уни остида огиз бушлигининг шиллик пардаси ётади.

ЮЗНИ ЧУКУР КАВАТИ .

Бу соха пастки жаг шохи ва чакка мушагининг оркасида жойлашган.ЧЕГАРАЛАРИ : Ичкаридан – канотсимон усикни ташки юзаси, понасимон суягининг катта каноти ва юкори жаг думбоги : оркадан – кулок олди беи ёткичи : юкоридан – мия асоси билан чегараланади .

Сохасининг тукима бушлиги халкумни ён деворигача давом этади. Юзни чукур сохасида чакка канотсимон (чакка ва латерал канотсимон мушакларининг орасида) ва канотсимонлараро бушликлари мавжуд.

Жаг артерияси ташки уйку артериясидан чикиб сфенопалатинум тешигига йуналади. Артерияни 3та қисми тафовут қиланади.

1). Пастки жаг қисми – уни бугим усимтасини орқасида

2) канотсимон – латерал ва медиал канотсимон мушакларининг орасида.

3) канотсимон – танглай шу номли чуқурча сохасида.

Артерияни биринчи қисмидан кулоқни чуқур, олдинги ногора , пастки алвеоляр ва мия катик пардаси урта артериялари чиқади.

Иккинчи қисмидан юқори ва орқа алвеоляр, чаккани чуқур, ва лунж артериялари.

Учинчи қисмида инфраорбиталис, тушувчи ва сфенопалатина артериялари чиқади.

Мия каттик парда урта артерияси юқorigа кутарилиб форамен спинозум орқали мия ичига қиради. Пастки алвеоляр артериялари эса юқори жаг каналига йуналади.

Бу сохада веноз қиғаллари мавжуд булиб қон бу қиғалларидан жаг орқаси ва юз веналарига қуйилади.

Уч шохли нервнинг охириги шохчаларининг юздаги топографияси.

Бу нервни ядроси Варольев купригида жойлашган булиб урта шохдан тузилган: қуз, юқори жаг ва пастки жаг нервлари.

Қуз нервдан юз сохасига Р. Инфраорбиталис ҳам шу тешиқ орқали чиқади.

Пастки жаг нервдан Р.Ментале пастки жагдаги форамен ментале орқали чиқади.

Бу нервлар юз сохасининг терисини иннервациялайди. Улар чиқиш жойининг теридаги тасвири қуз қосасининг юқори қиррасининг уртасидан 0,5 см ичкаридан утқазилган вертикал қизик ёрдамида аниқланади.

Нерв шохчаларининг чиқиш жойининг тасвири шу шохчаларининг яллиғланишларида қатта аҳамиятга эса. Бунинг учун шу сохалар пайпасланиб қурилади ва яллиғланган нерв 1% новокаин ёки 70% спирт билан блокада қилинади.

МАВЗУ: БУЙИН СОХАСИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ ВА ОПЕРАТИВ

ЖАРРОХЛИГИ.

Р Е Ж А :

1. Чегаралари, сохаларга булиниши.
2. Буйин фасциялари, фасциялараро бушликлари ва қалталари.

3. Тил ости суяги усти сохасига.
4. А) Жаг ости, жаг ости ва Пирогов учбурчаклари.
- Б) Уйку учбурчаги. Умумий уйку артериясини очиш.
4. Тил ости суяги пастки сохаси.
- А) Буйин аъзоларининг топографияси
(хиккилдок,халкум,кекирдак,кизилунгач, калконсимон беги).
- Б) Трахеотомия ва трахеостомия (юкори ва пастки).
- В). Буйинда кизилунгачни очиш.
- Г) Калконсимон без резекцияси (Николаев ва Кохер усуллари).
5. Туш-умров-сургичсимон мускул сохаси.
- Вишневский усули буйича вагосимпатик блокада килиш.
6. Буйин ён учбурчагининг топ-си.
- А). Кукрак-тропечиясимон ва кукрак-умров учбурчаги.
- Б).Симпатик поя ва диафрагма нервининг топ-си.
- В). Умуртка-норвонсимон учбурчаги.
7. Кургазмали куроллар: таблицалар, муляжлар, слайдлар, маруза матни.

Буйин сохаси бош сохасидан пастки жагни пастки кирраси, ташки эшитув йули ,юкори буйинтурук чизиги ва ташки энса думбоги билан:кукррак кафасидан туш уйиги,умров суяги курак суягининг акромил суягидан У11 чи буйин умурткасини уткир усигига утказилган чизик билан чегараланади.

Ташки белгилари урта кисмда купрок эркакларда калконсимон тогайини буртиб чиккан кисми (Адам олмаси), пастки кисмида туш уйиги,умров усти чукурчалари, бош бурилганда туш-умров сургичсимон мушагининг контури озгин кишилар ва аёлларда тери ости веналари куриниши мумкин.

Буйин сохаси тил ости суяги ёрдамида юкори ва пастки кисмларга , туш-умров-сургичсимон мускули оркали урта ва ён учбурчакларга булинади.

БУЙИН ФАСЦИЯЛАРИ ВА ФАСЦИЯЛАРАРО БУШЛИКЛАРИ.

В.Н.Шевкуненко буйича буйинда 5 та фасция тафовут килинади.

1. Буйини юза фасцияси бутун тана юза фасциясининг давоми хисобланиб юкоридан юз пастдан кукракни юза фасцияларига давом этади.Бу фасция тери ости мушагига кин хосил килиб узидан терига караб тусиклар жунатади.Шу тусиклар тери остидаги веналар деворига бириккан булади.Вена деворлари тусикларга бирикканлиги туфайли жаррохатларда ёки операцияларда пучаймайди.Буйин сохаси кук кафасига якинлиги сабабли вена деворининг ичига хаво сурилади ёки тери ости эмфиземаси юзага келиши мумкин.Шу сабабли операцияларда куринган тери ости веналарини чекага суриб куйиш ёки иккита лигатура орасидан кесилади.
2. Буйин хусусий фасциясининг юза вараги.Бу фасция буйин умурткаларининг уткир усулидан бошланиб олдинга юналиб трапечиясимон мушагига кин ясайди ва туш – умров-сургичсимон мушагининг орка кирраси ва иккига булиниб унга кин ясайди ва олдинги кисмида яна кушилади .Мушакни пастки кисмида Груберни кур

халтасини хосил килади бу фасция жаг ости сохасида жаг ости безига кин ясаб пастки жагни киррасига бирикади.Пастдан бу фасция туш ва умров суякларининг олдинги юкори киррасига бирикади.Урта яъни буйин ок чизиги сохасида 3 чи фасция билан кушилиб шу чизикни хосил килади.

3. Буйин хусуий фасциясининг чукур вараги.Трапеция шаклига эга булиб,юкоридан тери ости суягидан бошланиб пастдан туш ва умров суякларининг юкори орка киррасига бирикади.Ташкаридан курак – тил ости мушагини урайди ва тил ости суягидан пастки мушакларга:туш-тил –ости туш-калконсимон,туш-тил-ости мушакларига кин ясайди.Бу фасция буйин урта чизигидан 2чи фасция билан бирикиб ок чизикни хосил килади.

Бу фасциялар туш уйиги сохасида ажрашиб 2чиси суякларни олдинги юзасига 3чи фасция орка юзасига бирикиб туш усти апоневрозлараро бушлигини хосил килади.

4чи фасция буйин ички фасцияси.Бу фасция икки варагдан тузилган: париетал ва висцерал .

Париетал оралиги буйинни умуман ёпиб кон-томир нервларига кин ясайди.Висцерал вараги эса буйин аъзоларига алохида-алохида кин ясайди.

5чи фасция умуртка олди фасцияси калла асосидан бошланиб орка кукс оралигига давом этади.Умуртка олдини ёпиб буйин ва каллани узун мушакларига кин ясаб ён томонга йуналиб норвонсимон мушакларига умров ости кон-томир нервларига кин ясайди.Умров суягининг оркасида суякка караб варак йуналтиради ва умров усти ва ости сохаларини бир-биридан ажратиб туради.

ФАСЦИЯЛАРАРО БУШЛИКЛАР ВА ХАЛТАЛАР.

Юкоридан айтиб утилгандек 2чи фасция туш-умров-сургичсимон мушагининг орка пастки кисмида Груберни кур халтасини хосил килади.Бу халтани оркадан 2чи фасция олдиндан мушак чегаралайди.Грубер халтасининг ичидан мушакка борувчи кон-томирлар утади.Шу кон-томир йуллари оркали бу халта 2чи ва 3чи фасциялар орасида хосил булган туш усти апоневрозлараро бушлиги билан алока килади.Йирингли жараёнлар иккала бушликка таркалиб ёкасимон куринишга эса булади.

2 чи фасция жаг ости безига кин ясаб жаг ости халтасимон хосил килади.

4 чи фасциясининг париетал ва висцерал варакларининг орасида висцерал олди бушлиги мавжуд.Бу бушлик кекирдик олдинги давом этади ва кекирдик олди бушлиги дейилади.Йиринг бу бушлик оркали кукрак сохасига утиши мумкин.

Шу фасциясининг париетал вараги кон-томирлар атрофида кон-томир бушлигини хосил килади.Бу бушликдаги йиринг кон-томир йули оркали юкоридан мия асосига пастдан олдинги кукс оралигига давом этиши мумкин.

4 чи ва 5 чи фасцияларининг орасида висцерал оркаси бушлиги мавжуд булиб бу сохадаги йиринг умуртка погонаси буйлаб калла асосига пастдан эса орка кукс оралигига икки ёндан 5 чи фасция буйлаб умров сохасига йуналиши мумкин.

БУЙИН ФЛЕГМОНАЛАРИНИ ОЧИШ.

Буйин сохасининг флегмоналари фасциялараро бушликлар ва халталар орасида хосил булади.

Флегмоналарни очиш учун маҳаллий инфилтратив огриксизлантиришдан фойдаланиб тери кесими уни анатомик бурмаларининг йуналиши, кон-томир нервларга параллел ва мушак толаларига ҳам параллел йуналишда утказилиши керак.

Жаг ости флегмоналари купинча жаг ости беи кинида булиши мумкин. Буни очиш пастки жаг киррасидан 1-2 см пастрок ва унга параллел кесим утказилади. Тери, тери ости ёг тукумаси кесилиб уни остида жойлашган юз нервининг пастки жаг шохи сурилиб буйинни 1 чи фасцияси ва тери ости мушаги кесилади, кейин 2 чи фасция кесилади.

Йиринг бушлиги йирингдан тозаланиб дренаж урнатилиб тери тикилади.

Кон-томир кини флегмоналари туш-умров – сургичсимон мушагининг орка ва ички кирралари буйлаб кесилади.

Тери, тери ости тукумаси 1 чи фасция тери ости мушаги ва мушак кини кесилгандан кейин йиринг учогига утмас йул оркали кириб борилади. Кон-томир кини эхтиёткорлик билан очилади.

Агар йирингли жараён таркалган ҳолатида булса, де Кервен ва Кютнер усуллари буйича кесим утказилади.

Де Кервен буйча тери кесими туш-умров-сургичсимон мушагининг ички кирраси буйлаб пастга караб кесилиб кейин умров суягига параллел ҳолда трапециясимон мушагининг олдинги киррасигача давом эттирилади.

Каватма-кават очилиб тери ости венаси иккита лигатура орасида кесилади. Туш-умров-сургичсимон мушаги умров суягидан 2-3 см юкоридан кесилиб иккита учи лигатурага олинади.

Кон-томир кини тарновсимон зонд ва скалпел ёрдамида кесилиб ички буйинтурук венаси ҳам иккита лигатурани орасидан кесилади. Йиринг учоги тозаланиб дренаж урнатилади. Мушакни учлари узаро тикилиб терига чоклар куйилади.

Кервен усули буйича кесим пастдан юкорига йуналиб, сургичсимон усимта чуққисидан пастрогда ташкарига яъни бурчак остида кесилади. Операциянинг қолган босқичи де Кютнер операциясидан давом эттирилади.

Ретровисцерал флегмоналари чап туш-умров –сургичсимон мушагининг олдинги кирраси буйича очилади.

Каватма-кават кесилиб кон-томирлар ташкарига, калконсимон беи ичкарига суриб куйилгандан кейин йиринг соҳасига утмас йул оркали кириб борилади. Баъзан калконсимон без артерияси ёки венасини боғлаш мумкин. Йиринг бушлиги тампонлаб дренаж урнатилади.

Беморни оёқ қисми кутарилган операцион столда операция утказилади ва операциядан кейин маълум вақт столда қолдирилади. Бундай ҳолат йирингни пастга яъни куқс оралигига утишига йул бермайди.

Превисцерал бушлиги флегмоналари қундаланг равишда туш дастасининг устидан иқкала туш-умров-сургичсимон мушакларининг орасидан кесилади. Тери, тери ости тукумаси юза фасция ва тери ости мушаги кесилгандан кейин олдинги буйинтурук венаси ва веноз ёйи чеккага суриб куйилади. Буйинни 3 чи фасцияси ва уни остидаги мушаклар утмас ҳолда ажратилиб 4 чи фасциясининг париетал вараги кесилади ва йиринг бушлиги тозаланиб дренаж урнатилади.

ТИЛ ОСТИ СУЯГИ УСТКИ СОХАСИГА.

Чегаралари: Юкоридан-пастки жаг кирраси , пастдан - тил ости суяги танасидан утказилган чизик, икки ёндан – туш -умров-сургичсимон мушакларининг ички кирралари.

Бу сохада жаг ости, жаг ости ва Пирагов учбурчаклари тафовут килинади.

Жаг ости учбурчаги –юкоридан-пастки жаг кирраси, пастдан ва олдиндан-икки коринчали мушагининг олдинги ва орка коринчалари билан чегараланади.

Териси юпка, эркакларда тук билан копланган, тери ости ёг тукумаси сийрак. Уни ичида юз нервининг буйин ва пастки жаг шохчалари жойлашади.

Буйинни биринчи фасцияси ва тери ости мушагининг остида 2 чи фасция ётади. Бу фасция икки варакака булиниб жаг ости сулак безига кин ясайди ва уни иккала варакалари пастки жагни жаг-тил ости чизигига бирикади. Безни юкори кирраси суяк усти пардасига тегиб туради. Без нафакат бушликни тулдиради баъзан узининг илмоксимон усиги оркали чикарув йули билан тил ости бушлигигача бориб жаг-тил ости ва тил ости- тил мушакалрининг ичига киради. Шунинг учун йирингнинг шу сохаларга таркалиши кузатилади.

Жаг ости сулак бези кулок олди безидан фарки унинг кобиги без ичига тусиклар бермайди ва без кобигидан осонликча ажралади. 2 чи фасциясининг юза варагининг остида юз венаси ётади ва бу венага пастки жаг оркаси венаси кушилади.

Юз артерияси без бушлигидан ётиб пастки жагни киррасидан утади. Артериядан жаг ости артерияси чикади.

Танглай безчаларини олиб ташлашдан купрок юз артерияси жарохатланади. Чунки жаг ости учбурчагидаги бу артерия бурилиб жаг ости безини юкори ички кирраси буйлаб халкумга якин утади.

Жаг ости учбурчагининг тубида Пирогов учбурчаги мавжуд. Бу учбурчакни юкоридан – тил ости нерви , оркадан – икки коринчали мушагининг орка коринчаси, олдиндан-милохиоидеус мушаги чегаралайди. Уни тубида хиоглозус мушаги ётади. Мушакни остидан эса тил артерияси устида венаси жойлашган. Учбурчак тил жарохатларида артерияни боглаш учун ахамиятга эга.

Ияк ости учбурчаги икки ёндан икки коринчали мушак, пастдан тил ости суяги билан чегараланади.

2 чи фасция ва жаг-тил ости (М.милохиоидеус) мушакларининг орасида 1-2 лимфа тугунлари булиб, уларга тил учидан, огиз бушлигининг урта кисми ва пастки лабни урта кисмларидан лимфа куйилади.

Жаг-тил ости мушаги уртага йуналиб чокни хосил килади. Бу мушакни остида ияг-тил ости (м.гениохиоидеус) мушаги уни остида эса ияг-тил (гениглозус) мушаги ётади.

Ияг-тил мушагининг оркаси ва ташкаридан тилости-тил (хиоглозус) мушаги жойлашиб уни устида сулак бези ва тил ости нерви ётади.

Нерв ияг-тилости ва тилости-тил мушакларининг оркасидан ичкарига кирради. Без ва ияг-тил мушакларини остида огиз бушлигининг шиллик пардаси коплайди.

Юз артериясидан чикувчи ияг ости артерияси икки коринчали мушакни олдинги коринчаси ва милохиодеус мушакларининг орасидан нерв билан бирга ияг остида утади. Нерв пастки альвеоляр нервни шохи хисобланади.

УЙКУ УЧБУРЧАГИ .

Юкоридан – икки коринчали мушагининг орка коринчаси , пастдан-курак-тилости, оркадан-туш-умров-сургичсимон мушаклари чегаралайди.

Учбурчак сохасининг териси юпка , тери ости тукимаси буйинни 1 чи фасцияси тери ости билан, 2 чи фасцияси ва 4 чи фасциясининг париетал вараги жойлашади. Бу сохада 3 чи фасция булмайд. 4 чи фасциянинг париетал вараги буйин кон-томир нервига кин ясайди. Кон-томир нервлари умумий уйку артерияси , ички буйинтурук венаси ва сайёр нервдан иборат.

Кон –томир нервлар бир-бирига нисбатан ичкаридан-артерия, ташкарида-вена, уларни ораси ва чукурда нерв жойлашган.

Умумий уйку артерияси 54% холда калконсимон тогайини юкори киррасида, 29% холатларда тил ости суяги катта канотларининг рупарасида ички ва ташки тармокларига булинади.

Артериянинг булинган жойида каротид думбокча мавжуд булиб уни ичида каротид синус (кенгайган кисми) булади.

Бу жойга сайёр, симпатик ва тил-халкум нервларининг толалари боради. Каротид синус рефлексоген зона хисобланиб хемо , бара ва термо рецептолар билан таъминланган .

Шанкинъясе думбокчаси У1 чи буйин умурткасидан жойлашган булиб умумий уйку артериясининг жарохатида вактинча кон тухтатиш шу думбокчага артерия босилади.

Ички уйку артерияси буйин сохасида тармоklar бермайди ва ташкига нисбаттан ташкарирок ва чукуррогда жойлашади.

Ташки уйку артерияси ичкига нисбаттан ичкари ва юзарокда жойлашиб узидан куйидаги тармоklarни беради: а) юкори калконсимон: б) тил; в) юз; г) энса ; д) кулокни орка; е) кутарилувчи халкум ва х.к. артериялари.

Сайёр нерв уйку учбурчагининг юкори кисмида ички уйку артерияси ва ички буйинтурук венасининг орасида, пастки кисмида эса умумий уйку ва ички буйинтурук веналарининг орасида жойлашади.

УМУМИЙ УЙКУ АРТЕРИЯСИНИ ОЧИШ .

Бу артерияни бутун йуналиши буйилаб очиш мумкин лекин купрок уйку учбурчаги сохасидан очиш маъкулрокдир.

Тери кисми калконсимон тогайининг киррасидан пастга (5-6 см узунликга) туш-умров-сургичсимон мушагининг олдинги кирраси буйича утказилади.

Тери, тери ости тукимаси, тери ости мушаги ва 1 чи фасция хамда туш-умров-сургичсимон мушагининг кини кесилиб чегага сурилади.

Курак-тил ости ва туш-умров-сургичсимон мушаклари кесишганидан бурчакда ички буйинтурук венасининг сояси куринади.

Баъзан бу сохада буйин тутамининг юкори шохи утиши мумкин. Шу нерв чегага суриб куйилгандан кейин кон томир кини тарповсимон зонд ёрдамида

кесилади. Вена томонидан артерияни остига Дешан игнаси ёрдамида иккита лигатура утказилиб боғланади. Артериядан нерв тутамлари фаолиятни йук қилиш учун лигатуралар орасидан кесилади.

Натижада бош миёга боровчи қузғалаш жараёни тўхтатилади ва миёга боровчи артериялар қисилмайди (спазм).

Миё кон айланиши нормада саклаб туриш учун баъзан ички бўйинтурук венаси ҳам бирга боғланади.

Артерия боғлангандан кейин кон айланиш қарши томондаги артерия, умуртка артерияси ва юз артерияларининг тармоқлари ҳисобига тикланади.

Умумий уйқу артериясини боғлаш натижасидан миё қисмларининг функцияси бўзилиши мумкин, 30% ҳолларда эса улимга олиб келади.

ТИЛ ОСТИ СУЯГИ ПАСТКИ СОҲАСИ.

Чегаралари юқоридан-тилости суюғи, пастдан-туш йуғи, икки ёндан- туш-умров-сурғичсимон мушағи.

Териси юпка ҳаракатчан тери ости туқимасида бўйинни юза веналари ётади. 1-чи фасция тери ости мушағига қин ясайди. 2 ва 3-чи фасциялар урта қизикда бирлашиб ок қизикни ҳосил қилади. Кейин 3-чи фасция ураган мушаклар, 4-чи фасциянинг париетал ва висцерал варақлари уларни остида бўйин аъзолари жойлашади.

Х И К К И Л Д О К .

3-та жуфт ва учта тоқ тоғайлардан тузилган аъзо бўлиб 1У-У1 бўйин умурткаларининг орасида жойлашган.

Жуфт тоғайлари - чумичсимон, шохсимон ва понасимон.

Тоқ тоғайларига – узуксимон, қалқонсимон ва хикқилдок усти (эпиглотик) тоғайлари қиради. Бу тоғайлари пардалар орқа бир-бирига бирикади.

Хикқилдок асосини узуксимон тоғайи (криксидеа) ҳосил қилиб у қалқонсимон тоғай билан узук қалқонсимон бойлами билан бирикиб туради.

Уни учта қисми мавжуд: 1;юқори ёки қириш (вестибулум ларингис) овоз бойламларигача бўлган қисми; 2 бойламлараро қисми (регис глотика); 3 пастки бойлам ости (рег.субглотика).

Хикқилдок қундаланг қесмасида қум соати шаклига ухшаш бўлиб овоз бойламларига қенгайган, бойламлар соҳасида торайиб кейин яна қенгаяди. Уни ён деворларида Морганье қоринчалари бўлиб улар йуқори қисмида қур ҳалта қаби тугайди.

Хикқилдокни олдидан тил ости суюғидан пастдан жойлашган мушаклар ва қалқонсимон без бўйинчаси ёпиб туради.

Икки ёндан бўйин қон-томир нерви, қалқонсимон без булақлари чап томондан яна қизилунгач, орқадан ҳалқум, пастдан эса кеқирдақ билан чегараланади.

Хикқилдок юқори ва пастги хикқилдок артериялар орқали қон билан таъминланади. Бу артериялар қалқонсимон беzi артерияларидан чиқади. Иннервацияси юқори ва пастки хикқилдок нервлари орқали иннервацияланади.

Юкори хиккилдок нерви сайёр нервдан чикиб уни шиллик кавати ва узук-калконсимон мушагини иннервациялайди.

Пастки хиккилдок нервлари кайтувчи нервлар булиб, унинг кайтувчи нерв умров ости артерияси соҳасида сайёр нервдан чикиб артерияни остидан ва оркасидан кесиб юкорига йуналади ва кекирдакни оркасидан хиккилдока утади.

Чап кайтувчи невр чап сайёр нервдан аорта ёйи соҳасида ажралиб аорта ёйини пастдан ва оркасидан эгиб, юкорига кутарилади. Кейин кекирдак ва кизилунгач эгатидан утади.

Бу нервлар асосан пастки кисми шиллик пардаси ва овозбойламларини иннервациялайди.

Кайтувчи хиккилдок нервлари пастки калконсимон без артериялари олдиндан ёки оркасидан кесиб утади.

К Е К И Р Д А К .

Буйин кисми 6-8 ярим халкали тоғойдан тузилган булиб, улар узаро халкалараро парда билан бирикади. Склетотопияси У1 буйин умурткасидан 2 кукрак умурткасигача давом этади. Бошни оркага ташлаганда буйин кисмининг халкалар сони купайди.

Кекирдакни олдиндан калконсимон беги буйинчаси ва мушаклари ёпиб туради. Оркасида кизилунгач жойлашган. Халкаларнинг орка кисми парда оркали бириккан ва шу пардалар кизилунгачдан сийрак билан силжийди.

Икки ёндан кекирдан буйин кон-томирларига тегиб туради. Кекирдакни буйин кисми пастги калконсимон артериялари оркали кон билан таъминланади. Иннервацияси хиккилдок нервлари ёрдамида иннервацияланади.

КАЛКОНСИМОН БЕЗ .

Калконсимон беги иккита булак ва уларни кушувчи буйинкисмидан тузилган. Буйин кисми кекирдакни 2-3 ёки 3-4 тоғойларини устида ётади. Баъзан 1/3 ходисаларда уни пирамидалар булаги мавжуд булиб, буйин кисмидан чиқади ва йукорига караб йуналади. Пирамидалар булаги ҳамма вақт буйин кисмидан чикмай баъзан булаклардан чиқиш мумкин.

Калконсимон безининг иккита кобиги мавжуд. Ташки кобиги 4 фасциянинг висцерал варагидан тузилаган. Хусусий кобиги беги ичига тусиклар жунатади. Иккита кобигларининг орасида сийрик тукима булиб уни ичида кон-томир нервлари тармоқларга булинади. Бундан ташқари у уни ичида калконсимон олди безчалари жойлашган.

Беги олдиндан 4 фасцияни париетал вараги ва буйин мушаклари уни булаклари умумий уйку артериянинг ва ички буйинтурук венасига тегиб туради. Чап томондан яна кизилунгачга тегиб туради. Без буйинчасининг оркасида кекирдак халкалари ётади.

Без калконсимон беги артериялари ёрдамида кон билан таъминланади.

Юкори калконсимон артериялари ташки уйку артериясидан чикиб пастга йуналади. Пастки артериялари эса буйин-калконсимон артерия тутамидан чиқади. Баъзан 7% холларда қушимча артерияси булиб у аорта ёнидан чиқади. Вена

томирлари веноз хосил қилади. Буйин чигали, симпатик поя ва сайёр нервлар оркали иннервацияланади.

ХАЛКУМ (ФАРИНГИС).

Склетотопияси – калла асосидан У1 чи буйин умурткасигача давом этган булиб 3 та қисми тафовут қилади.

1. Эпифарингс (бурун-халкум) гумбаздан каттик танглайгача;
2. Мезофарингс (оғиз қисми) каттик танглайдан тил ости суягигача;
3. Гипофарингс (хиккилдок қисми) тил ости суягидан кизилунгачганча.

Хиккилдокни кириш қисми, яъни чумичсимон-хиккилдок усти бурмасида ноксимон чуқурчалари мавжуд. Бу чуқурчаларни тубида шиллик каватнинг бурмалари булиб, уни ичидан юкори хиккилдок нервлари утади.

Халкум деворларига лимфа туқималарининг туплами жойлашиб, уни Пиригов-Вальдейер халқаси дейилади.

Халканинг таркибига: 1) танглай безчалари; 2) бодонча безлари; 3) пай (труба) безлари қиради.

Синтопияси халкум оркадан-буйинни ухун мушаклари ва буйин умурткаси, олдиндан-хиккилдок, икки ёндан-калконсимон без булаклари ва умумий уйку артерияси, пастдан - кизил–нғач билан чегараланади.

Кон билан тушувчи ва кутарилувчи танглай, юкори ва пастки калконсимон артериялари тармоғи таъминланади. Иннервациясида сайёр, тилхалкум ва симпатик нервлари катнашади.

К И З И Л У Н Г А Ч .

Кизилунгач халкумни бевосита давоми ҳисобланиб, узуксимон тоғайининг орқасида У1 чи буйин умурткасининг рупорасидан бошланади.

Унинг бошланиш қисми олдинги тишлардан 15 см пастдан жойлашади. Кизилунгачни буйин, кукрак ва корин қисмлари мавжуд.

Буйин қисми уртача 4-6 см булиб, кукрак кафасининг юкори қисмида кукрак бушлигига утади. 3 та торайган ва 2 та кенгайган қисмлари мавжуд.

1. торайган қисми бошланиш қисмида булиб, 1,5 см диаметрға тенг.

2. торайиши кекирдак бифуркациясидан (1У кукрак умурткаси).

3. торайиши диафрагмадан утиш тешигида.

Кенгайган қисмлари: юкориги кенгаймаси - 1 чи ва 2 чи, пастки кенгаймаси –2 чи ва 3 чи торгайган қисмларининг ораларида ҳосил булади.

Кизилунгач бошланиш қисмидан кейин чап томонга эгилиб кекирдакни орқасидан чапга утади. Кейин яъни аста унға бурилиб кекирдак орқасида жойлашади.

Уни чапга эгилиши сабабли буйин соҳасидан чап томондан очиш мумкин.

Чап томонда кизингач ва кекирдак орасида энап ҳосил булиб ундан чап қайтувчи хиккилдок нерви утади. Бу нерв кизилунгачни олдида ётади. Унинг хиккилдок нерви кекирдакни орқасида кизилунгачни сал ташқари роғдан утади.

Кекирдак-кизилунгач эгати пастки қисмини пастки калконсимон артерияси кесиб утади. Шу сабабли кизилунгачни чап томондан очиш даврида қайтувчи хиккилдок нерви ва пастки калконсимон артерияларни эҳтиётлаш керак.

Кизилунгачни оркасида умуртка орасида тукима бушлиги булиб, у юкоридан халкумгача пастдан орка кукс оралигига давом этади. Кизилунгачни юкори кисмининг икки ёнида калконсимон без булаклари, пастрокда эса умумий уйку артериялари утади. Унинг артерия кизилунгачдан 1-1,5 см, чапи 0,3-0,5 см ташкарида ётади.

Кизилунгачни буйин кисми пастки калконсимон без артерияларидан кон олади. Иннервацияси сайёр нервлар ва симпатик поядан иннервацияланади.

Лимфа суюклиги кекирдак-кизилунгач эгатчани ва буйинни чукур лимфа томирларига куйилади. Чап ички буйинтурук ва умров ости веналарининг кушилиш жойида катта лимфа тугуни мавжуд булиб, бу тугун кизилунгачни пастки ва меданинг бошланиш кисми усмларида кенгайи шишади.

ТРАХЕОТОМИЯ ВА ТРАХЕОСТОМИЯ .

Трахеотомия – кекирдакни кесиш.

Трахеостомия-сунъий окма хосил килиш.

Курсатмалари юкори нафас йулларига ёт жисмлар тушиши, дифтерия натижасида кисилиб қолиши, хиккилдок раки, упка , плевра ва кукс оралиги аъзоларида операциялар утказиш.

Трахеостомиянинг икки хили тафовут килинади (юкори ва пастки)

Бемор орка билан ётказилиб боши оркага эгилган. Тери кесими калконсимон тогай сохасида урта чизик буйлаб узунасига ёки кундаланг равишда утказилади. Тери, тери ости тукимаси 1 чи , 2 чи, 3 чи, фасциялар кесилиб, тил ости суяги остида жойлашган мушаклар чекага суриб куйилади. Калконсимон безининг буйнчаси юкори трахеостомия пастга, пастки трахеостомияда юкорига сурилади.

Кекирдак бир тишли уткир илмок ёрдамида ушланиб юкори трахеостомияда кекирдакни 2-3 см халкалари, пасткисида 4-5 чи халкалари кесилади. Кекирдак халкаларини 1 смдан чукур кесмаслик зарур. Акс холда уни орка деворини кесиш мумкин. Бундан ташкари 1 смдан кам кесмаслик керак. Кекирдак халкаси 1 смдан кам кесилса, уни шиллик кавати кесилмай қолиб, асфиксияни вужудга келиши кузатилади.

Кекирдак очилгандан кейин ичига трахеостомик пайча урнатилиб жарохат каватма-кават тикилади.

Трахеостомия операциясида бир неча асоратлар юзага келиши мумкин.

1. Иккита халкадан зиёд кесилса, канюла ва очилган тешик орасида очик жой қолиб ше ердан хаво сурилади. Натижада тери ости эмфиземаси юзага келади. Агар иккитадан кам халка кесилса канюла деворини кекирдак халкалари ва у некрозга учрайди.

2. 1 смдан чукур кесилса кекирдакни орка деворини кесиб куйиш мумкин, 1 смдан юза кесилса шиллик кавати кесилмай қолади ва канюла уни устида қолиб асфиксия юзага келади.

3. Кон томирлардан оқаётган кон тухтатилмаса кекирдак ичига куйилиб яна асфиксия чакиради.

КИЗИЛУНГАЧНИ ОЧИШ ОПЕРАЦИЯСИ .

Курсатмалари кизилунгач жароҳатлари, ёт жисмлар тушиши. Бемор орка билан ёткизилиб елка остига ёстик куйидалари ва буйин унғ томонга этилади.

Тери кесими чап туш-умров –сургичсимон мушагининг ички кирраси буйлаб туш йугидан калконсимон тоғайигача утказилади.

Тери ости туқимаси, 1 чи фасция ва тери ости мушаги кесилади. Уларни остида жойлашган буйинни олдинги ва урта веналари чекага сурилади ёки иккита лигатура орасидан кесилади.

Туш-умров- сургичсимон мушагининг олдинги кини, кейин орка кини кесилиб мушак чекага тортилади ва 3 чи фасция ҳамда 4 фасциянинг париетал вараги кесилади. Кизилунгачга кенгрок кириб бориш учун курак тил ости мушагини ҳам кесиш мумкин. Бу мушакни кесишдан олдинги уни иккита лигатура билан тикиб кейин орасидан кесилади.

Кейинчалик мушак учлари шу лигатуралар ёрдамида тикилади.

Умуртка олди фасцияси очилиб, шу ердан утувчи пастки калконсимон артерияси иккита лигатуралар орасидан кесилади. Кейин шу соҳада, яъни кекирдак- кизилунгач эгатидан утувчи чап кайтувчи хиккилдок нерв топилиб эҳтиёдорлик билан чекага суриб куйилади.

Кизилунгач очилгандан кейин агар ёт жисм тикилиб қолган бўлса, дока тасмачаси ёрдамида кизилунгач чиқарилиб узунасига уни девори кесилади ва ёт олингандан кейин кизилунгач девори икки қават чок ёрдамида тикилади.

Агарда кизилунгач жароҳатлари туфайли оперция утказилаётган бўлса, бундан кизилунгач тешигининг пастки қисмига зонд куйилиб юқори қисмига тампон урнатилади. Тери жароҳати очик қолдирилади ёки бир неча чок куйиш мумкин.

Кейинчалик кизилаунгачга куйилган зонд бурун орқали урнатилган зонд билан алмаштирилади. Натижада зонд атрофида чандиклар ҳосил бўлиб кизилунгач жароҳати битиб кетади.

КАЛКОНСИМОН БЕЗ РЕЗЕКЦИЯСИ (струмэктомия).

Курсатмалари тугунлиги ёки диффузли тиреотоксик буқок касаллиги, безни ҳавфли усмалари.

Бемор орка билан ёткизилиб елка остига ёстик куйилади. Без операцияси техник жихатдан жуда қийин операция ҳисобланади, лекин операция маҳаллий инфилтратив огриксизлантириш остида олиб борилади. Чунки пастки калконсимон артериялари кайтувчи хиккилдок нервлари билан кесишади. Шу нервлар бир томонлама жароҳатланса афония (овоз дуррилаб чиқади), икки томонлама жароҳатланса асфиксия юзага келади. Шу асоратларни олдини олиш учун бемор ва жарроҳ ҳамма вақт мулоқотда бўлиши зарур.

Без операциялари О.В.Николаев ва Кохер усуллари бўйича (субтотал, субкапсуляр) утказилади.

Тери кесими буйин қундаланг бурмаси бўйича туш уюгидан 1-1,5 см юқорироқда ёқасимон шаклида утказилади. Тери ости туқимаси, 1 чи фасция тери ости мушаги билан, 2 чи фасция кесилиб, шу соҳадаги буйинни уни остидаги веналари чекага сурилади. Кейин 3 чи фасция очилиб, уни остидаги мушаклар

утмас илгаклар ёрдамида кенгайтирилади. Агар без жуда катталашган булса бунда тилости-туш ва туш калконсимон мушаклари кундалангига кесилади.

Без очилгандан кейин ичига 10 мл-гача 0,25%-ли новокаин эритмаси юборилади. Новокаин нерв тутамларини блокада қилиб безни жарохатга чиқариш учун осонлаштирилади.

Кохер усули бўйича калконсимон без артерияларини асосий тармоқлар боғланиб субтотал ва субкапсулар розекция уилинади. Бунинг натижасида калконсимон олди безчалари жарохатланади ёки артерияларнинг асосий пояси боғлангандан кейин безчаларининг кон билан таъминланиши бузилади.

О.В.Николаев усули бўйича артерияларнинг асосий поялари боғланмайди. Бунинг учун без паренхимаси кесилиб, кесилган томирларга туқималар биргалигида қисқич қуйилади. Шундай қисқичлар 30-40 тагача қуйилиши мумкин.

Безни орқа қисми препаратка усулида кесилиб 3-6 гр хажми қолдирилади. Бунинг натижасида калконсимон олди безчалари сақлаб қолинади ва кейичалик тетания (калтираш) асоратини юзага қилишининг олди олинади. Без резекция қилиниб олгандан кейин қуйилган қисқичлар бирин-кетин лигатура билан боғланиб олинади.

Натижада калконсимон олди безчалари ва уларнинг артериялари ҳам сақланиб қолади.

Без урни новокаин билан тозалаб ювилиб, ташки қобиги бирлаштириб тикилади. Жарохатни кейинги қаватлари ҳаи қаватма-қават аввал новокаин билан ювилиб кейин тикилади. Жарохатга резинали пайча қуйилиб териси узлуксиз чоклар ёрдамида тикилади.

Асоратлари. Операция жараёнидаги асоратлари операцияни галат олиб бориш натижасида қуп кон оқишидан ташқари, калконсимон олди безчаларини ҳам олиб ташланади ва қайтувчи хиккилдок нервларини жарохатлаб қуйиш асоратлари юзага қилиши мумкин. Буларни олдини олиш учун операция жараёнида жуда нозик ҳаракатлар билан резекция қилиш, безни орқа қисмидаги (хавфли зона) соҳасида қайтувчи нервларни чекага суриб қуйиш, кон оккан томирларни қисқич билан тезлик билан қисиб қуйиш шартдир.

Хаво эмболиясининг олдини олиш учун хатто майда вена томирларини ҳам иккта лигатура билан боғлаб, кейин қесиш мақсадга мувофиқдир.

Баъзан безни жуда катта булганлиги сабабли бош бирданига орқага ташланса нафас олиш қийинлашади. Бунинг учун катталашган без тезлик билан жарохатдан чиқарилса нафас олиш нормага келади .

Струмэктомияда кейинги асосий асоратлари, бу операциядан кейинги « тиреотоксикоз» бўлиб унда беморда пулсини тезланиши температуранинг қутарилиши ва нотинчлик ҳолатлари қузатилади.

Бу асоратлари олдини олиш учун Николаев усули бўйича резекция қилиш жуда қулай ҳисобланади.

ТУШ- УМРОВ-СУРГИЧСИМОН МУШАГИ СОХАСИ.

Бу соҳа мушакни жойланиш жойига тугри қелиб, юқоридан сургичсимон усимтасигача, пастдан эса умров ва туш дастасигача давом этади.

Соханинг териси юпка, ҳаракатчан, сургичсимон усимта соҳасида мустаҳкам. Тери ости ёғ туқимаси юкори қисмида мустаҳкам уни остида 1чи фасция ва тери ости мушаги жойлашган. Тери ости мушаги кини ва 2чи фасциянинг орасида юзаги веналар ва нервлари ётади.

Венаси ташки буйинтурук венаси булиб, бу вена туш-умров-сургичсимон мушаги кинини олдиндан орқага, юкоридан пастка кесиб утиб кейин уни орқага кирраси буйлаб йуналади.

Тери ости нервлари мушакни урта қисмининг орқасидан (буйин чизикларидан галларидан) чиқади. Буйинни кундаланг нерви чиккандан кейин кундаланг йуналишда йуналади.

Буйин 2чи фасцияси мушакка кин ясайди. Мушакни буйин қушимча нервининг юза шохчаси иннервациялайди. Бу нерв мушакни орқа киррасидан ва уни урта қисмидан 1,5 см юкорироглан чиқиб 2чи фасциянинг остида куракни кутарувчи мушак устидан пастга йуналиб трапециясимон мушагининг олдинги киррасигача боради.

Мушакни остида буйин қон-томир нервлари (умумий уйқу артерияси ички буйинтурук венаси ва сайёр нерв) жойлашган.

Қон-томир нерв мушакни пастки қисмида уни туш ва умров оёқчаларининг орасида, урта ичкарида ётиб уйқу учбурчагига утади.

Умумий уйқу артерияси кини билан биргаликда умуртка олди фасциясининг устида ётади. Артериядан чуқурроқ ва 5 чи фасциясининг ичида симпатик нерви жойлашади.

СИМПАТИК НЕРВ.

Замонавий ҳисоботларига қура симпатик нервининг пояси 2/3 ходисаларда 4 та тугундан (юкори, урта, оралик, ва пастки) 1/№ ходисаларда эса 3 та тугунлардан тузилган.

Юкори ва пастки тугунлари доимий булиб, урта ва оралик тугунлар баъзан бўлмаслиги мумкин.

Буйин симпатик пояси буйин ва қалланнинг узун мушакларининг устида жойлашиб, 5 чи фасциянинг ичида ёки уни орқасидан утиши мумкин. Поянинг тугунларининг мавжудлиги в узаро қушилиши натижасида бу нервни осонликча ажратиб билиш мумкин.

Сайёр нервни симпатик нервдан ажратиб билиш учун сайёр нервининг топографияси муҳим роль уйнайди. Бу нерв 5 чи фасциянинг олдида жойлашиб осонлик билан қилжийди.

Симпатик нерви 5 чи фасциянинг орқасида ёки ичида жойлашади ва узаро бирикувчи тугунлардан тузилган.

Юкори буйин тугуни 5 фасциянинг олдида ва сайёр нервдан ичкарида жойлашиб, 2-3 буйин умурткасини кундаланг усули соҳасида ётади.

Урта тугуни У1 чи буйин умурткаси соҳасида пастки қалқонсимон артериясининг ёйига тегиб туради. Қупинча уни ёқорисида ётади.

Оралик тугуни умуртка артериясининг олдинги-ичи юзасида жойлашиб, У2 буйин умурткасининг рупарасига тугри келади. Б утугундан умуртка артериясини олдида ва орқасидан эгиб утувчи иккита шохчаси чиқади ҳамда тугунни пастки

тугун билан кушиб туради. Бундан ташкари оралик тугунидан умров ости артериясини эгиб утувчи шохчаси ҳам чиқади.

Пастки тугун. Бу тугун биринчи кукрак тугуни билан кушилиб юлдузсимон тугунини (ганглион стеллатум) ҳосил қилади. Юлдузсимон тугунининг куп қисмини умров ости артерияси ёпиб туради уни юкори чуккиси умуртка артериясига тегиб туради. Пастдан плевра гумбазини устида жойлашган.

Плевра гумбазига 5 фасция тортилиб ковурга-плевра ва умуртка-плевра бойламларини ҳосил қилади. Бу бойламлар юлдузсимон тугунини умров ости ва умуртка артерияларидан ажратиб туради.

Бу тугундан умуртка нерви ажралиб чикиб шу номли артериянинг орқасидан йуналади ва артерия билан бирга умуртка каналига қиради.

Симпатик нервнинг тугунлари қушувчи шохчалар ёрдамида буйин нервлари билан қушилган бўлади.

Нервнинг ҳар бир тугундакн юракка ва буйин аъзоларига шохчалар ажралади. Бундан ташкари сайёр нерв учун ҳам қушувчи шохчаси чиқади 2-1У чи буйин тугунларидан упкага шохчалар йуналади. Юкори тугундан уйку артериясининг нерви чикиб юкорига йуналади ва ички уйку артерияси ҳамда унинг тармоқларининг қузатиб боради.

Симпатик поянинг буйин тугунлари қуз олмасининг силлик мушакларини ҳам иннервация қилади.

ЧУКУР МУШАКЛАРАРО ОРАЛИК .

Туш-умров- сургичсимон мушагининг орқасида норвон-олди бушлиги ва норвон-умуртка учбурчаги мавжуд.

Норвон олди бушлигини орқадан –олдинги норвонсимон мушаги; олдиндан ва ичкаридан – туш – калконсимон ва туш-тил ости; олдиндан ва ташкаридан-туш-умров-сургичсимон мушаклари чегаралайди.

Олдинга ва урта норвонсимон мушакларининг орасида эса норвонлараро бушлиги мавжуд бўлиб, бу бушлик буйин ён учбурчаги соҳасида жойлашган.

Норвон олди бушлигида (ташкаридан искарига) пастки буйинтурук венаси, сайёр нерв ва уйку артериясининг бошланиш қисми жойлашган. Соҳанинг пастки қисмида умров ости венаси жойлашиб, бу вена ички буйинтурук венаси билан қушилади ва Пирогов веноз бурчагини ҳосил қилади. Бу веноз бурчагига яна кукрак лимфа йули ҳам қуйилади.

ДИАФРАГМА НЕРВИ .

Бу нерв асосан 1У буйин тутамидан ҳосил бўлади. Баъзан у 3 ва тутамидан ҳосил бўлиши мумкин .Бу нерв асосан диафрагмани иннервация қилади. Нерв олдинги норвонсимон мушагининг олдинги юзаси бўйича йуналиб мушакни юкоридан пастга, ташкаридан ичкарига қесиб утади. Кейин умров ости артериясининг олдиндан, (урта қисмидан) кукрак қасасига утади.

БУЙИН ЁН УЧБУРЧАГИ .

Чегаралари олдиндан- туш-умров-сургичсимон мушаги, орқадан-трапециясимон мушак, пастдан-умров суяги.

Тери юпка, харакатчан, тери ости ёг тукимаси сийрак уни остида 1 чи фасция ва тери ости мушаги жойлашади. 1 чи фасциянинг остида умров усти нерви ва ташки буйинтурук венаси ётади. Нерв буйин ён учбурчаги ва кукрак кафаси юкори кисмининг терисини иннервацияланади.

Ташки буйинтурук венаси туш-умров-сургичсимон мушагини юкоридан пастга, ичкаридан ташкарига кесиб, уни орка кирраси буйлаб пастга умров суягигача йуналади. Шу жойда фасцияни тешиб умров ости венаси билан кушилади.

Буйинни 2 чи фасцияси мустахкам булиб, сохани чегараловчи мушаклардан умров суягига тортилади.

3 чи фасция курак-тил ости мушагидан пастдан булади хосил.

Бу мушак буйин ён учбурчагини иккита учбурчакка (курак-умров ва курак-трапедиясимон) булади.

Курак-умров учбурчагида 3 чи фасциядан кейин тукима бушлиги мавжуд булиб, бу бушлик оркадан 5 чи фасция билан чегараланади.

Бу бушлик умров ости, норвонолди ва норвонлараро бушликлари билан алока килади.

Тукима бушлигининг ичида энг юза умров ости венаси жойлашади. Бу вена култик остидан келиб ёйининг факат юкори умров суягидан тепарокка чиқади ва норвонолди бушлигига юналади.

Учбурчак сохасидан бу вена ички буйинтурук венаси билан кушилиб, Пирогов веноз бушлигини хосил килади. Унга яна ташки ва олдинги буйинтурук ҳамда кукрак – акромиал веналари куйилади. Пирогов веноз бурчагига чап томондан кукрак лимфа йули, унг томондан эса унг кукрак йули куйилади.

Олдинги норвонсимон мушагининг оркасида норвонлараро бушлиги булиб, унда умров ости артерияси ва елка чигали жойлашади. Артерияни учта кисми тафовут килади: олдинги норвонсимон мушагигача, уни оркасида ва учун ташкари кисми ковурганинг ташки киррасигача.

Артериянинг биринчи кисмидан – умуртка, ички кукрак ва буйин-калконсимон; иккинчи кисмидан-ковурга –буйин; учинчи кисмидан эса-буйинни кундаланг артериялари чиқади.

Вишневский усули буйича вагосимпатик блокада утказиш. Блокада утказишнинг асосий плевропулмонал шокини олдини олиш ҳамда кукрак бушлиги аъзоларида утказиладиган мураккаб операциялар.

Туш-умров-сургичсимон мушаги ва ташки буйинтурук венасининг кесишган жойда ёки мушак урта кисмининг орка киррасидан курсаткич баромок билан умуртка поғонасигача юмшок тукималар босилади. Бунинг натижасида буйин кон-томир нерви ичкарига сурилади. Кейин бармокни у учидан теридан новокаинли лимон думбокчаси хосил килинади. Катта шприц ва узун игна ёрдамида думбокчадан ичкарига караб иган киритилиб, каватма-кават новокаин суюклиги йуборилади. Йуборилган новокаин босили таъсирида кон-томир, нервлар чекага сурилади. Игна умуртка поғонасига бориб такалгандан кейин 1-2 мм оркага тортилади. Кейин шприц игнадан олинади. Игнадан кон чикмагач 40-50 мл 0,25% новокаин бушликка йуборилади.

Йуборилган новокаин умуртка олди фасцияси буйича таркалиб сайёр, симпатик баъзан диафрагмал нервларини блокада килади.

Бунинг натижасида юз ва куз оксил пардасининг кизариши юзага келади. Баъзан Клод-Бернар-Торнер синдроми кузатилади. Бу синдром куйидагича курунишига эга: куз корачиги ва куз ёругини тораийши, куз олмасини ботиши.

МАЗЗУ: КУКРАК СОХАСИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ ВА ОПЕРАТИВ ЖАРРОХЛИГИ.

Р Е Ж А .

1. Кукрак кафаси.

А). Чегаралари, каватлари.

Б). Сут безининг топографияси. Маститлар.

В). Ковургалараро ораликни топографияси. Ковурга резекцияси.

2. Кукрак бушлиги.

А). Диафрагманинг топографияси .

Б). Плевранинг топографияси. Плевра пункцияси.

В). Упкала.

Г). Упка операциялари.

3. Кукс оралиги .

1. Олдинги куks оралиги аъзоларининг топографияси ва оператив жаррохлиги.

А). Юрак ва перикард.

Б) Кутарилувчи ва аорта ёйи.

В). Упка артерияси ва аорта ёйи.

Г). Юкори кавак вена ва диафрагмал нерв.

Д) Перикард пункцияси, юрак жарохатини тикиш, Баталов йулини боғлаш.

2. Орка куks оралиги аъзолари.

А) Тушувчи аорта.

Б). Кукрак лимфа йули.

Г). Кизилунгач.

Д). Симпатик нервлар.

Кукрак кафаси. Чегаралари: юкоридан-туш уйгидан умров суягининг юкори кирраси буйилаб курак суягининг акромиал усигига ва шу усигдан У2-чи буйин умурткасининг уткир усигига утказилган чизик; пастдан-тушни ханжарсимон ковурга ёйлари буйлаб Х2-чи курак умурткасига утказилган чизик ёрдамида чегараланади. Дельтасимон мушакларининг пастки кирраси ёрдамида кул сохасидан ажралиб туради.

Шуни айтиш жойзки курак кафасининг чегараси курак бушлигининг чегарасидан фарк килади. Кукрак бушлиги юкоридан буйин сохасига давом этади. Пастдан эса уни диафрагма чегаралайди. Диафрагма курак кафасининг ичига буртиб чикканлиги сабабли, кафасининг пастки кисми сохасидан корин бушлигининг аъзолари жойлашади.

Кукрак бушлиги аъзоларини (упка ва плевра) чегараларни аниклаш учун курак кафасида бир неча чизиклар утказиш жоиздир.

Урта чизик –туш суягининг уртасидан утказилади. Туш чизиклари- тушни урта чизигининг икки ёнидан. Туш олди (парастернамис)-туш суягининг икки ёнидан; урта умров чизиги (медиоклавикуларис) –умров суягининг уртасидан; Олдинги, урта ва орка култик ости чизиклари (аксиларис ант.пост.); Курак чизиги (скапуларис) –курак суягининг бурчагидан.

Умуртка олди (паравертебралис).

Сохасининг териси яхши ривожланган, туш суяги сохасидан юпка камхаракат. Тери ости ёғ тукумаси туш суяги сохасидан бошка кисмларда яхши ривожланган. Юза фасцияси яхши ривожланган булиб, бутун тана юза фасциясининг давоми хисобланади.Бу фасция умров суягига бирикади ва сут безини ураб олиб без учун кобик хосил килади.

Сут бези. Аёлларда сут бези 3-У2 чи ковургалар орасида туш олди ва олдинги култик ости чизиги уртасидан жойлашган. Юкорида айтилганидек кукракни юза фасция без сохасидан иккига булинади унга кин ясайди ва юкоридан умров суягига бирикади. Натижада сут безини тутиб турувчи бойлами (лиг.суспензориум мамариа) хосил булади.

Фасциядан без ичига караб тусиклар йуналиб безни 15-20 та радиар йуналган булакларга булади. Булаклар сут йуллари билан тугайди. Шундай йуллардан 2-3 таси кушилиб сургичга очилади. Сургич атрофида эса сут кули (синус лактефери) хосил булиб, алохида-алохида йулчалар сургичга очилади.

Безни кон билан таъминлашда ковургалараро артериялар, ташки кукрак ва ички кукрак артериялари катнашади.

Вена кони артерияларни кузатади. Тери ости веналари оркали эса буйин ва корин сохаси веналари билан кушилади.

Безнинг лимфа йуллари икки гурухга булинади. Тери ости ва паренхима ичи лимфа йуллари. Пастки ва ташки лимфа йуллари катта курак мушагининг ташки кирраси буйича йуналиб култик ости лимфа тугунларига куйилади. Шу йуллардан асосийси Зоргиус лимфа тугуни булиб бу тугун катта кукрак мушаги сохасидан 3 чи ковурга буйича йуналади. Зоргиус тугунлари сут безининг рак касаллигида биринчалардан булиб шишади ва метастаз шу тугунларга таркалади. Бу тугунлардан биосия материали олиш кулай.

Безнинг юкори сохаси лимфа йуллари умров ости тугунларига йуналади.Чукур лимфа томирлари эса ички кукрак артериясининг йуналиши буйлаб туш олди тугунларига куйилади.

Баъзан чукур каватдан лимфа чов сохаси, карама-карши томирлари ва диафрагма ости тугунларига куйилиши мумкин.

Без ковургалараро нервлар ва кукракни узун нерви шохчалари ёрдамида иннервацияланади.

Безни остида кукрак сохасининг хусусий фасцияси жойлашади.Бу фасция икки варагдан тузилган булиб катта кукрак мушаги учун кин хосил килади.Бу фасция туш суягининг суяк усти пардасига бирикади.

Фасция мушакни ичига толалар жунатиб уларни бир-биридан ажратиб туради ва мушакни ташки киррасида узаро бирикади. Кукракни пастки кисмида олдинги тишсимон ва корин ташки кийшик мушакларини хам ёпади.

Курак кафасининг олдинги юкори кисмида бу фасция кукрак-умров

(клавипекторалис) фасцияси дейилаб, у умров суяги ва кукракни тумшуксимон усимтасидан бошланади. Кейин умров ости ва кичик кукрак мушакларига кин хосил килиб 3-У чи ковургаларга бирикади. Бу фасция ташкаридан култик ости фасциясига давом этади.

Катта кукрак мушаги кукрак кафасининг бутун олдинги юзасини коплаб умров суягининг ички кирраси, туш суягининг У1-У2 ковургалар сохаси ва корин тугри мушагининг олдинги кинидан бошланиб елка суягининг катта думбогига бирикади. Бу мушакни остида кичик кукрак мушаги ва олдинги тишсимон мушаклари, улардан кейин эса ковургалараро мушаклар ва ковургалараро –оралик жойлашади.

Кукрак кафасининг кон-томир нервлар:

Олдинги тишсимон мушагининг ташки кирраси буйилаб кукракни ташки артерияси венаси ва узун кукрак нерви йуналади.

Артерия култик ости артериясидан чикади. Вена олдинрокда артерия эса венадан оркарокда жойлашади. Нерв эса кон-томирдан 1,5-2 см оркарокдан утади. Бу нервдан яна оркарокда н.торакодорзалис утади.

Ички кукрак артерияси – бу артерия умров ости артериясининг тармоги хисобланиб, бу туш суягининг икки ёнидан вертикал холда пастка йуналади. Ш-чи ковургадан юкорида бу артерия ички кукрак фасциясининг устида яъни ички ковургалараро мушаги ва ковургалар тогайининг орасида ётади. Ш-чи ковургадан пастда эса ковургалараро мушаклар ва кукрак кундаланг (м.транзверзус торацис) мушагининг орасидан утади.

Н.И.Пирогов курсаткичи асосида бу артерия йукориги иккита ковургалараро сохасида туш суягидан 7-8 см ташкаридан утади. Пастки ковургалараро оралик сохасида эса 1,2 см ташкаридан утади.

Артерияни пастки кисмида иккита вена кузатиб боради, ва улар Ш ковурга сохасида кушилиб битта пояни хосил килади. Вена артерия нисбатдан купрок ичкарида баъзан эса ташкарида жойлашиб кейин елка-бош-венасига куйилади.

Артериядан олдинги ковургалараро артерия таромкли чикади ва ковургалараро ораликка йуналади. Бу тармоклардан ташкари артериядан кукс оралиги учун хам тармоклар чикади. 1-чи ковурга сохасида ундан диафрагма – перикард артерияси хам чикади. Юкорида айтилган артериялар перикард ва миокард артериялари билан анастомоз оркали кушилади шу анастомозларни булганлиги туфайли ички кукрак артериясини икки томонлама боглаш мумкин. Бу артерияларни икки томонлама боглаш сурункали тож артерияларининг етишмовчилиги касалликларни жаррохлик буйича даволаш учун кулланилади.

Ички кукрак артерияси ковурга ёйи сохасида мушак-диафрагма ва корин усти юкори (а.эпигастрика супериор) артерияларига булинади. Корин усти юкори артерияси корин девори буйлаб киндик сохасига йуналади.

Бу артериялар хам миокард ва перикард артериялари билан анастомоз оркали кушилади.

КОВУРГАЛАРАРО ОРАЛИК ТОПОГРАФИЯСИ.

Бу оралик укори ва пастки ковургалар орасида жойлашган булиб, ковургалараро мушаклар, кон-томир нерв, лимфа томирлари ва тугунлар билан тулдирилган.

Ташки ва ички ковургалараро мушакларни орасида ковургалараро ёрик хосил булади. Бу ёрикни хосил булиши куйидагича. Ташки ковургалараро мушаги (т.интеркосталис экстерна) ковургани пастки каррасига бирикади. Ички ковургалараро мушаги (т.интеркосталис интерна) хам ковурганинг пастки киррасининг кукрак бушлиги юзасига бирикади.Бу юза ковурга эгатининг юкори кисмига тугри келади.

Шу мушакларни бирикиш жойлари хар хил булганлиги сабабли ковургалараро ёрик хосил булади. Бу ёрик юкоридан ковурга эгати билан, ташкаридан ва ичкаридан мушаклар билан чегараланади.

Ташки ковургалараро мушаги ковурга оралигини бутунлай тулдирмайди. Ковурга тогайи сохасида яъни туш суягининг олдида улар апоневротик пластинкага айланади (лиг.интеркосталис экстерна). Мушак ва бойламлар юкоридан пастга оркадан олдинга йуналади.

Бу мушаклардан чуқоррокда ковургалараро кон-томир ва нервлари утади.Вена юкорида артерия уни остида,нерв эса артерияни остида жойлашган (В.А.Н.).

Кон-томир нервлар кукрак кафасининг орка сохасидан (яъни урта култик ости чизигигача) ковурга эгатига ётади. Чизикда олдиндан эса кон-томирлар эгатига эмас иккита ковурга орасида жойлашади. Шу сабабли плевра бушлигини пункция килишда иган орка култик ости чизикдан оркада санчилади.

Олдинги ва орка ковургалараро артериялар урта култик ости чизик сохасидан узаро кушилиб айланади (циркуляр) анастомозни хосил килади. Шу анастомозлар туфайли кукрак кафаси жарохатлари ва операцияларидан артерияларни икки томонлама боглаш мақсадга мувофикдир. Акс холда куп кон йукотиш холлари кузатилади.

Пастки 6 жуфт ковургалараро кон-томир нервлар корин деворини хам-кон-билан таъминлаб иннервациялайди. Нервлар кон-томирларга нисбатан пастдан жойлашганлиги сабабли купрок жарохатланади.

Нервлар умурткалараро халка (диск) орасидан чикиб кушувчи шохчалар ёрдамида симпатик нерв билан анастомоз хосил килади. Кейин орка шохчаларни бериб маълум масофада ички кукрак фасцияси ва париетал плеврага тегиб утади.Шунинг учун плевраларнинг яллигланишида нервлар хам зарарланиб корин деворига хам огрик таркалади.

Кон-томир нервлардан чуқурда ички ковургалараро мушаклар жойлашади. Бу мушаклар хам ковургалараро ораликни бутунлай тулдирмайди. Олдиндан туш суягигача борса оркадан ковурга бошчаларидан тугайди.Бу мушакларни йуналиши ташки мушакларга карама-карши яъни пастдан юкорига оркадан олдинга .

Ковургалараро оралик ичкаридан ички кукрак фасцияси билан копланган .Бу фасциядан кейин плевра олди сийрак тукима ётади.Бу тукима бушлиги умуртка олди ва ёни сохасида яхши ривожланган. Шунинг учун бу сохада плеврани осонлик билан ажратиб орка кукс оралигига уни очмасдан туриб кириш кулайдир.

Д И А Ф Р А Г М А.

Гумбазсимон тузилишга эга булиб кукрак ва корин бушликларини бир-биридан ажратади. Кукрак бушлиги сохасидан париетал плевра билан, корин сохаси эса париетал корин парда билан копланган . Мушак ва пай толаларидан тузилган.

Диафрагма гумбазининг чуққиси унғ урта умров чизиги буйлаб 1У чи, чап урта умров чизиги буйича У чи ковургага тугри келади.

Диафрагманинг мушак кисми тушни ханжарсимон усимтасидан (парс стерналис), У2-Х2 ковургалардан (парс косталис) ва 4 та юкори бел умурткаларидан (парс лумбалис) бошланади. Мушак толалари радиар йуналиб пай марказига утади. Пай марказининг унғ томонидан пастки кавак венасининг тешаги булиб, ундан вена билан унғ диафрагма нерви утади.

Диафрагманинг бел кисми икки томондан 3 та оёкчаларни хосил килади: медиал, ички ва латерал.

Медиал оёкчалари 8 ракимига ухшаб кесишиб аорта ва кизилунгач тешигини хосил килади. Аорта тешигидан аорта ва кукрак лимфа йули утса, кизилунгач тешигидан кизилунгач ва сайёр нервлар утади.

Медиал ва урта оёкчаларининг орасидаги ёрикдан унғ томондан ток, чап томондан эса ярим ток веналари утади. Бу веналар билан бирга ички аъзолари (н.спланхникус) нерви хам утади.

Урта ва ташки оёкчалар орасидан эса симпатик нервлари утади.

Диафрагманинг баъзи жойларида мушак толалари булмай, ва натижада кукрак хамда корин ички фасцияларининг вараклари бир-бирига тегиб туради. Бу кисмлар диафрагманинг заиф жойлари хисобланиб баъзан чурралар чиқиш учун дарвоза ролини уйнайди. Бундан ташкари йирингли жараёнлар кукрак бушлигидан корин бушлигига ва кориндан кукрак бушлигига утиши мумкин.

Бу сохалар диафрагманинг ковурга кисмининг туш кисмига ва бел кисмларига утиш жойида жойлшган.

Ханжарсимон усимтанинг чап томонида Ларрея учбурчаги мавжуд булиб уни ичидан ички кукрак артерияси утади. Бу учбурчак оркали Ларрея усули буйича перикард пункцияси утказилади.

Ханжарсимон усимтанинг унғ томонида Морганье учбурчаги мавжуд.

Яна иккита учбурчак бел сохасига утиш жойида булиб уни Бохдалек ёки бел-ковурга учбурчаги дейилади.

Диафрагма жуда бой кон билан таъминладиган яъзо хисобланади.

Уни кон билан иккала ички кукрак артериялари , юкори ва пастки диафрагма хамда ковургалараро артериялари таъминланади. Диафрагманинг бундай кон билан таъминланиши ундан курак сифатида кучириб тикиш учун фойдаланилса жаррохат тез ва чандиксиз битади

Иннервацияси – ковургалараро, сайёр, симпатик, унғ ва чап диафрагма нервлари оркали иннервацияланади. Чап диафрагма нерви курак оралигидан утиб диафрагманинг юкори юзасида шохларга булинади. Унғ нерви эса пастки кавак венасининг тешиги оркали утиб диафрагманинг пастки юзасида тармокланади ва ут пуфаги хамда жигар учун хам шохчалар беради.

ПЛЕВРА ВА УПКАЛАРНИ ТОПОГРАФИЯСИ.

Плевра сероз пардадан тузилган булиб париетал ва висцерал вараклардан иборат. Бу варакларнинг орасида плевра бушлиги жойлашади. Париетал плевранинг ковурга, диафрагма ва медиастинал кисмлари тафовут килинади.

Париетал плевра упка дарвозаси соҳасида висцералга утади. Упка илдизининг пастки кисмида висцералга утиш жойида эса упка бойламини (лиг. пулмонале) ҳосил килади.

Чегаралари: унг ва чап плевраларнинг олдинги чегаралари бир хил эмас. Чунки юрак узининг куп кисми билан чап курак бушлиги соҳасида жойлашган.

Унг плеранинг олдинги чегараси тушни орқаси буйича йуналиб урта чизиккача боради. Баъзан чап томонга ҳам утади, ва У1 чи ковургани туш суягига бирикиш жойидан пастки чегарасига утади.

Чап плевра тушни чап кирраси буйилаб пастка йуналади, ва 1У ковурга тоғайдан чапга бурилиб У чи ковурга тоғайининг кесиб У1 чи ковургача боради ва шу ковурга тоғайининг уртасидан пастки чегараси утади.

Унг ва чап плевралар 2-1У ковурга тоғайлари соҳасида бир-бирига якинлашади. Баъзан улар қушувчи тукима ёрдамида бириккан бўлади. Шу соҳадан юқори ва пастдан плевраларо бушлик ҳосил бўлади. Юқори бушликда айрисимон без ёки унинг қолдиги, пасткисида эса перикард жойлашади. Перикард У1-У2 ковурга тоғайлари соҳасидан плевра билан ёпилиб қолади.

Пастки чегаралари У1 ковурга тоғайларидан бошланиб урта умров чизиги буйича- У2.

Урта култик ости чизиги буйича – Х.

Курак чизигидан - Х1.

Умуртка олди чизигидан - Х1 ковургаларга тугри келади.

Орка чегараси. Чап плевранинг орка чегараси ковурга ва умурткалар орасидан бугим буйича йуналади.

Унг плевра эса қилилунгач йуналиши буйича йуналади умурткани олдига утади. Баъзан урта чизиккача боради.

Плевра гумбази умров суягининг юқорисида жойлашиб упка чуққисидан ётади. Уни юқори чегараси умров суягидан 2-3 см тепарокда жойлашади.

Плевра бушликлари (синуслари) париетал плевранинг бир вагаги иккинчисига утиш жойида ҳосил бўлади. 3та синуси мавжуд: ковурга диафрагмал, куқс-диафрагмал, куқс-ковурга.

Ковурга-диафрагмал синуси энг катта ва чуқур синус ҳисобланади. Бу синуси максимал баландлиги 6-8 см-га тенг булиб урта култик ости чизиги буйича У3 чи ковурга оралиги, 1Х чи ковурга ва шу ковурга оралигида жойлашган булиб плевра вараклари нормал ҳолатда бир-бирига тегиб туради. Бу соҳага эса энг чуқур нафас олгандан ҳам упка туқималари қирмайди. Ковурга – диафрагмал синусининг орка – медиаал кисми Х2 ковурга соҳасига тугри келиб уни баландлиги умуртка олди чизиги буйича 2-2,5 см-га тенг.

Бу синус плевра синусларининг ичида энг чуқури бўлганлиги сабабли патологик суюқликлар шу жойга йиғилади.

Колган иккита синуслар нисбатан кичкина ва клиник жихатдан унча ахамиятга эга эмас.

У П К А Л А Р.

Упкаларнинг ҳам учта юзалари тафовут килинади: Ковурга, Диафрагмал ва медиостинал. Медиостинал юзаларида варонкасимон чукурча булиб упка дарвозаси дейилади.

Упка дарвозасидан упка илдизи булиб уни бронхлар, упка артерияси ва венаси хосил килади.

Чегаралари: Унг ва чап упкаларнинг олдинги чегараси плевраларнинг чегарасидан фарк қилмайди. Пастки чегаралари эса плевранинг ковурга – диафрагмал синус булганлиги сабабли ббир-биридан фарк –килади

Пастки чегаралари.

Унг упка.

Туш чизиги буйича У1 ковурга тогайи.

Урта умров чизигидан –У1 ковургани юкори кирраси .

Урта култик ости чизигидан- У3 к.

Курак чизигидан - Х.

Умуртка олди чизигидан-Х1 ковурга тугри келади.

Чап упканинг пастки чегараси унгидан (туш чизигидан бошланмасдан) туш олди.(Лин, парастерналис) чизиги буйича У1 ковурганинг тогайининг бошланиши билан фарк килади.

Упка булаклари, зоналари ва сегментли тузилиши.

Унг ва чап упкалар ташки тузилиши жихатидан бир хил булмаганлиги сабали унг упка 3 та, чапида эса 2булак тафовут килинади. Чап упканинг булаклараро эгатининг теридаги тасвири 3 кукрак умурткасининг уткир усигидан У1 ковурганинг тогай кисмига утказган чизикга тугри келади.

Унг упка асосий эгатининг йуналиши худди чапиникидай.

Шу эгатни култик ости чизиги билан кесишган сохасидан иккинчи эгат йуналади. Бу уэгат 1У чи ковургани тушга бирикиш жойига давом этади. Иккала эгатлар унг упкани учта булакка булади.

Б.Э.Линберг ва В.П.Бодулин упкаларни 4 тадан зоналарга булишган: юкори, пасткива олдинги, орка.

Линберг, Бодулин чизмаси буйича 4 зоналарни жойланиши куйидагича аникланади. Кукрак кафасида иккита бир-бирини кесувчи чизик утказилади.

Бу чизиклардан биттаси 3 кукрак умурткасининг уткир усигидан У1 чи ковурганинг тогайига ; иккинчи чизик 1У ковурганинг остидан Х2 чи кукрак умурткасининг уткир усигига утказилади.

Упкаларнинг 4 та зонасига 4 зонал бронхлар келади. Зонал бронхлар асосий бронхларни булинишидан хосил булади. Зонал бронхлар уз навбатида сегментал бронхларга булинади.

Упка сегментлари деб бронхларнинг 3 чи тартибли булинишини дейилади. Сегмент тузилиши пирамида шаклига ухшаш булиб уни чиккиси упка илдизиги, асоси эса периферияга йуналган.

Хар бир упкаларда 10 тадан сегментлари мавжуд.

СЕГМЕНТЛАРИ:

Унг упка

Юкори булаг.

1. Чуккили
2. Орка
3. Олдинги

Урта булаг.

3. Латерал
4. Медиал

Пастки булаг

- 6 Чуккили
7. медиал базал
- 8 олдинги базал
- 9 латерал базал
- 10 орка базал

Чап упка

Юкори булаг

- 1-2 чуккили – орка
 - 3 олдинги
 - 4 юкори тилсимон
 - 5 пастки тилсимон
- Пастки булаг.
- 6 чуккили
 - 7 медиал базал (доимий эмас)
 - 8 олдинги базал.
 - 9 латерал базал
 - 10 орка базал

Упка дарвозасининг склетотопияси У-У1-У2 кукрак умурткалари сохасига тугри келади. Упка дарвозасида уни илдизи мавжуд булиб, бу бронх, артерия ва венадан тузилган. Упка илдизи унг ва чап томонда бир-бирига нисбатан юкоридан пастда оркадан олдинга караб бир хил эмас. Унг упкада: Бронх; Артерия Вена (Б.А.В.) чап упкада эса (А.Б.В.) тартибида жойлашади.

П Л Е В Р А П У Н К Ц И Я .

Плевра пункциясини ташхисни аниклаш ва плевра бушлигидан суюклик чиқариш учун килинади.

Курсаткичлари: эксудатив ва йирингли плевритлар, гемоторакс.Плевра бушлигидан суюклик булса уни аввал физикал ва рентгенологик усуллар билан аникланиб йирингни пастки сохасидан пункция килинади.

Йирингли плевритларда суюклик плевранинг ковурга-диафрагмал синусига йигилади. Шунинг учун пункция 7-8 чи ковургалар оралигида орка култик ости ёки курак чизиклари бўйича утказилади.

Беморни столга утиргизиб пункция килиш томонини кули юкорига кутарилган холда. Пункция килинадиган соха аввал 05% новокаин билан маҳаллий инфилтратив анестезия килинади. Кейин чап кул билан тери ковурга бўйилаб тортилиб ковурганинг юкори киррасидан игна 3-4 см чуқурга караб киритилади. Бунинг натижасида ковургалараро кон-томир нервини зарарлаш хавфи бартараф килинади. Лекин игна суюклик устидан упка паренхимасига ёки ковурга-диафрагмал синуси оркали корин бушлигига утиш мумкин. Бундай оқибатларини олдини олиш учун кукрак кафасининг тешгандан кейин игна юкорига караб диафрагмал гумбазига паралель холда йуналтирилади. Агарда шприцга суюклик келмаса пункцияни бошқатдан юкорирок ёки пастроқда килинади.

Игнада суюклик борлиги аникланган Жанье шприци ёки Потен апарати ёрдамида суюклик олинади. Кукс ораллиги аъзоларининг тезлик билан силжимаслигини олдини олиш учун 1 л.-дан зиёд суюклик олмаслик керак. Игна олингандан сунг урни лейкопластир ёки каллоид билан ёпиштириб куйилади.

Плевра пункциясини кукрак бушлиги операциясидан сунг хосил булган пневмотораксларда ҳам килинади. Бунинг учун пункцияни 3-4 чи ковургалар ораллигидан кукрак кафасининг олдинги юзасида утказилади.

КОВУРГА РЕЗЕКЦИЯСИ.

Резекцияни кукрак бушлиги аъзоларида операция утказиш ҳамда ковурга касалликларида утказилади. Ковургани суяк усти пардасини колдириб ва суяк усти пардаси билан бирга олиб ташлаш мумкин. Суяк усти пардаси билан бирга резекцияси ковурга сили ва остеомиелитларида килинади.

Тери кесими агарда битта ковурга резекцияси килинса ковурганинг устидан, иккита ковурга резекцияси килинса иккала ковурга ораллигидан утказилади. Тери, тери ости ёг тукумаси юза ва хусусий фасциялар кесилгандан кейин катта кукрак мушаги кесим сохасида тугри келса чекага сурилади ёки кесилади.

Ковурганинг суяк усти пардаси «Н» харфига ухшатиб кесилади. Пардани олдинги юзаси Фарабер киргичи ёрдамида суякдан ажратилади. Суяк усти пардасининг орка юзасини Дуайен киргичи билан ажратилиб ковурга кайчиси ёрдамида суяк кесиб ташланади. Суяк усти пардасининг орка вараги узунасига кесилиб, илгаклар ёрдамида кенгайтирилади. Операциянинг асосий боскичи тугагандан кейин суяк усти пардасининг кесилган вараклари узаро тикиб куйилади. Бунинг натижасидан суяк усти пардасининг ичида суяк мазоли хосил булиб янги ковурга ушиб чикади. Жаррохат каватма-кават тикилади.

М А С Т И Т Л А Р.

Сут безининг йирингли яллигланишининг бир неча хили тафовут килинади: тери ости, интерстициал, субареолар, премаммар ва ретромаммар.

Сут беги булакларининг радиар йуналганлиги сабабли безда утказиладиган кесимлари радиар йуналишда утказилади.

Огриксизлантериш: Рахуш наркоз ёки махаллий инфильтратив анестезия.

Паренхима ичи абцесслари кесими сургич атрофидаги пигментли сохадан бошланиб периферияга караб 5-6 см узунликда пигментли йиринг бушлиги борлиги аникланса уни йирингдан тозалаб кушимча кесим кулланилади ва жарохатга дренаж урнатилади.

Ретромаммар маститларида тери кесими без ости бурмаси буйича яримойсимон шаклида утказилади. Тери, тери ости ёг тукумаси ва юза фасция кесилиб сут беги юкорига кутарилади. Кейин катта кукрак мушагининг ёпиб турувчи фасция ва без орасига йул очилиб йиринг бушлиги топилади. Бушлик йирингдан тозаланиб жарохатга дренаж урнатилиб каватма-кават тикилади.

УПКА ОПЕРАЦИЯЛАРИ

Пневмотомия- упка паренхимасини кесиш (очиш).

Пневмотомия операцияси упка абцесслари ва каверналарида утказилади. Пневмотомиянинг бир лахзали ва икки лахзали мавжуд.

Бир лахзали пневмотомия париетал ва висцералвараклари чандик оркали бирлашган пайтда утказилади. Бунинг учун тери кесими аввал аникланган йиринг бушлигининг устида утказилиб бир ёки иккита ковурга юкоридан айтилган усул билан резекция килинади. Кейин кукракни ички фасцияси ва плевралар кесилиб упка паренхимасида жойлашган йиринг бушлиги электрокаутер ёрдамида очилади. Йирингланган упка паренхимаси ва йиринг бушлиги кесиб олиб ташланади.

Йиринг бушлигига ингичка резинали найча киритилиб иккинчи учи жарохатдан ташкарига чиқарилади. Кейин жарохат ёпик холда каватма – кават тикилади. Резинали найча оркали йиринг бушлигига антибиотиклар жунатилади.

Икки лахзали пневмотомия – плевра вараклари бир-бири билан чандик оркали бирлашмаган холда килинади. Бунинг учун кукрак кафасининг девори каватма-кават плеврагача кесилиб, париетал плевра юзасига йод суртилади. Кейин плевра ва кукрак кафаси деворининг орасига докали тампон қуйилиб жарохат каватма-кават тикилади.

Операциянинг иккинчи лахзаси 8-10 кундан кейин яъни плевра вараклари орасида чандик пайдо сунг бажарилади.

Операция бир лахзали пневмотомиядек тугутилади.

КУКС ОРАЛИГИ.

Чегаралари : олдиндан-туш суяги ва ковурга тоғайлари, оркадан-умуртка погонаси, пастдан-диафрагма, юкоридан-буйин соҳасигача давом этади.

Упка илдизи оркали утказилган сагитал чизик ёрдамида олдинги ва орка кукс оралигига булинади.

ОЛДИНГИ КУКС ОРАЛИГИ.

Олдинги кукс оралигида юрак перикард, кутарилувчи ва аорта ёйи, юкори кавак венаси, диафрагмал нервлар, айрисимон без, унг ва чап елка бош веналари жойлашган.

Айрисимон беги кукс оралигининг юкори кисмидан жойлашган булиб, уни олдинги юзасига туш суяги тегиб туради. Баъзан юкоридан калконсимон безининг буйинчасига етиб боради. Безни оркасида унг ва чап елка-бош веналари ва юкори кавак венасининг бошлангич кисми ётади. Айрисимон беги 25 ёшлик давридан бошлаб атрофияга учрайди.

Юкори кавак вена. Бу вена унг ва чап елка-бош веналарининг қушилишидан ҳосил булади. Чап елка-бош венаси унгига нисбатдан узунрок ва кундалангрок йуналади. Унг вена эса тугри бурчак остида йуналади ва унг 1 чи ковургани туш суягига бирикиш жойида чап вене билан тушлади. Уни оркасида унг елка –бош артерияси жойлашиб умров ости ва умумий уйку артериаларига булинади.

Юкори кавак венаси ҳосил булгандан кейин туш суягининг унг кирраси буйлаб пастга йуналади. Венани унг томинида унг диафрагма нерви жойлашиб, кейинчалик бу нерв умров ости артериясидан чикувчи а. перикардиаккофреника билани бирга диафрагмага боради.

Юкори кавак вена ичкаридан аорта ёйи ва кутарилувчи аорта билан чегараланади. Уни олдини юракни унғ кулокчаси ёпиб туради. Венани оркасида унғ бронх ва унғ упка артерияси ётади. 3 чи ковурга оралигида перикард бушлигига киради. Перикард бушлигига кириш жойида унга ток венаси очилади.

ПЕРИКАРД.

Юрак халтаси хисобланиб плеврага ёхшаб париетал ва висцерал вараклардан тузилган. Лейкин плеврадан фарқи уни иккита дарвозаси мавжуд. Кириш дарвозасидан кавак ва упка веналари киради. Чикиш тешигидан эса аорта ва упка артерияси чиқади.

Перикард юрак билан кукс оралигининг пастки кисмини тулдириб туради. Перикардни пастки кисми диафрагманинг пай марказига тегиб туради. Шу жойида ундан пастки ковак венаси утиб юракни унғ булмасига очилади. Икки ёндан перикардга медиастенал плевралар тегиб туради. Перикард ва медиастенал плевра орасида тукима бушлиги мавжуд булиб, унғ ва чап диафрагмал нервлар утади. Перикардни олдинги юзаси туш ва ковурга тоғайларига тегиб туради.

Перикард олдинги юзасининг бир кисми плевра билан ёпилмай қолади. Бу сохани перикардни озод кисми ёки А.Р.Войнич-Сяноженецкий учбурчаги дейилади. Бу учбурчак У1- УП чи чап ковургаларни тушга бирикиш жойига тугри қолади.

Учбурчакни ташкаридан – чап плевра, пастдан-перикардни пастки кирраси, ичкаридан – тушни чап кирраси чегаралайди.

Перикардни орка юзаси орка кукс аъзоларига, юкоридан перикардга айрисимон беги тегиб туради. Перикарднинг висцерал вараги юрак коринчаларини бутунлай ёпади. Булмачалар эса бутунлай ёпилмай қолади. Булмачаларга очиладиган кавак веналар соҳасининг орка кисми перикард билан ёпилмай қолади.

Перикард варакларининг ораси ёки уни бир кисмидан иккинчисига утиш жойида бушликлар (синус) ҳосил булади.

Перикардда 3 та синус мавжуд.

1. Кундаланг синус – аорта ва упка поясини олдинга, пастки кавак венасини оркага суриб қуйилганда аникланади.
 2. Кийшик синус – бу синусни олдиндан – чап булмачанинг орка девори, оркадан – перикардни орка девори чегаралайди.
 3. Олдинги пастки синус – перикард париетал варагининг олдинги юзасини пастга утиш жойида ҳосил булади.
- Бу синусни жойланиши диафрагмани тушга утиш жойига тугри қолади. Купрок перикард пункциясини шу синусда қилинади.

ЮРАК.

Юракни $\frac{2}{3}$ кисми чап, $\frac{1}{3}$ кисми унғ кукрак бушлигида жойлашган. Олдинги (туш-ковурга), пастки (диафрагма) ва орка (умуртка) юзалари тафовуд қилинади.

Олдинги юзаси буртиб чаккан булиб бир кисми туш ва ковургаларга кегиб туради.

Унинг олдинги юзаси қуйидаги қисмлари ҳисобига ҳосил булади.

Унг томондан унг унг булмачанинг бир кисми , унг кулокча ва юкори кавак венасининг пастки кисми, ундан чапрокда унг корунча ва упка артерияси кейин юракни буйлама этаги ва унгдан утувчи тушувчи тож артерияси, чап коринчанинг кисми хамда чап кулокча.

Орка юзаси чап булмача, унг булмача ва чап коринчанинг кисмилари хисобига хосил булади .

ЧЕГАРАЛАРИ.

Унг чегараси юкори кавак венаси ва унг булмача хисобига хосил булиб III ковурга тогайининг юкори киррасидан У чи ковурга тогайининг паски киркасигача туш олди чизигидан 2-2,5 см унгда жойлашади.

Пастки чегараси унг коринча ва чап коринчанинг бир кисмидан хосил булиб, У ковурга тогайдан пастга ва чапга йуналиб У чи ковурга оралигида чап урта умров чизигига 1 – 1,5 см етмайди .

Чап чегараси чап коринча ва чап кулокча хамда упка артерияси хисобига хосил булган булиб ёйсимон юкорига йуналиб III ковунга сохасига боради ва чап урта – умров чизигига 1,5 – 2 см етмайди. Шу жойидан йукорига яъни 2 чи ковурга оралигигача кутарилиб туш олди чизигидан 2 см ташкарида жойлашади.

Чап коринчадан кутарилувчи аорта чиқади. Уни чиккан жойидан юракни унг ва чап тож артериялари ажралиб чикиб уни кон билан таъминланади.

Коринчалараро эгатни олдинги кисмида тож артериясининг тушувчи тармоги, юракни катта венаси биргалигида йуналади.

Юрак веналари юрак орка юзасига тож эгатида коллектор яъни тож синусларини хосил килиб унг булмачага очилади.

Юракни сайёр, диафрагмал, симпатик ва баъзан буйинни кушимча нервлари иннервацияланади.

Кутарилувчи аорта – 3 чи ковурга оралигидан чап коринчадан чикиб 2 чи ковурга оралигида аорта ёйига давом этади. Узунлиги 5-6 см. Уни олдиндан ва чапдан упка артерияси, олдиндан ва унгдан унг кулокча, унгдан юкори кавак венаси, оркадан унг упка артерияси чегаралаб туради.

Аорта ёйи 2 чи ковурга оралигидан бошланиб унгдан чапга олдиндан оркага йуналади, ва 1 У чи кукрак умурткаси сохасида кукрак аортасига давом этади.

Бошланиш кисми унг плевра билан, тугаш кисми эса чап плевра билан ёпилган.

Унинг юкори кисмида айрисимон беги ёки унинг колдиги, унинг томонидан-юкори кавак венаси оркасида, кекирдок, кизилунгач пастдан-упка артерияси жойлашган. Олдинги юзасини чап сайёр нерви кесиб утади, ва шу жойда ундан чап кайтувчи хиккилдок нерви ажралиб чиқади. Бу нерв аорта ёйини пастдан ва оркадан эгиб юкорига юналиди.

Аорта ёйи ва упка артериясининг орасида (хомила даврида) Баталов йули тортилган булади. Бу йул чакалок тугилгандан кейин бир ой мобайнида битиб артериал богламини хосио килади.

Аорта ёйининг юкори буртиб чиккан кисмидан унгдан чапга караб унг-елка-бош пояси, чап умумий уйку артерияси ва чап умров ости артериялари ажралиб чиқади.

Чап умров ости артериясини чикиш жойида тушувчи аортага утиш кисмининг аортанинг буйин олди кисми дейилади.

Упка артерияси 3 чи чап ковурга оралигидан унг коринчадан чикиб чап 2 ковурга оралигида унг ва чап упка артерияларига булинади. Упка пояси кутарилувчи аортанинг чап ва олдинги юзасини ёпади. Унинг булиниш жойи ёки чап артериясидан аорта ёйига караб артериал бойлам тортилган булади.

ОРКА КУКС ОРАЛАРИ АЪЗОЛАРИ.

Орка кукс оралиги аъзолари унгдан чапга караб куйидагича жойлашади.

Умурткани унг томонидан ток венаси кейин кукрак лимфа йули, кукрак аортаси, ярим ток венаси шу веналари оркасидан ковургалараро артериялари бу артерияларидан олдиндан эса симпатик поя ва унинг шохлари, ток ва кукрак лимфа йулининг олдида кизилунгач, кизилунгачни олдида чап оркасида унг сайёр нерв ётади.

Кукрак аортаси. Бу аорта 1У кукрак умурткаси сохасидан аорта ёйидан бошланиб пастга йуналади, ва Х2 кукрак умурткасининг олдида диафрагманинг аортал тешиги оркали кукрак лимфа йули билан бирга утиб корин аортасига давом этади.

Кукрак аортаси аввал умурткани чап ёнидан, кейин олдинги юзасига ва диафрагмал утиш жойида эса яни чап томонига утади. .

Аортани олдида чап упка илдизи ётади. УШ ёки 1Х кукрак умурткаси сохасида аортани унгдан чапга караб кизилунгач кесиби утади .Аортани пастки кисмининг оркасида ярим ток венаси, юкори кисмида эса баъзан кушимча ярим ток венаси жойлашади. Чап томонига эса чап плевра тегиб туради. Аортани унг томонидан (УШ ёки 1Х кукрак умурткалар сохасигача) кизилунгач хамда ток вена ва кукрак лимфа йули жойлашади.

Охирги пайтларида контраст ангиография килиш учун кукрак аортасини пункцияси кулланилмоқда. Пункцияни умурткани чап ёнидан У-У1 чи ковургалар оралигида ёки ХП ковурганинг остидан утказиш мумкин. Кукрак аортасидан орканги ковургалараро артериялари, бронхиал, кизилунгач ва юкори диафрагма (бир жуфт) аортериялари чиқади.

КИЗИЛУНГАЧ .

У1 буйин умуртакаси сохасида халкумдан бошланиб Х кукрак умурткасининг олдида диафрагманинг тегиши оркали чап ва унг сайёр нервлар билан бирга корин сохасига утади.

Уни учта торайган ва иккита кенгайган кисмлари мавжуд. Торайган кисмлари бошланиш кисмида кекирдакни бифуркацияси ва диафрагмадан утиш жойида жойлашади.

Биринчи кенгайган кисми юкори ва урта тораймаларини орасида, иккинчиси эса урта ва пастки тораймасини оралигига тугри келади. Кизилунгачни куп кисмининг орка юзаси умурткаларга тегиб туради. 1У си кукрак умурткасигача

умурткани чап ёнида кейин эса унг томонга йуналади. УП чи кукрак умурткаси сохасида кизилунгач яна чапга йуналиб, УШ –1Х умурткалар рупарасида олдинга утиб, кукрак аортасини олдида жойлашади.

Кизилунгач кукрак умурткасидан сийрак тукима билан ажралиб туради. Бу тукимани ичида эса кукрак лимфа йули ва ток вена ётади.1У кукрак умурткаси сохасигача кизилунгачни олдида кекирдик кейин эса аорта ёй, чап бронх ва перикард жойлашади. Перикард кизилунгачни чап коринчадан чегаралаб туради. Перикард ва кизил унгач бир-бирига тегиб турганлиги сабабли кизилунгач усмалари перикардга утади.Перикард бушлигида суюклик йигилса ёки чап коринча кенгайса кизилунгачдан овкат утишига тускинлик килиши мумкин.

Упка илдизи сохасида кизилунгачга сайёр нервлар якинлашиб келади.Унг сайёр нерви уни оркасидан, чапи эса олдида йуналиб кизилунгач атрофида чигалларни хосил килади.

Кизилунгачни кукрак кисми кукрак аортаси ва бронхиал артерияларининг тармоклари оркали кон билан таъминланади.

КУКРАК ЛИМФА ЙУЛИ .

1-П бел умурткаининг рупарасида ичаклар ва кутарилувчи бел лимфа йуллари узаро кушилиб лимфа кушилиб лимфа кулини (цистерна хилли) хосил килади. Кейин эса кукрак лимфа йули диафрагманинг аорте тешиги оркали кукрак кафасига киради.

Кукрак лимфа йулининг пастки ва йукори кисмлари мавжуд (Д.А. Жданов). Унинг пастки кисми умуртка пагонасининг олдидан юкорига йуналади. Уни олдида кизилунгач, унг томонида ток вена , чап томонида эса кукрак аортаси ётади.

Пастки кисми купинча унг плевра вараги билан ёпилган булади.Шунинг учун лимфа йулининг пастки кисми жарохатланса лимфа суюклиги унг плеврага куйилади. (унг томонлама хилоторакс).

Лимфа йули юкорига кутарилиб 1У кукрак умурткаси сохасида чапга караб бурилиб аорта ёйини оркасидан кесиб утади ва Ш кукрак умурткаси сохасида аорта ёйини устида жойлашади.

Шу жойда йулини ички томонида кизилунгач, тошки томонида эса чап плевра ётади. Лимфа йули юкори кисмининг жарохатларида чап плевра бушлигига лимфа суюклиги куйилиб, чап томонлама хилоторакс юзага келади.

Кукрак лимфа йули чап умров ости венасини оркасилаб буйин сохасига утиб шу оркадан олдинга караб эгилади ва чап веноз бурчагига (Пирогов бурчаги) ёки чап умров ости венасига очилади.

КУКС ОРАЛИГИ АЪЗОЛАРИНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

ПЕРИКАРД ПУНКЦИЯСИ .

Перикард бушлигида потологик суюклик йигилган пайтда даволаш ёки ташхис куйиш максадида пункция килинади. Беморни холати орка билан ётган ёки ярим утирган шаклда .

Ларрея усули буйича чап УП чи ковургани туш суягига бирикиш жойи топилиб уни остидан терига 1% новокаин жунатиб анестезия килинади. Кейин ингичка траокар ёки калин игна ёрдамида игна туш суягига перпендикуляр 1-1,5 см чукурликка киритилади. Шундан сунг игнани орка кисми пастга этилтирилади, ва туш суягига паралель холда 2-3 см юкорига йуналтирилади. Натижада перикард бушлигига кирилади. Юрак уришини игнага тасири уни юракка якинлашганидан дарак беради. Шприц ёрдамида суюклик олиниб игнани урни пластр ёки каллоид ёрдамида ёпиштириб куйилади.

ПЕРИКАРД БУШЛИГИНИ ОЧИШ - ПЕРИКАРДИОТОМИЯ .

Курсатмалари : йирингли перикардитлар, юрак жароҳатлари, перикард бушлигидан ёт жисмлар.

Огриксизлантириш : махалий анестезия ёки наркоз.

В.М.Минц усули буйича тери кесими УП ковурга тогайининг остидан 6-8 см узунликдан утказилади. Тери, тери ости, юза ва хусусий фасциялар кесилиб, ковурга тогайининг пардаси распатор ёрдамида очилади.

Ковурга тогайининг очилган кисми резекция килиниб, суяк усти пардасининг орка юзаси кесилади. Жароҳат ичида ички кукрак кон-томир топилиб иккита лигатура орасидан кесилади.

Жароҳат ичига шпатель ёки курсаткич бармок киритилиб диафрагмани пастга итариб парикард топилади. Перикард иккита ушлагич ип утказилиб улар орасидан кесилади. Перикард бушлиги тозаланиб ичини физиологик эритми ёрдамида ювилади . Уни ичига пеницилин ёки стрептомицин юборилади. Жароҳатга дренаж урнатилиб бир неча чоклар ёрдамида тикилади.

А.Н.Бакулев буйича туш суягининг чап кирраси буйлаб У – ва У1 ковургалар соҳасида вертикал кесим утказилади. Очилган ковурга тогайлари туш суяги соҳасидан 5 см узунликда кесилади. Медиастенал плевра чекага суриб куйилиб перикард кирралари туш суягининг суяк усти пардаси ва ковургалараро мушакларга тикиб куйилади. Бу усул буйича перикард бушлиги яхши тозаланади ва варақларни бир-бирига бирикишга йул куймайди.

ЮРАК ЖАРОҲАТИНИ ТИКИШ .

Тери кесими чап парастернал чизиги буйича вертикал холда 1У ковургадан У1 ковургагача утказилади. Кейин 1У ковурга оралиги буйича горизонтал йуналишда олдинги култик ости чизигигача кесим кесилади.

Плевра бушлиги шу ковурга оралигида очилиб 1У чи ковурга резекция килинади. Баъзан кушимча Ш ва У чи ковургалар ҳам кесилади.

Перикард жароҳатини 8-10 см узунликда кенгайтирилади. Агарда жароҳат юракни орка деворида жойлашган булса, перикардни юрак уки буйлаб диафрагма нервидан 1 см олдиндан кесиб очилади. Перикард очилгандан кейин тезлик билан юрак жароҳати курсаткич бармок билан босиб ёпилади. Перикард жароҳати кирраларини кискичлар билан ушлаб аста секин олдинга тортилади. Бунинг натижасида юрак мустаҳкамланиб чок куйиш осонлашади.

Юрак жарохати узлуксиз ипак чоклари ёрдамида оралиги 0,5 см колдирилиб тикилади. Чоклар эндокард каватигача бомаслиги керак. Лекин Е.П.Глинскаянинг таъкидлашича юракни эндокард кавати ҳам олинса, чок герметик мустахкамланиб тромб ҳосил булиши юзага келмайди.

Юрак жарохати тикилгандан кейин перикард бушлиги кон лахтакларидан тозаланиб уни жарохатига узлуксиз чоклар қуйилади.

БИТМАЙ КОЛГАН БАТАЛОВ ЁУЛИНИ БОГЛАШ ОПЕРАЦИЯЛАРИ .

Баталов ёули хомила даврида упка артерияси ва аорта ёйининг орасида тортилган булиб чакалок тугилгандан кейин 2-3 кун ичида ёпилиб, 6 ой мобайнида бойламга айланади. Уни битмай қолиши натижасида тугма нуксон юзага келади.

Баталов ёулини боглаш учун Гросс 1938 й.ёулни боглаш операциясини ишлаб чиқди.

Тери кесими Ш ковурга оралиги буйлаб туш суягидан олдинги култик ости чизигигача утказилади.Кукрак кафаси каватма-кават кесилиб жарохат кенгайтирилади.Кукрак кафаси жарохатини кенгайтиришининг иложи булмаса Ш чи ёки !У ковургалар резекция қилинади.

Медиастенал плеврага 30-40 мл.025% новокаин юборилиб, диафрагмал ва сайёр нерв ёуналиши буйлаб кесилади.

Плевра кесилгандан кейин Баталов ёули битмай колган булса аорта ёйи ва упка артерияларида систоло-диастолик калтираш кузатилади.

Шундан сунг Баталов ёули топилади.Бунинг учун аорта ёйи юкорига упка артерияси пастга сурилади.Аорта ёйини чап сайёр нерв шу сохада олдидан кесиб утиб узидан чап қайтувчи хиккилдок нервини беради.Бу нерв аорта ёйини остидан ва оркасидан эгиб юкоригаёуналади.Баталов ёулини оркасида чап қайтувчи нерв жойлашганлиги сабабли асосий мулжал шу нервга каратилади. Ёул топилгандан кейин уни остига Дешан игнаси ёрдамида иккита лигатура утказиб боғланади.Лигатураларни кейинчалик очилиб кетиши инобатга олиниб улар орасидан ёул кесилиб учлари тикиб қуйилади.

МАЪРУЗА. КОРИН ОЛДИНГИ ДЕВОРИНИНГ ТОПОГРАФИК АНАТОМИЯ ВА ОПЕРАТИВ ЖАРРОХЛИГИ.

Р Е Ж А .

1 1.Корин олдинги деворининг топографияси.

А) Чегаралари ва сохаларга булиниши.

Б) Корин бушлиги аъзоларининг теридаги сояси.

В) Катламлари: корин тугри мушаги кинининг ҳосил булими, Спигель ва Дуглас чизиклари.

Г) Кон-томир нервлари.

2. Корин олдинги деворини оркадан қуриниши.

3. Чов сохаси: чов учбурчаги, чов канали, чов оралиги.
4. Тугри ва кийшик чов чурраларининг топ-си.
- 2 Чурралар ва уларнинг операциялари.
1. Чов чурраларининг операциялари.
 - А) Чов каналининг олдинги деворини пластикаси.
 - Б) Чов каналини орка деворини пластика килиш.
2. Сон чурраларининг операциялари.
 - А) Сон сохасидан операция килиш. (Бассини усули).
 - Б) Чов сохасидан операция килиш (Руджи, Парлавеччо, Райх).
3. Киндик чурраларининг операциялари.
4. Корин ок чизиги чурраларининг операциялари.

Корин сохаси корин девори ва корин бушлиги кисмларига булинади. Корин деворининг чегаралари- юкоридан туш суягининг ханжарсимон усимта ва ковурга ёйлари билан, пастдан ёнбош суягининг кирралари, чов бойламлари, ков думбоклар хамда ков бирикмасини юкори кирраси билан чегараланса, икки ёндан X 1 ковурга охиридан ёнбош суягини киррасига утказилган чизик (лесафт чизиги) лар билан чегараланади. Бу чизик урта култик ости чизигининг давоми хисобланиб, корин деворини бел сохасидан ажратиб туради.

Ковурга ёйлари чуққиси ва ёнбош суякларининг кирраларини бирлаштирувчи кундаланг чизиклар ёрдамида бу соха уч кисмига булинади: корин устки кисми (ЕПУГАСТРИУМ), урта кисми (МЕГОГАСТРИУМ) ва корин пастки кисми (ХУР-

Корин тугри мушакларининг ташки кирралари буклаб утказилган вертикал чизиклар ёрдамида корин девори уз навбатида 9 та сохаларга булинади. Унг ва чап ковурга ости, унг ва чап корин ён сохаси, унг ва чап чов сохалари , корин хусусий сохаси , кендик ва ков усти сохалари.

Бир ёшгача бўлган чакалоklar корин сохасининг ташки куруниш шакли эркаларнинг корин кисмига ухшаш. Киндик ассиметрик жойлашган-пастга силжиган. Мушак каватларининг ривожланганлиги сабабли уларни рельефи курилмайди, корин олдинга ва пастга буртиб чиққан .

Бола юра бошлангандан кей ин мушак тонуси кучайиб коринни осилган шакли аста йуқолиб, 7 ёшлик даврида нормал ҳолатни олади. Шу даврда корин деворидаги терисининг кундаланг сурмалар хам текисланади.

КОРИН ДЕВОРИ.

Тери юпка ва ноҳик, киндикдан пастки кисмида бир неча кундаланг сурмалари мавжуд, киндик сохаси остида жойлашган катламларига мустаҳкам беррикан. Тери ости ёғ катлами нисбаттан яхши ривожланган, лекин ҳамма сохаларида бир хил калинликда булмади: урта чизик, ков усти ва чов сохаларида калин бўлиб, 1,5 см гача калинликда бўлиши мумкин. Юза фасцияси икки варагдан тузилган. Унинг юзаки вараги сийрак тузилишга эга бўлиб, ичида куп ёғ туқималари жойлашган. Юза фасциясининг чуқур вараги (Томсон пластинкаси) мустаҳкам ривожланган. Шу сабабли уни баъзан корин ташки кийшик мушагининг апоневрози деб айтиш мумкин.

Корин деворининг хусусий фасцияси юпка ва сийрак. Ёш улгайган сайин калинлашиб, кариеларда мустахам структурали тузилишига эга булади ва чов бойлами хамда чов каналининг ташки кирраларига бирикади.

Юза фасция вараклари орасида, баъзан эса тери ости ёг тукима каватнинг ичида юза кон томир нервлари жойлшади.

Кон-томирлари. Корин деворининг пастки кисмида сон артериясидан чикувчи корин усти юза (a. epigastrica superficialis), ёнбош суягини айланиб утувчи юза (a. circumflexa ilium superficialis) ва ташки уятли (a. pudenda externa) артериялари жойлашади. Корин усти юза артерияси чов бойламининг ички учдан бир кисми сохасидан киндикка караб йуналади. Бу артеияни ташки томонида ёнбош суягини айланиб утувчи юза артерияси жойлашиб, ёнбош суягининг кирраси томонига йуналади. Чов каналининг ташки тешиги сохасида эса, ташки уятли артериясини тармоклари мавжуд. Хамма артерияларни веналар кузатади. Веналарни диаметрлари артерияларга нисбатдан каттарок булиб, веноз турларини хосил килади. Киндик сохасида бу турлар яхши ривожланган булиб, улардан кукрак корин усти веналари (v. thoracoepigastrica) бошланади. Бу веналар юкорига йуналиб култик ости ёки кукракни ташки венасига куйилади. Киндик атрофида эса, сон венасига куйилувчи корин усти юза венаси билан анастомоз хосил килади. Натижада юкори ва пастки кавак веналари орасида кава-кавал анастомоз юзага келади.

Бундан ташки корин деворининг юзага веналари чукур каватма жойлашган веналари ва киндик атрофи (v. paraumbilicalis) веналари билан хам анастомоз оркали кушилади. Киндик атрофи (v. paraumbilicalis) веналари билан хам анастомиоз оркали кушилади. Киндик атрофи веналари 4-5 та поячалардан тузилган булиб, жигар юмалок бойламининг таркибидан дарвоза венасига (v. portae) бориб куйилади. Шундай килиб юкори ва пастки кавак веналари киндик атрофи веналари оркали дарвоза венаси билан кушилиб, портокавал анастомозини хосил килади.

Мушаклари, чукур кон-томир ва нервлари:

Корин девори мушак каватларига корин ташки кийшик (m. obliquus abdominis externa), ички кийшик (m. obl. abd. interna), кундаланг (m. transverse), тугри (m. rectus abdominis) ва пирамидасимон мушаклари киради.

Корин ташки кийшик мушаги- мушак ва пай (апоневроз) толаларидан тузилган, унинг йуналиш йули юкоридан пастга ва ташкаридан ичкарига. Корин тугри мушагининг ташки киррасидан 1,5-2 см. ташкарига мушак толалари апоневрозга утади. Ёнбош суяги кирраларини бирлаштиривчи чизикдан пастга мушак толалари булмасдан факат пай кисми мавжуд. У эса, уз навбатида чов бойламини хосил килишда катнашади.

Корин ички кийшик мушаги ташки кийшик мушагига карама-карши йуналиб, унинг йуналиши пастдан юкорига ва ташкаридан ичкарига, лекин пастки толалари пастга ва ичкарига йуналган.

Корин кундаланг мушаги кундаланг равишда йуналган булиб, уни мушак толалари пайга утиш жойида яримойсимон чизикни (linea semilunaris – Спигель) хосил килади.

Ёш болалар корин девори мушак каватларини яхши ривожланмаганлиги сабабли, мушак толаларидан апоневрозга утиш сохасининг аник чегараси булмайди. У сабабли, уларда Спигель чизигининг аниклаш кийин.

Ички кийшик ва кундаланг мушакларининг орасидан кон-томир ва нервлар утади. Кундаланг мушагининг олдинги юзаси буйлаб кундаланг йуналишда пастги 6 жуфт ковургалараро кон-томир, нервлари ва ёнбош-корин усти (*p.iliohypogastrica*) ҳам ёнбош-чов (*p.ileoinguinalis*) нервлари йуналади. Бу каватни ташки кисмидан эса ёнбош суягини айланиб утувчи чукур артериясининг кутарилувчи тармоги утади.

Корин тугри мушаги (*m. rectus abdominis*) бу мушак ков суягидан У-У2 ковургаларни тогай кисмига караб тортилган булиб, уни кенглиги киндикдан юкорида кенгрок лекин юпка , киндикдан пастда эса, ингичкарок ва каин . Киндик сохасида унинг кенглиги 5-5,5 см.га тенг . Мушакни йуналади буйлаб 3 та (баъзан 4 та) кундаланг йуналган пай тусикчалари мавжуд. Шу тусикчалар мушакни олдинги кинига мустахкам бириккан булиб, уни ичидан кон-томир ва нерв шохчалари утади. Бу тусиклардан икkitаси киндикдан юкоридан, учинчиси киндик сохасида, агарда туртинчиси балса киндикдан пастда жойлашади.

Мушакни оркасида буйлаб (аввал орка киники орка девори буйича , кейин эса мушакни орка юзасидан) уни кон билан таъминловчи икkitа кон – томирланади утади. Юкоридан пастга караб, курак ички артериясининг (*a. thoracica interna*) давоми хисобланган корин усти юкори артерияси (*a. epigastrica superior*) пастдан юкорига караб йуналган ташки ёнбош артериясидан (*a. Epigastrica inferior*) артериялари.

Корин тугри мушакларининг пастки кисмидан ок чизикни таранглаштиравчи пирамидасимон мушаклари бошланади. Бу мушаклар 20% холатларда булмаслиги мумкин.

Корин тугри мушагининг кини кенг мушакларнинг апоневрозга утиши натижасида хосил булади. Корин ташки кийшик мушагининг апоневрози мушакни олдинги юзасидан утса ички кийшик мушагининг апоневрози тугри мушакнинг ташки киррасида икkitа варакка булиниб, биттаси олдиндан, иккинчиси эса оркадан эпиб утади. Кундаланг мушагининг апоневрози тугри мушакни оркасидан утади. Шундай килиб, корин ташки кийшик мушагининг апоневрози ҳамда ички кийшик мушаги апоневрозининг бир вараги тугри мушакни олдинги кинини, ички кийшик мушаги апоневрозининг иккинчи вараги ва кундаланг мушак апоневрозим орка кинини хосил килади. Лекин тугри мушак кинининг тузилиши унинг бутун йунолиши бир хил булмайди. Киндикдан 4-5 см пастрокда кенг мушакларининг апоневрозлари тугри мушакни олдинги юзасига утади. Тугри мушак орка кинини пай толалари бу ерда яримхалкасимон чизикни (Дуглас чизиги) хосил килади. Шу чизикдан пастдан тугри мушакни орка юзасини кундаланг фасция ёпиб туради.

Корин олдинги девори тузилишининг бундай узгаришини одамларни горизонтал холатдан вертикал холатга утиши натижасида корин мушаклари прессининг пастки кисмига босимни куп таъсир килишга боглик.

Ёш болаларнинг тугри мушаги бошка мушакларга нисбатан яхши ривожланган, айникса киндикдан пастки сохада.

Корин ок чизиги (*lineo albae*). Бу чизик олтига корин кенг мушаклари пайларининг узаро кесишишидан хосил булади. (3 та унғ ва 3 та чап томонда). Ок чизик иккала тугри мушаклари бир-биридан ажратиб, туш суягининг ханжарсимон усимтасидан ков бирикмасига тортилган.

Чакалоқлар ва 6 ойгача булган болаларни корин ок чизиги 10-15 смдан узун булмайди ва 2 ёшгача кисман ривожланади. У нисбатдан кенг, лекин юпка. Эмизалик давр болаларида унинг калинлиги киндик усти сохасида 0,4-0,8 мм.га тенг. Ок чизикни хосил килувчи апоневрозларни куп толалари узаро кесишади, баъзи толалар кесишмасдан карама-карши томонга утиши мумкин. Апоневроз тутами толаларини орасида 1 см.узунликга тенг булган ёриклар ва тешикчалар булиб, улар оркали артериал ва веноз томирчалари утади. Бу тешикчалар купрок киндик усти сохасида жойлашган. Улар баъзан ок чизик чурралари дарвозасини хосил килиши мумкин.

Илк болалик ёши даврида ок чизик кенглиги киндик халкаси сохасида 2 см.га тенг булади. Бу чизикни ён кирралари ассиметрик жойлашган пай тусиклари билан кушилганлиги сабабли, нотекис шаклида булади. Болани улгайиши билан биргаликда ассиметрик шакли хам узгариб текисланади. Корин ок чизики киндик халкасидан пастда аста ингичкалашиб, ингичка тасма шаклига утади.

Корин ок чизиги тананинг энг яхши кон билан таъминланган апоневрозлардан хисобланади. Уни корин усти юкори ва пастки артериялари кон билан таъминлайди. Уни корин усти юкори ва пастки артериялари кон билан таъминлайди. Корин усти пастки артерияси юкори артерияга нисбатдан ок чизикни купрок сохасини кон билан таъминлайди (киндикни 3-7 см.юкори кисмигача).

Чакалоқларни корин усти артериялари ок чизикка кийшик, яъни уни ён томонларидан йуналиб кирса, катта кишилардан тугри бурчак шаклида йуналади.

Киндик сохаси. Киндик бу киндик халкасининг урнида ичкарига караб отган терини чандик шаклидир. Чакалоқлар киндиги пастга караб силжиганлиги сабабли, ханжарсимон усимта орасидаги масофа ков бирикмаси масофасидан узунрок. Уни скелетотопияси 3-1У бел умурткаларининг орастдаги умурткалараро халкага ёки 1У бел умурткасининг танасига тугри келади. Киндик териси юпка, остида жойлашган чандикли тукимага мустахам бириккан. Уни остида киндик фасцияси ва корин пардаси ётади. Бу сохада тери ости ёғ тукимаси булмайди. Ёғ тукима кавати булмаганлиги сабабли, кутурган ит тишлаган беморларга эмлаш уколини шу сохада утказилади, чунки антирабик моддасининг таркибида карбол кислотаси булиб, бу кислота ёғ тукимасини некрозга учратади.

Чакалоқлар ва эмизакли давр болаларнинг киндигининг шакли юмалок ёки овал шаклида булади. Агар юмалок шаклида булса уни кундаланг диаметри 9-13 мм, горизонтал диаметри 10-19 мм га тенг. Хомила ва чакалоқларни киндик халкаси оркали киндик чизимча утади. Бу тизимчани чакалоқ тугилгандан кейин боглаб кесилади. Тизимча чултоги тугилгандан кейин 5-7 кун ичида узилиб

тушиб, уни урнида киндик хосил булади. Киндик тизичасининг колдигидан эса, тери катламига мустахкам бириккан чандик пайдо булади. Агарда чакалокларнинг тери кавати киндик тизимчасига куп давом этса, тизимча узилиб тушгандан кейин, киндик ташкарига буртиб чиқади (тери киндик). Киндик халкасининг пастки кирраси мустахкам, юкор каррасига нисбатдан 2-3 баравар калин.

Хомила даврида иккита киндик артерияси ва сийдик йули киндик халкасининг пастки киррасига келиб бириккан булиб, улар тугилгандан кейин, бир хафта мобайнида мустахкам чандикли тукумага айланади. Киндик халкасининг юкориги кисми нисбатдан заиф булганлиги сабабли, шу жойдан чурра чикиши купрок кузатилади. Киндик тешиги бу ерда юпка кушимча тукума ва киндик фасцияси билан копланган. Баъзи чакалокларни киндик фасцияси булмаслиги мумкин ёки бу фасция киндик халкасининг юкориги кисмида тугаб, киндик халкасининг озод колдиради. Киндик фасциясининг булмаслиги ёки уни заифлиги окибатида чурра чикиши учун анатомик замин яратилади.

Мушак каватларидан кейин коринни кундаланг фасцияси (ички фасция) жойлашиб, у жуда нозик ва юпка , корин пардасига тегиб туради. Корин парда олди ёг тукумаси булмайд. Бу ёг тукумаси 2 ёшдан кейин пайдо була бошлайди.

Кундаланг фасцияни корин ички фасцияси хам деб аталади. Бу фасция кайси мушакни олдини ёпса, шу мушак номи билан аталади. Масалан: кундаланг , квадрат фасциялари ва х.к. Бу фасция пастдан чанок бушлигига давом этиб, чанок ички фасцияси (fascia endopelvina) номини олади.

Кундаланг фасция чов сохасида ков суягининг орка юзасига бирикади . Бу фасция фасциялараро ёрикларни хосил килишда хам катнашади. Ёрикларда эса йиринглар йигилиб бошка сохаларга таркалади (асосан корин парда орка сохасига). Корин бушлигидан чурралар чикиши натижасида кундаланг фасция чурра халтасини таркибига кушилади.

Ёнбош- чов сохаси: бу соха корин олдинги деворининг асосий анатомикларидан булиб, уни чегаралари-юкоридан ёнбош суякларини бирлаштирувчи чизик (linea bispinalis), пастдан чов бойлами, ичкаридан корин тугри мушагини ташки киррасидан утказилган вертикал чизик билан чегараланади. Соханинг анатомик ахамияти шундаки, бу жойдан вентрал (катта) чурралар чикиши кузда тугилади. Чурра чикишига асосан шу ерда жойлашган ва нисбатдан заиф хисобланган чов оралигини мавжудлиги асосий роль уйнайди. Чов оралигини юкоридан-корин ички кийшик ва кундаланг мушакларининг озод кирралари, пастдан-чов бойлами, ичкаридан тугри мушагининг ташки кирраси чегаралайди. Чов оралигини сийрак тукума , уруг тузимчаси ёки бачадонни юмалок бойлами (киз болалардан) тулдириб туради. Корин деворининг мустахкамлиги чов оралигининг баландлигига боглиқдир. Корин ички кийшик ва кундаланг мушаклари канча юкорида жойлашса, корин девори шунча заиф булиб, купрок чурра чикиши кузатилади. Ёнбош-чов сохасида чов канали (canalis Inqvinalis) булиб, уни 4 та девори : олдинги, орка, юкори, пастки ва 2 та тешиги – ички (чукур) (anulis profundus) хамда ташки (юзаки) (anulis superficialis) тафовут килинади.

Канални олдинги деворини –корин ташки кийшик мушагининг апоневрози, орка деворини –кундаланг фасция, юкори деворини-коринни ички кийшик ва кундаланг мушаклари, пастки деворини-чов бойлами хосил килади. Ён болаларни корин кундаланг фасцияси юпка ва нозик пардага ухшаш, бу фасция ёш улгайган сайин мустахкамланиб боради. Мустахкамланиш жараёни купрок медиал киррасининг ташки чов чукурчаси сохасида, чукурчалараро бойламлари хисобига булади.

Чов каналининг ички (чукур) тешиги кундаланг фасция хисобига хосил булса, ташки (юзаки) тешиги корин ташки кийшик мушагининг апоневрози иккита оёкчага булинишидан юзага келади. Бу оёкчалардан юкоридагиси-ков бирикмасининг олдинги юзасига , пастдагиси-ков думбогига (*tuberculum pubicum*) бирикади ва натижада уларни орасида учбурчак-симон ёрик пайдо булади. Бу ёрикни юкори кисми оёкчалараро толалар билан (*fibrea intercrucalis*) турдирилганлиги сабали, пастки кисмида тешик юзага келади. Бу тешикни пастдан рефлекс бойлами чегаралайди. Чов канали ташки тешигининг диаметри эмизакли даври болаларда 0,7-1,4 см га, усмирлик даври болалардан эса 1-3 см га тенг булиши мумкин. Бундан ташкари болаларда чов канали калта, лекин кенг. Уни узунлиги эмизакли давр болаларида 0,5 дан 2,5 смгача, кейингалик канал узунлашиб кийшик йуналиш шаклига эга булади. Канални ташки тешиги хам катталарникига ба тешик жойланиши пастга силжийди.

Ёш болаларнинг чов канали купинча чандикга учрамаган корин пардасининг кин усимтаси ва уни ичида жойлашган уруг тизимчаси элементлари билан тулдирилган. Бундай болаларни купчилигида тугма чов ёки чов-ёргок чурралари келиб чикишига замин яратилади.

Уруг тизимчасининг таркибида уруг йули (*funiculisspermaticus*), кон ва лимфа томирлари (*a.v.spermatica*) мояк кон томирлари, (*a.v.testicularis*) веноз чигаллари ва уруг тизимчаси билан бирга, ёнбош- чов нервининг терминал кисми (*n.ilioinguinalis*) хамда уят-сон нервининг (*n.genitofemoralis*) уят шохи (*r.genitalis*) жойлашган.

Киз болаларда эса, бачадоннинг юмалок бойлами хамда майда артерия ва веначалар мавжуд. Бачадонни юмалок бойлами (*liq.teres uteri*) чов каналидан чиккандан кейин катта уятли лабларни тери ости ёг тукумасида тугайди.

Чакалоklar чов каналининг хосил булиши , моякни ёргокка йуналиш жараёнига богликдир. Хомиланинг биринчи 3 ойлик даврида мояк корин парда орка сохасида , умуртка погонасининг икки ёнида жойлашади. Уни уч томонда корин парда ураб олган. Шу сохада моякни пастки кисмидан уни кузатувчи тасма булиб, булгуси чов каналининг ички тешиги оркали ёргокка ва шу жойда елпигичсимон таракалади. Хомилани ривожланиши билан бирга мояк хам корин парда орка сохасидан чов каналиги, кейин эса ёргокка тушади. Моякни булгуси чов каналининг ички тешигига йуналиш даврида корин пардасининг париетал варагидан кур усимта хосил булиб, бу усимта корин деворининг хамма каватларини кулкопни бармогига ухшатиб буртиб чикаради, ва ёргокка йуналади. Натижада чов каналининг ички тешиги хосил булади. Куп угил болаларни тугилиш даврида мояк ёргокка тушиб, уз урнини эгаллайди, мояк кузатувчи эса атрофига учрайди. Кин усимтасининг юкори кисми битиб, моякни сероз бушлиги

корин бушлигидан ажратади. Шундай килиб, мойк ёргокни ичида иккита парда билан копланиб туради: висцерал (оксил пардасига ёпишган) ва париетал (кин усимтасининг бир кисми). Бу варакларни орасида сероз бушлик хосил булади. Баъзан корин пардасининг кин усимтаси бирикмай (туташмай) колиб, корин бушлиги кин усимтаси бушлигига утади. Чов сохаси мушаклари апоневрозларини зайифлиги туфайли, кин усимтасининг бушлигига корин бушлиги аъзолари кириб колиши мумкин ва чов чурралари хосил булади.

КОРИН ДЕВОРИНИ ОРКАДАН КУРИНИШИ .

Чов чурраларининг хосил булиш механизмини билиш учун корин девори пастки кисмидаги корин пардасининг тузилиш хусусиятларини урганиб чиқиш зарурияти тугилади. Бу ерда корин пардаси ва кундаланг фасциясининг орасидан бурмаларни хосил килувчи кон-томир ва сийдик йулини (*urachus*) колдиги жойлашади. Сийдик йули (*urachus*) хомила даврида сийдик халтаси чатисмасини алантоис билан кушади. Бола тугилгандан кейин бу йул урта чизик, буйлаб сийдик халатсининг чуққисидан киндикка караб тортилади. Корин пардасининг париетал вараги уни устини ёпиб утиши натижасида киндик ковук урта бурмаси (*pluca vesicoumbilicalis mediana*) хосил булади. Сийдик халтасининг икки ён томонларидан киндикка караб, киндик артериясининг колдиги йуналган булиб, уларни устида иккита унг ва чап медиал бурмалар (*pl. vesicoumbilicalis medialis*) хосил булади. Бу бурмалардан ташкарида корин усти пастки кон-томирлари (корин пардасини озгина кутариши натижасида) ташки чов бурмаси (*pluca invihalis lateralis*) юзага келади. Айтилагн бурмаларнинг орасида эса, корин деворининг заиф жойлари хисобланган чуқурчалар хосил булади. Урта ва ички бурмаларининг орасида сийдик халтаси усти (*fovea suprapubica*) ички ва ташки бурмаларининг орасида ички чов (*fov.inqvinalis medialis*), ташки бурмадан ташкарида эса, ташки чов чуқуралари (*fov.inqvinalis lateralis*) хостл булади.

Ички чов чуқурчаси узининг жойланиши буйича чов каналининг ташки тешиги тугри келиб, ков думбагидан ташкарида тасвирланади. Ташки чов чуқурчаси чов каналининг ички тешиги сохасида жойлашади, уни теридаги тасвири чов бойламинининг уртасига тугри келади.

Чакалоklar ва ёш болалар корин деворининг ички юзаси катталарникига нисбатан текис шаклдаги куринишига эга. Чунки сийдик халтаси ков бирикмасининг юкори киррасидан юкорида жойлашган , халта усти чуқурчалари текис ёки умуман булмаслиги мумкин . Урта киндик бурмаси нисбатан калин, лекин калта, ички киндик бурмаларидан эса, кон томирлар мавжуд. Ички (медиал) чов чуқурчаси яхши ривожланган , ташки киндик бурмаси яхши ажралиб турмаганалиги сабабли, ташки чов чуқурчасидан заиф чегараланади. Корин девонрининг артериялари ингичка, кесгандан осонлик билан пучаяди, шу сабабли операция пайтида кам кон оқади.

ЧОВ КАНАЛИНИНГ ЧОВ ЧУРРАЛАРИДАГИ ТОПОГРАФИЯСИ.

Корин деворининг чурралари деб, корин бушлигининг аъзоларини тешиklar, ёриклар, каналлар ёки мушак-апоневротик каватларида хосил булган нуксонлар

оркали чикишига айтилади. Корин деворининг чурралари учун уни урта элементи шарт: чурра дарвозаси (тешиги), чурра халтаси, (купинча корин парда), ва аъзолари (ичаклар, чарви).

Чов чурраларининг хосилш булиш механизмига асосан мушак ва пай – (апоневроз) каватларининг заиф ривожланиш сабаб булади. Чурралар купинча чоа оралиги кенг ва уни юкори девори юкорида жойлашган, яъни учбурчаксимон шаклдаги кишилардан купрок учрайди. Бундай холларда чов оралиги 5,5 см.гача узунликда булиши ва пай элементларининг заиф ривожланиши ёки умуман булмаслиги мумкин.

П.А.Куприянов, Н.И.Кукуджанов ва бошка олимларнинг таъкидлашларича соглом кишилар чов каналаининг олдинги девори факат корин ташки кийшик мушагининг апоневроз билан эмас, балки ички кийшик мушагининг толалари билан ҳам ёпилиб туради. Юкори деворининг эса кундаланг мушак хосил килади. Бундай чов канали тузилишига эга булган эркакларнинг уруг тизимчасини корин ички кийшик мушаги уз толалари билан ёпиб туради. Моякни кутарувчи мушак (m.cremaster) ва корин ички кийшик мушаги толаларининг орасида ингичка ёрик колади. Кундаланг мушак эса ички кийшик мушагининг юкорирогда жойлашиб, уруг тизимчасининг олдидан ёпмай уни устики киррасида тегиб туради.

Корин ички кийшик мушагининг толалари уруг тизимчасининг олдини ёпмасдан, ундан юкорида жойлашса, чурра чикиш учун анаттомик замин яратилади. Корин ички кийшик мушаги чов учбурчаги сохасида корин бушлиги босимига каршилик киладиган асосий кават хисобланади. Агар бу мушакнинг пастки кирраси уруг тизимчасидан юкорида жойлашса, ташки кийшик мушаги апоневрозининг заифлашиши натижасида канални орка девори (кундаланг фасция) босимга каршилик курсатолмай колади. (П.А. Куприянов).

Чов чурралари тугри ва кийшик булиши мумкин.

Кийшик чов чурралари ташки чов чукурчасидан бошланиб, чов каналининг ички тешигига тушади, шу ердан уруг тизимчаси йули оркали канални ташки тешигига, кейинчалик эса ёргокгача (кизларда катта уятли лабларнинг тукумасига) давои этади. Чуррани босиб урган йули кийшик йуналишда булганлиги сабабди, кийшик чов чурраси дейилади. Бундай холатда чурра халтаси кин пардасининг ичида жойлашиб, уруг тизимчаси элементлари билан уларган булади. Моякни кутарувчи мушагининг (m.cremaster) поячалари умумий кинни устида ётади. Чурра халтаси корин усти пастки артериясидан (a.epigastrica inferior) ташкарида булади.

Тугри чов чурралари чов оралиги тукумаларининг тузилиши ёки ёрилиши натижасида келиб чиқади. Чурра ички (медиал) чов чукурчасидан бошланиб, тугри чов каналининг ташки тешигига йуналади. Чурра бутун чов канали буйлаб утмасдан, факат тешиги оралиги чиқади. Унинг босиб утган йули тугри булганлиги сабабли, тугри чов чурраси дейилади. Чурра халтаси кин пардасидан ташкарида жойлашиб, ёргокгача давом этмайди.

ЧОВ ЧУРРАЛАРИНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ .

Огриксизлантириш: Махаллий инфилтратиф анестезия ёки умумий наркоз остида утказилади.

Тери кесими чов бойламидан 2 кундаланг бармок эни юкоридан ва унга паралель 6-8 см.узунликда утказилади. Тери ости ёғ тукумаси, ва юза фасциянинг иккала вараклари кесилгандан кейин, чов каналининг ташки тешиги топилиб унга тарновсимон зонд киритилади ва ташки кийшик мушак апоневрози кесилиб чов каналининг олодинги девори очилади.

Чурра халтаси атрофидаги тукумалардан ажратилиб чукукисидан иккита анатомик пинцет ёрдамида кутарилади. Кейин халтада тешик хосил килиниб, шу тешик оркали тарновсимон зонд ёки иккита бармок киритилади ва скальпель ёки кайчи ёрдамида уни буйнига караб кесиб борилади. Чурра аъзоси куздан кечирилади. Аъзо ранги кизгиш, кон-томирларидан кон юриши куринса ва махаллий температураси нормал булса уни корин бушлигига киритилиб чов канали пластика килинади. Агарда аъзонинг ранги кукумтир, температураси пасайган ва кесилиб колган хамда кон-томирларда юриши кузатилмаса бу ходисага олиб келган холат аникланиб (чурра дарвозаси кесилган ёки аъзо буралиб колган булиши мумкин), тугрилангандан кейин аъзо устини (иситилган фурацилин суюклигига хуланган) дока билан ёпиб 30 дакика кузатилади. Аъзода узгариш сезилмаса уни резекция килиб ташланади.

Чов каналининг пластикасининг бир неча турлари мавжуд. Уни олдинги ва орка деворларини пластика килинади . Жира-Спасокукоцкий-Кимбаровский усуллари.

Жирар усулида корин ички кийшик ва кундаланг мушакларининг пастки кирралари чов бойламига тикилиб унинг устидан апоневрозининг юкориги вараги тикилади кейин эса пастки вараг тикилоади.

Спацокукоцкий усулида эса апоневрознинг юкориги вараги билан ички кийшик ва кундаланг мушаклар биргаликда чов бойламига тикилади.

Кимбаровский чоки эса куйидагича: апоневроз юкориги варагининг киррасидан юкорирогдан игна ташкаридан ичкарига киритилиб, ички кийшик ва кундаланг мушаклар хам олинади, кейин эса оркага кайтиб охирги иккала мушаклар олинмасдан апоневроз киррасидан ичкаридан ташкарига чикиб кейин чов бойламига тикилади.

Мартынов усули- апоневрозининг юкориги варагини чов бойламига тикилиб уни устидан пастки вараг дубликат килиб тикилади.

Ру-Оппель усули- бу усул буйича чов каналини очмасдан чурра халтаси кесилиб уни ичидаги аъзоси корин бушлигига киритилгандан сунг чов каналининг ташки тешиги 2-3 узлуксиз ёрдамида торайтирилади.

Ру – Краснобоев усули- купинча ёш болаларда кулланилади. Бунинг учун ипак ипи билан (№4) ташки тешикнинг ташки оёкчаси чов бойламининг ички киррасига тикилиб (игнани чукур санчиш мумкин эмас) хосил булган брмаларга узлуксиз чоклари урнатилади.

Бобров усули: Ички кийшик ва кундаланг мушаклар уруг тизимчасининг олдидан чов бойламига тикилиб, апоневроз вараклари узаро бирлаштириш чок куйилади.

Каналнинг орка девоини Бассини , Кукуджанов усуллари буйича пластика килинади.

Бассини усулида уруг тизимчаси чекага суриб куйилиб ички кийшик ва кундаланг мушаклар чов бойламига тикилиб, янги хосил булган чов каналига уруг тизимчаси урнатиб куйилади. Кейин эса ташки кийшик мушаги апоневрозларининг вараклари узаро бирлаштириб тикилади.

Кукджанов усули: Чов канали очилгандан кейин уруг тизимчаси четга суриб куйилиб, заифлашган кундаланг фасция буйламасига кесилиб кискичга олинади ва тароксимон бойлами ажратилади. Ков думбогидан 3 см юкорирогда корин тугри мушаги кинининг орка деворини тароксимон бойламига утказилади лекин боғланмай кискичга олинади. Кейин ички кийшик мушаги илмок ёрдамида юкориг акутарилиб, кундаланг мушак ва кесилган кундаланг фасция юкориги варагини чов бойламининг орка юкори кисми ва кундаланг фасцияни пастки варагига 3-5 та чок билан тикилади.

Энг ташки чов каналининг ички тешиги соҳасига кiset шаклида куйилади. Латерал чокни тортиб боғлаш пайтида канални ички тешигини торайтирмасликка ҳаракат қилиш керак. Агар бу тешик торайиб қолса тугри мушакни орка кинини кесилади. Янги хосил булган чов каналига уруг тизимчаси куйилиб, апоневроз вараклари узаро тикилади.

Сон чурралари: Икки хил қириб бориш йули орқали операция қилинади. Бассини усули бўйича сон соҳасидан қириб бориш бунда тери кесими чов бойламидан 3-4 см. юкорирогда бошланиб вертикал ҳолда чуррани буртиб чиққан соҳаси бўлаб 10-15 см узуншликда кесилади. Тери, тери ости ёғ туқимаси, юза фасция кесилгандан сунг чарра ҳалтаси атрофдаги ёғ туқималар ва лимфа тугунлардан тозаланиб ҳудди чов чуррасидай ишлов берилади.

Сонг каналининг ички тешиги яъни чов бойламини сон соҳаси кесими бўйича Купер бойламига 3-4 та узлуксиз чоклар ёрдамида тикилади.

Бассини усули бўйича сон канали мустаҳкам ёпилади лекин чов бойлами пастга тортилиб чов оралиги кенгайиб кейинчалик чов чурралари чиқиш учун анатомик замин яратилади. Бундан ташқари қисилган сон чурралари бўлса ишлов бериш пайтида корин усти пастки артериясини кесиб қуйиш мумкин. Ва ниҳоят шу жойда нормада бўлмайдиган ёпқич артерияси утиши мумкин ва шу артерияни кесиш ҳавфи тугилади. (Улим тожи симптоми).

Руджи усули бўйича чов канали орқали қириб борилиб чурра ҳалтаси жароҳатдан чиқарилгандан кейин ишлов берилади. Сон каналининг ички тешиги яъни чов бойлами Купер бойламига тикиб қуйилади. Бу усулда ҳам чов оралиги кенгайиб кейинчалик чов чурраси чиқишига замин яратилади, лекин улим тожи симптоми ҳавфи бартараф этилади.

Парлавенчо усули бу усул бўйича ҳам чов каналдан қириб борилиб шу канални юкори деворини хосил қилувчи ички кийшик ва кундаланг мушаклар чов бойлами билан бирга Купер бойламига тикиб боғланади.

Бу усул бўйича ҳам чов канали ва ҳам сон канали мустаҳкамланади.

Киндик чурралари . Тери кесими киндикдан 2-3 см юкоридан оқ қизик бўлаб киндикни чап томонидан айланиб яна оқ қизик орқали 3-4 см пастгача кесилади. Семиз кишилар ва катта чурра бўлса киндик остидан ёйсимон кесим утқишиш мумкин.

Тери, тери ости ёг тукимаси юза фасция ва ок чизик кесилиб чурра дарвозаси топилади, кейин эса чуррага ишлов берилиб, пластика килинади.

Лексер усули- кичкина чурра булганда кулланилади. Дарвоза атрофига халталт чок куйилиб боғланади ва унинг устидан бир неча чоклар билан тикилади.

Сапежко усули буйича чурра дарвозаси буйламисага кенгайтирилиб чап варак ташкарига букиб куйилгандан кейин шу ерга унг варак учи «П» симон ёки узликсиз чок билан тикилиб чап варак кайирилиб унгни устидан дубликатура холда тикилади.

Мейо усулида эса дарвоза кундалангига кенгайтирилиб устки варак юкорига кайириб букилади. Колган кисми эса Сапежко усулидек давом эттирилади.

М А В З У : КОРИН БУШЛИГИНИНГ УМУМИЙ ТОПОГРАФИЯСИ . ИНГИЧКА ИЧАК ТОПОГРАФИЯСИ . ИНГИЧКА ИЧАК РЕЗЕКЦИЯСИ. ИЧАК ЧОКЛАРИ .

Р Е Ж А .

1. Корин бушлигининг умумий топографияси .
1. Чегаралари, юкори ва пастки каватга булиниши .
2. Корин бушлигинингш халталари ва уларнинг клиник ахамияти.
А) Жигар халтаси.
Б) Меъда олди халтаси.
В) Чарви халтаси.
Г) Чарви тешиги.
3. Корин бушлигидаги чунтаклар.
4. Корин ён каналлари ва уларнинг йирингли жараёнлардаги роли .
5. Туткич бушликларининг хосил булиши.
2. Ингичка ичак топографияси .
1. Кисмлари ва корин парда билан ёпилиши.
2. Ингичка ичак туткичи.
3. Юкори туткич артериясининг топографияси.
3. Ичак чоклари.
1. Тоза ва ифлос чоклар.
А) Лямбер, Матешук, Черни-Пирагов чоклари.
Б) Альберт ва Шмиден чоклари..
4. Ингичка ичак резекцияси.
А) Курсатмалари.
Б) Касалнинг операцион столдаги туриш холати ва огриксизлантириш усули.
В) Операцион сохага кириб боровчи кесим йули.
Г) Ингичка ичак томирларига ишлов бериш ва ичак кисмини резекция килиш.
Д) Ичак чоклари ёрдамида ичаклараро анастомоз куйиш.

Е) Операцион майдонга жоррохлик ишлов бериш ва тукималарни каватма-кават тикиш .

КУРГАЗМАЛИ КУРОЛЛАР: Таблицалар, муляжлар, слайдоскоп , ва слайдлар, маъруза матни .

КОРИН БУШЛИГИ .

Корин бушлигининг чегаралари : юкоридан - дифрагма, пастдан-катта хамда кичик чанок бушликларини ажратиб турувчи номсиз чизик (*linea terminalis*), олдиндан – корин девори мушаклари , оркадан умуртка погонаси ва бел мушаклари. Бу мушакларни олдиндан корин ички фасцияси (*fascia endoabdominalis*) ёпади. Корин бушлиги аъзолари корин пардаси билан уч хил хамма томонлама –интроперитонеал , уч томонлама – мезоперитонеал ва бир томонлама – экстроперитонеал уларганлиги сабабли, бу бушлик шартли равишда иккита бушликка булинади. Корин пардасининг париетал вараги билан уралган ёки корин бушлиги ва коринпарда орка сохаси бушлиги .

Ёш болалар корин бушлигининг хажми нисбатан катта . Кукрак кафаси, упкалар ва корин девори мушакларининг ривожланиши, диафрагманинг пастга тушиши хамда жигар хажмининг кичрайиши натижасида корин бушлигининг нисбий хажми кичиклашади. Корин бушлигининг очганда биринчи навбатда уни асоси кисмини турдириб турувчи жигар куринади. Жигарни олдинги кирраси меъдани, 12 бармокли ичак, хамда кутарилувчи ва кундаланг чамбар ичакларни бир кисми ёпиб туради. Эмизакли даври охирланида жигарни хажми кичрайиб , меъда ва талок хажмлари катталашади. Шу сабабли, бу ёшдаги болалар корин бушлиги очилганда меъдани куп кисмини текшириб куриш мумкин . Уни катта эгрилиги чакалокларникига нисбатан пастрокда жойлашади. Бундан ташқари ингичга ва йугон ичак ковузлоклари , чарви ва корин бушлигининг бошка аъзолари хам курина бошлайди .

Ичак ковузлокларини олдиндан кисман катта чарви ёпиб туради. Катта чарви ингичка тузилишига эга булиб, хар хил шаклда куриниши мумкин. Баъзан фартук шаклида, баъзан эса, алохида кисмларга булинган холда булиши мумкин. Куп холларда чарви горизонтал бурмалар билан йигилган булиб, чапга силжиган ; баъзан эса урта ёки унг томонга силжиган холда булади. Катта чарви кундаланг чамбар ичакни олдинги юзасини бутунлай ёпиб, ингичка ичакни баъзи кисмларига тегиб туради. Меъда ва ичакларни тулиб турган вақтида, чарви меъданинг олдинги ёки орка деворида баъзан эса, кундаланг чамбар ичакни остида жойланиши мумкин . Боланинг ривожланиши натижасида катта чарви пастга ва унга караб силжийди . Илк болалик даврида чарвининг олдинги ва орка юзалари узаро факат кундаланг чамбар ичак сохасида бириккан булади, холос .

Ингичка ичак туткичи ингичка ва калта булиб, уни ичида кон – томирлари жойлашади. Корин бушлигининг бойламлари жуда ингичга ва юпка , меъда -чарви тешиги (*foramen epiploicum*) нисбатан катта , кундаланг чамбар ичак туткичи калта , ичакни узи эса , харакатчан. Кур ичак юкорида жойлашган, уни гаустралари, тасмалари аникланмайди . Улар 1 ёшдан кейин аник курина бошлайди. Сигмасимон ичак чанок бушлигида эмас, бальки корин бушлигида

жойлашади, баъзан жигарни пастки киррасига тегиб туради. Корин бушлиги аъзоларининг синтопияси 20 ёшидан кейин катталрникига ухшайди, (Ф.И.Валькер)

Кундаланг чамбар ичак ва уни туткичи корин бушлигини иккита : юкори ва пастки каватларга булади . Бу булиниш нисбий хисобланиб, уларнинг орасида катъий тусик булмай, балки юкори ва пастки каватлар узаро оркадан кундаланг чамбар ичак ва ктта чарви , олдиндан корин девори билан чегараланган . Чарви олди тешиги ва ён каналлар оркали алока килади .

Корин бушлиги юкори каватида хосил булган патологик суюкликлар (эксудат, кон, жигар, талок жарохатларида, меъда ва 12 бармокли ичак яраларининг тешилиши натижасида овкат моддалари ва х.к.) осонлик билан пастки каватга таркалади. Шу билан биргаликда пастки каватни урта кисмлари , туткич бушликлари сохасидан инфекцияни юкорига утиши чегараланган .

Кундаланг чамбар ичак туткичини корин орка деворига бирикиш чизиги куйидагича утади: ундан, унг буйрак урта кисмини пастрогидан бошланиб, 12 бармокли ичакни тушувчи кисмини, кейин меъда ости беши бошчасини кесиб, без танасини олдинги юзаси буйлаб йуналади. Кейин эса чап буйракнинг урта кисмигача боради. Бу чизик корин олдинги деворида 10 чи ковурагаларнинг пастки нукталарни туташтирувчи чизикка тутри келади.

Корин бушлигининг юкори каватида жигар, ут пуфаги, меъда , талок, 12 бармокли ичакни бир кисми ва меъда ости безининг куп кисми жойлашган. Меъда ости беши корин парда орка сохасида жойлашган аъзо хисобланади, лекин безга опертив кириб бориш корин бушлиги оркали булганлиги сабабли шу бушлик аъзоси хисобланади.

Корин бушлигининг юкори кават аъзолари амалий ахамиятга эга булган туртта : унг ва чап жигар , меъда олди ва чарви халталарини хосил килади.

Унг жигар халтаси ёки унг диафрагма ости бушлиги юкоридан-диафрагма, пастдан -жигарни юкори (диафрагмал) юзаси , оркадан-жигарнинг унг тожсимон бойлами, ичкаридан – уроксимон бойлами ташкаридан – диафрагмани мушак кисми ва корин ён девори чегаралайди.

Бу халта олдиндан меъда олди халтаси билан алока килиб, ёндан унг ёнбош каналига утади. Одамнинг горизонтал холатга утиши натижасида , бу халта корин бушлигининг энг пастки кисми хисодланиб, унг ёнбош канали оркали бу ерга йиринг утиши кузатилади (масалан аппендицитлардан) . Натижада диафрагма ости абцесслар келиб чиқади. Йирингнинг бу халтага утиши учун диафрагманинг суриш кобилияти ва юкорига кутарилувчи чамбар ичакни перистальтикаси хам мухим роль уйнайди. Бу халтага йирингдан ташкари меъда ва 12 бармокли ичак яраларининг тешилиши натижасида хаво йигилиб , жигар сохаси тимпанит симптоми юзага келади. Рентгенологик текширишлар натижасида бу ерда яримойсимон ёрикликни аниклаш мумкин .

Чап жигар халтаси ёки чап диафрагма ости бушлиги унгига нисбатан кичикрок булиб, диафрагма ва жигарни чап булаги орасида жойлашади. Бу халтани деворлари : юкоридан –диафрагмани чап гумбази, пастдан – жигар чап булагининг диафрагмал юзаси, оркадан-чап тож бойлами , ичкаридан-уроксимон бойлам . Бу халта олдиндан ва ичкаридан меъда олди халтаси билан алока килади.

Меъда олди халтаси олдиндан – кориннинг олдинги девори билан , оркадан меъда ва жигарни чап булагига билан , пастдан эса кундаланг чамбар ичак билан чегараланган .

Юкорида айтилган халталар юзаки жойлашган булса чарви халтаси (bursa omentalis) энг чуқурда жойлашиб, корин деворига ҳеч қандай алоқаси бўлмайди. Бу халтани деворларини олдиндан – меъдани орка девори ва кичик чарви , оркадан-меъда ости беги , чап бўйрак ва бўйрак усти беги корин аортаси ҳамда пастки қавак венани устини коплаб турувчи корин парда , чапдан- талок ва унинг бойламлари , унгдан –жигар , юкоридан- қисман диафрагма, пастдан кундаланг чамбар ичак ва унинг туткичи чегаралаб туради. Куриб турганимиздек, чарви халтаси ҳамма томонлама аъзолар ва бойламлар билан уралган бушлик ҳисобланади. Бу бушликни кичик корин бушлиги ҳам дейлади. Шу жойда йиринг , ё кон йигилса , ташҳис қўйиш учун анча қийнчилик тугилади.

Бу халта ҳам , корин бушлигининг бошқа бушликлари қабии у билан чарви тешиги (Винслов тешиги – for.eryploicum) орқали алоқа қилади.

Чарви тешиги олдиндан - жигар 12 бармоқли ичак бойлами , оркадан –жигар – бўйрак бойлами ва пастки қавак венаси, юкоридан-жигарни дум қисми, пастдан –12 бармоқли ичакни юкори қисми ва 12 бармоқли ичак- бўйрак бойлами билан чегараланади . Бу тешик чандик билан ёпилмаган булса у орқали чарви халтасини текшириш мумкин .

Чарви тешигининг олдинги деворини ҳосил қилувчи жигар 12- бармоқли ичак бойламини тарқибда унгдан чапга қараб, умумий ут йули , копка венаси ва жигарнинг ҳусусий артерияси (Д.В.А.) жойлашган. Бу кон томирландан конга венаси умумий ут йули ва жигар артериясининг орасида ва уларга нисбатан чуқурроқда ётади. Шу соҳада операциялар утқизиш жараёнида кон-томирлар шикастланиб қолса, чарви тешиги орқали бойлам қисилиб вақтинча кон оқшини тухтатиш мумкин.

Чарви халтаси меъда ости бегининг юкори қиррасидан меъданинг кичик эгрилигига тортилган меъда , меъда ости беги бойлами (liq.gastropancreatica) ёрдамида иккита бушликка (юкори – кичикроқ , пастки –қатароқ) бўлинади. Бу бушликлар уз навбатида меъда , меъда ости без тешиги орқали узаро алоқа қилади.

Корин бушлигининг пастки қавати ингичка ва йугон ичак қовузуқлари билан тулдирилган бўлади.

Бу соҳанинг маоқазии қисми ингичка ичаклар билан тулдирилган бўлиб, уларни унгдан, юкоридан, чапдан ва пастдан йугон ичак қисмлари урайди . Оч ичак қисмлари юкори ва қупроқ чап тарафда, ёнбош ичак эса, пастда ва унг томонда жойлашади. Ёнбош ичагининг бир қисм қовузуқлари кичик қанок бушлигини тулдириб юкорига – қутарилувчи ва пастга тушувчи йугон ичаклар олдинги юзаларини қисман ёпади. Сигмасимон ичагининг туткичи узун булса, у юкоридан кундаланг чамбар ичагига тегиб туриши мумкин ёки унг томонга йуналиб илео – цекал бурчак соҳасида жойлашади.

Корин бушлиги пастки қаватида иккита ён каналлар (canalis abdominalis lateralis dext.et sinist) (унг ва чап ён каналлари) тафовут қилинади. Унг ён каналини ташқаридан –қоринни ён девори , ичкаридан қутарилувчи чамбар ичак

чегаралайди. Бу канал оркали корин бушлигининг пастки кавати юкори кавати билан алока килади. Шу сабабли, чувалчангсимон усимтасининг уткир йирингли яллигланиши пайтида (купинча гангренозли аппендицит хилида) йиринг бу канал оркали унг жигар халтасига утиши кузатилади. Корин бушлиги чап ён каналлини ташкаридан-коринни ён девори ичкаридан тушувчи чамбар ичак чегаралайди. Бу канални юкори кисми диафрагма – йугон ичак бойлами. (*liq.phrenicacolicum*) билан ёпилганлиги сабабли, корин бушлигининг юкорин ва пастки каватлари бу канал оркали алока килолмайди.

Йугон ичак кисмлари корин бушлиги пастки кавати атрофини ураб олиши натижасида уларни орасида кенг бушлик юзага келади. Шу бушликни, ингичка ичак туткичи юкоридан пастга ва чапдан унга караб кесиб утиб, иккита туткич бушликларига булади: унг ёки юкори ва чап ёки пастки (*sinus mesentrica dextra el sinistra*).

Унг туткич бушлигининг ташкаридан-кутариловчи чамбар ичак, юкоридан кундаланг чамбар ичак, ичкаридан-ингичка ичак туткич чегаралаб туради. Бу бушликнинг асоси юкорига караган учбурчаксимон тузилишга эга. Ингичка ичак туткичи кутариловчи чамбар ичак туткичига давом этганлиги сабабли, бушликнинг пастки кисми ёпик, шу сабабли бу ерда туплаган йирингли жараёнлар чегараланган холда булиши мумкин.

Чап туткич бушлигини ичкаридан-ингичка ичак туткичи; юкоридан кундаланг чамбар ичакни чап кисми, ташкаридан ва пастдан-тушувчи чамбар ва сигмасимон ичаклар чегаралайди. Чап бушлик ҳам учбурчаксимон шаклга эга, лекин уни асоси пастга караган ва чанок бушлигига утади. Бу бушликдан йиринг чанок бушлигига утиб чанок абцессларини хосил килиши мумкин.

Корин бушлигини халталари, туткич бушликлари, ён каналларидан ташкари уни куйидаги чунтаклари ҳам мавжуд. 12 бармо-ок ичак чунтаги (*recessus duodenojejunalis*) бу чунтак 12 бармок оч ичак бурчаги (*flexura duodenojejunalis*) ва кундаланг чамбар ичак туткичи орасида тортилган корин пардасининг иккита бурмалари орасида хосил булиб, уни ичида пастки туткич венасининг охирги кисми жойлашади. Баъзан холларда бурмалар орасидаги чукурча катта булиши мумкин ва унга оч ичак ковузлоклари кириб кисилиб қолишига сабаб булади (Трейц чурралари).

Ёнбош ичакнинг кур ичакка утиш жойида иккита юкори ва пастки илеоцекал чунтаклари хосил булади. Юкори чунтак илеоцекал бурчагининг устида жойлашиб юкоридан ёнбош-чамоар ичак бурмаси билан, пастдан эса, ёнбош ичак билан чегараланган. Пастки илеоцекал чунтаги ёнбош ичакни остида жойлашган. Кур ичакнинг оркасида кур ичак оркаси чунтаги (*rec.retrocecalis*), чунтаги хосил булади.

12 бармокли ичак (*Duodenum*).

Чакалоқларни 12 бармоқлари ичакнинг узунлиги 7,5-10 см. га тенг. Эмизакли давр болаларида халкасимон ёки П-симон шаклига эга.

Унинг туртга кисми тафовут килинади: юкориги кундаланг, тушувчи, пастки кундаланг ва кутариловчи. Кундаланг чамбар ичак ва унинг туткича 12 бармокли ичакнинг тушувчи кисмини кундалангига кесиб утиши натижасида бу ичакнинг

бир кисми корин бушлигининг юкори каватида, иккинчи кисми эса пастки каватида жойлашади.

Юкори кундаланг кисми калта ва кенг булиб, унга ва озрок оркага йуналади. Ичакни бошка кисмларига нисбатан корин парда билан хамма томонлама (интроперитонсал) уралган. Юкоридан унга жигарнинг квадрат булагги тегиб туради ва шу жойга жигар 12 бармокли ичак бойламининг каудал кисми бирикади. Юкори кундаланг кисмининг олдинги юзасига ут пуфаги тегиб турса, оркасида-копка венаси, умумий ут йули ва меъда 12 –бармокли ичак артерияси ётади. Пастдан меъда ости безининг бошчаси билан ёндошади. Ёш болаларни 12- бармокли ичаги ва кушини аъзолар оркасидаги бойламлари жкда нозик, ёг тукимаси эса, булмаслиги мумкин. 12 бармокли ичакни тушувчи кисми 1-2 бел умурткаларининг ёнларида жойлашади.

Унинг олдинги юзасига кундаланг чамба ичак, орка юзасига унг буйрак дарвозаси , пастки кавак вена, ички юзасига –меъда ости безининг бошчаси, ташки юзасига –кутариловчи чамбар ичакни унг эгрилиги тегиб туради. Тушувчи кисмининг орка-ички юзасига умумий ут йули ва меъда ости безининг йули очилади. Улар ичакнинг шилик каватида катта дуоденал (Фатер сургичини хосил килади). Катта дуоденал сургичи , атрофида мушак кискичи (Одди кискичи) жойлашиб, у йул ампуласини ураб олади, ва суюкликни ичак ичига куйилишини бошкариб туради.

Пастки кундаланг кисмининг узунлиги ва шакли узгарувчан булиб, корин парда оркасида жойлашади. Кундаланг чамбар ичакни юкорига силжитса, 12 бармокли ичакнинг пастки горизонтал кисмининг деворлари куринмай колиши мумкин. Бу кисмининг оч ичакка утиш жойида ёки уткир бурчакли эгрилик (flexura duodenojejunalis) хосил булади. Бу бурчак ингичка ичак туткичининг бошланиш жойини аниклаш учун асосий соха хисобланади.

12 бармокли ичак ва оч ичак орасидаги бурчак кундаланг чамба ичак остида 1-2 бел умуртка погонасининг чап томонида жойлашади.

12 бармокли ичакнинг пастки кундаланг кисмининг юкори юзаги меъда ости безининг бошчаси ва танаси тегиб туради. Олдида эса кундаланг чамбар ичак туткичи билан ва ингичка ичакнинг ковузлоклари ёпиб туради. Ичани шу кисмидан юкоридан пастга ва чапдан унгга караб юкори туткич кон томирлари кесиб утади. Бу кон томирлари меъда ости безининг пастги киррасидан чикиб ичак туткичининг ичида йуналади. Артерия венага нисбатдан ва чукуррокда ётади. Бу кон-томитрлар баъзан ичакни пастки кундаланг ёки кутариловчи кисмларини кисиб куйиши мумкин . 12 бармокли ва оч ичак бурчаги сохасида юкори туткич артериясидан урта йугон ичак артерия тармоги (a.colica media) ажралиб чикиб кундаланг чамбар ичак туткичининг ичида ётади.

Кон билан таъминланиши – 12 бармокли ичак асосан иккита системада кон олади: биринчиси меъда 12 бармокли ичак (a.gastroduodenalis) артериясидан чикувчи юкори меъда ости бези 12 бармокли ичак ва иккинчиси юкори туткич артериясидан чикувчи пастки меъда ости бези 12 бармокли ичак артериялари (a.pancreatodunalis superior et inferior) . Баъзан эса, ичакни кон билан таъминлашда бешта артерия катнашади. Шуларадан учтаси корин артериал поясидан иккитаси эса юкори туткич артериясида чиқади.

Юкори ва пастки меъда ости беи 12 бармокли ичак артериялари меъда ости беи ва 12 бармокли ичак орасидаги эгатдан утиб артериал ёйни хосил килади. Бу ёй ичакни ва орка юзаларини кон билан таъминлайди. Ичакни юкори кундаланг кисми меъда туткич ва юкори меъда ости беи 12 бармокли ичак артерияларининг кушилиши натижасида хосил булган артериал ёйдан кон олади.

12 бармокли ичак юкори ичак туткичи, олдинги ва орка буйрак хамда куёш чигали нервлари билан иннервацияланади.

12 – БАРМОКЛИ – ОЧ ИЧАК БУРЧАГИ (FLEXURA DUODENOJEJUNALIS).

Бу бурчак 12 бармокли ичакнинг оч ичакка утиш жойида хосил булиб, уни меъда ва ингичга ичак орасига анастомоз куйиш ёки корин бушлигини текшириб куриш пайтида (ревизия) излаб топилади.

Бурчак ва оч ичак бошланиш кисмини излаб топиш учун А.П.Губарёв усули кулланилади. Бу усул буйича кундаланг чамбар ичак ва катта чарви чап кул ёрдамида юкорига сурилади. Уларни шундай суриш керакки , кундаланг чамбар ичакни туткичи таранглашсин . Кундаланг ичак асосидан, унг кул билан умуртка погонаси томилади (П бел умурткасининг танаси) . Курсаткич бармок билан умуртка погонасини чап томонида ичак ковузлоги изланади. УП бел умуртка погонаси ва курсаткич бармок орасида ётади.

Агавр ичак ковузлоги умуртка погонасига бириккан булсагина , уни оч ичакнинг бошланиш кисми деб билиш керак. Бу жойда яъни 12 бармокли – оч ичак бурчаги ва корин пардасини орасида тортилган иккита бурма куринади: юкориги (уни ичида пастки туткич венаси ётади) ва пастки 12 бармокли ичак бурмалари . Иккала бурмаларнинг орасида эса , юкори ва пастки чунтак жойлашиб, баъзан унинг ичига ичак ковузлоклари кириб қолиши мумкин (Трейтц чурралари) .

Ушбу бурчакдан унга юкори туткич кон –томирлари утади .

ИНГИЧГА ИЧАК РЕЗЕКЦИЯСИ.

Курсатмалари: чурра таркибига кириб уни қисилиши натижасида юзага келган ичак некрозлари , туткич артериясининг тромбози ёки буралиб қолиши натижасида ичак некрозга учраши , ичак жароҳатлари яллигланишлари (Крон касаликлар) корин терлама касаликларда юзага келган яралар .

Операцион кириш йули: урта – урта лапоратомия ёки пастки урта лапоратомия кесими кулланилади. Агар ингичка ичак ковузлоги чурра илименти були қисилиш натижасида некрозга учраган булса (купинча чов , сон чурраларида) , чурра операциялари вақтида сон ва чов канали тешиклари кичкина булганлиги сабабли ичакни резекция қилиш қийинчилик тугдиради. Бунинг учун чурра операцион кесимида қушимча яна пастки урта лапоратомия кесими куллаш зарурияти тугилади.

Ичак резекциясининг асосий босқичи резекция қилинувчи соҳасининг чегараси ҳисобланади. Бунинг учун ичакнинг соғ соҳасидан қисилиши керак ва уни томрларини сақлаб қолишига ҳаракат қилинади .

Резекциядан шуни этиборга олиш керак ким ичакнинг қисилиш ҳолатларида узғариш купрок олиб келувчи қисмида юзага келади . Шу сабабли

ичакнинг олиб келувчи кисмини некрозга учраган кисмига 10-15 см етмасдан олиб кетувчи кисмини эса 8-10 см узокрокдан резекция килинади .

Ичак резекциясидан унинг туткичини ичидаги томирларни боглаб кесиш мухим рол уйнайди. Бунинг учун ингичка ичакнинг кон билан таъминланиш хусусиятларини эсда саклаш маъкул . Бизга малум ки юкори тутки артерияси корин аортасидан чикиб 12-бармокли ичагининг пастки горизонтал ва меъда ости беи бошчасининг орасидан утиб туткични ичига киради ва аркадаларга (бир неча) кейин эса паралель артерияларига ва улардан тутри артериялар чикиб ичак деворига киради.

Артерияларни паралель артериялар сохасида кесиб богланса шу артерия кон билан таъминловчи : соханинг колган кисми яна некрозга учрайди.

Агар ичакнинг кам кисми зарарланган булса томирлар ичак деворига якин жойдан боглаб кесилади . Ичак деворининг куп кисми зарарланган булса (усмаларда) бундай холда ичак туткичи хам понасимон шаклида кесилади. Ичакни туткичи билан биргаликда резекция килиш учун уни резекция килинувчи сохасидан илдиз асосига караб кесиб борилади.

Резекция килинувчи ичакнинг охирги кисмларига кисувчч (Кохер) кискичи , колувчи кисмига эса эластик кискич (ичак жомлари) урнатилади. Кисувчи кискичлар кийшик – кундаланг йуналиши буйича (ичакни озод сохаси купрок туткичли кисми эса камрок олинади) куйилади .

Бунинг натижасида ичакни купрок томирлари сакланиб колинади ва уни диаметри кам тораяди .

Кисувчи кискичларнинг ташкий сохасидан ичак кесиб ташланиб ичаклар орасида анастомоз куйилади. Анастомоз куйишнинг уч хили тафовут килинади.: учма-уч, ёнма-ён , ва учма-ён.

Учма –уч анастомоз куйиш бошка анастомозларга нисбатан физиологик жихатидан кулайрок . Лекин бунинг учун олиб келувчи ва олиб кетувчи ичакларнинг диаметрлари бир хил булиши шарт. Бундан ташкари анастомоздан кейин ичак диаметри кисилиб колиши мумкин. Уни олдини олиш учун узлуксиз чоклардан фойдаланиш кулайрокдир. Олиб келувчи ва олиб кетувчи ичакларнинг орка кисмига серо-сероз Лямбер чоки куйилади, кейин эса орка (ички) лабларни Альберт ичак чоки ёрдамида тикиб чикилади ва олдинги (ташки) лабларга бурувчи Шмиден чоки куйилади.

Шмиден чокидан кейин операциянинг ифлос боскичи тугайди . Жаррохлик асбоблар ва докалар стериллангани билан алмаштирилиб , жаррох кулини ювади. Кейин эса Шмиден чокининг устидан яна серо-сероз Лямбер чоки куйилади.

Ёнма-ён анастомоз куйишида эса иккала кесилган юзаларига серо-сероз каватларни олган холда халтали (айлана) чок куйилиш ичакларнинг учи тозаланиб йод эритмаси суртилади. Кейин ичак чултоги халтали чокни ичига керитилиб тортиб богланади, унинг устидан Сёки зет – симон чок куйилади.

Иккала ичакларнинг охирги кисмлари узаро якинлаштирилиб серо-сероз чоклари ёрдамида бир-бирига тикилади. Лямбер чокидан 0,75 см колдирилиб ичак девори анатомик пинцет ёрдамида ушланиб хамда каватлар кесилади ва тешик оркали ичакнинг ичи тупфер билан тозаланиб икки томонга караб (Лямбер чокининг бошланиш ва тугаш кисмига 1 см етмасдан) ичак девори

кесилади . Иккинчи ичакда ҳам худди шундай кесим утказилади . Натижада 4 та лаб (иккита ички ва иккита ташки) ҳосил булади . Ички лабларга Альберт чоки ташки лабларга эса Шмиден чоки куйиб тикилади. Операциянинг қолган қисми эса юқорида қурсатилган усул билан тугатилади. Жароҳат қиррасига резинали найча (72 соат) куйилиб, кесилган юмшок туқималар қаватма-қават тикилади.

Ёнма-ён анастомоз қуйишининг ўчма-ўчдан афзаллиги шунда қим бу усулда ичак диаметри торамайди, лекин физиологик жихатдан қамчилик томонни бўлиб , унда ичак чултоқлари қўр ҳалта шаклида қолади.

МАЗЗУ : БЕЛ ВА ҚОРИН - ПАРДА ОРҚА СОХАЛАРИ .

Р Е Ж А .

Бел соҳаси .

- А) Чегаралари, қаватлари .
- Б) Медиал ва латерал мушаклари.
- В) Пти ва Лесгафт – Грюнфельд ўқбўрчаги.

Қорин - парда орқа соҳаси

- А) Деворлари .
- Б) Фасциялари.
- В) Туқима бўшлиқлари.

Қорин – парда орқа соҳаси аъзоларининг топ-си.

- А) Бўйрақлар.
- Б) Бўйрақ ўсти безчалари .
- В) Сийдик йўллари.
- Г) Қорин аортаси .
- Д) Пастки қавақ вена.

Бўйрақ операциялари.

- А) Бергман – Израэль ва Фёдоров усуллари бўйича утказиладиган кесимлар.
- Б) Пиелотомия.
- В) Декапсуляция.
- Г) Нефроексия.
- Д) Нефротомия.
- Е) Нефрэктомия.

БЕЛ СОХАСИ .

Чегаралари: Юқоридан-ХП қовўрга ва қуқрак ўмурткаси , пастдан-ёнбўш суяқларининг юқори орқа қирраларини бирлаштирўвчи қизик, ташқаридан – Х1 қовўрга ўчларидан ёнбўш суяги қиррасига утқазилган қизик (Леесгафт қизиги), ичкаридан-ўмуртка қогонасининг ўтқир ўсиқлаи билан чегараланади.

Ўмуртқани тикловчи (Эректор спинэ) мушагининг ташки қирраларидан утқазилган қизик ёрдамида медиал ва латерал гуруҳ мушак қаватларига бўлинади.

Териси калин, тери ости ёғ тукимаси соханинг пастки кисмида икки кавак булиб жойлашган . Юза ва хусусий фасция орасидаги ёғ тукимаси думба усти созасигача давом этади ва шу жойда думба бел ёғ ёстикчасини хосил килади (корпус адипозе лумбоглутеалис).Бу ёстикча аёллар ва ёш болаларда яхши ривожланган.

Хусусий фасцияси белни сербар ва корин ташкий кийшик мушакларини устини ёпади . Уни остида кукрак – бел фасцияси (тораколумбалис) жойлашиб икки варақдан тузилган Юза вараги умурткаларни уткир усигидан бошланади. Чукур вараги эса кундаланг усикларга бирикади. Бу варақларни ичида медиал гурух мушаклари жойлашган .

Медиал гурух мушакларига умурткани тикловчи, уни остида белни квадрат , ундан олдинрок яъни умурткага якин белни катта мушаклари киради .

Латерал гурух мушаклари уч кават булиб жойлашган .

1 кават – белни сербар ва корин ташки кийшик мушаги. Белни сербар мушаги пастдан юкорига ичкаридан ташкарига йуналса иккинчи мушак унга карама карши йуналани . Ёнбош суяги кирраси сохасида бу иккала мушаклар кесишиб П ти (Петити) учбурчагини хосил килади .

Учбурчакни юкори ички деворини – белни сербар , юкори ташки деворини – корин ташки кийшик мушаклари, пастки деворини – ёнбош суяги чегаралайди. Учбурчакни тубини корин ички кийшик мушаги тулдиради . Бу учбурчакка коринпарда орка сохасидан йиринг утиши мумкин ва баъзан бел чурралари чиқади.

2.каватда орканги пастки тишсимон ва корин ички кийшик мушаклари ётади. 2 чи кават ва медиал гурух мушаклари XII ковурга билан бирга Лесгафт – Грюнфельд ромби ёки учбурчагини хосил килади.

Учбурчакни ичкаридан- умурткани тикловчи мушаги , пастдан- корин ички кийшик мушаги, юкоридан- орканги пастки тишсимон мушаги чегаралайди . Юкори ташки чегарасини хосил килишад XII ковурга катнашса ромб шаклини олади. Тубида кундаланг мушак ётади.Уни ичдан ковурга ости кон-томир нерви утади . Бу соха хам бел кисмининг заиф жойи хисобланиб баъзан бел чурралари чикиб йиринг йигилиши мумкин .

3 каватда кундаланг мушаги жойлашади.

Кундаланг мушакдан кейин кундаланг фасция жойлашган булиб, корин ички фасцияси (фасция эндоабдоминалис) дейилади. Бу фасция бел сохасида кайси мушакни ёпса шу мушак номи билан аталади. Масалан: фасция трансверзалис, псоатика, квадрата.

Корин ички фасцияси корин парда орка сохасининг орка деворини чегаралаб туради.

КОРИН ПАРДА ОРКА СОХАСИ.

Деворлари : оркадан – корин ички фасцияси, олдиндан – корин пардасининг париетал вараги , юкоридан – диафрагма , пастдан эса чанок бушлигига давом этади.

Корин ички фасциясининг олдида (оркадан олдинга караб) корин парда орка ёғ тукима кавати (текстус целюлозус ретроперитонеалис) жойлашган. Бу каватни оркадан - ички фасция, олдиндан – буйракни орка фасцияси, юкоридан – диафрагма чегаралайди. Пастдан эса чанок бушлигидаги тугри ичак оркаси бушлигига давом этади. Олдиндан корин парда олди ёғ тукимаси билан кушилади.

Кейинги кавати корин парда фасцияси (ф.ретроперитонеалис).Бу фасция корин пардасини корин ён деворидан оркага утиш жойидан бошланади. Бу соха кутарилувчи ва тушувчи ичаклар сохасига тугри келади.

Фасция буйракларни ташки киррасидан икки варакка булинади буйракларни олдида (пререналис) ва оркадан (ретрореналис) урайди. Бйурак олди ва орка фасциялари буйракларни пастки кутбида бир-бирига тусиклар оркали бирикади. Буйрак олди фасцияси буйрак усти безини хам ураб унга кобик хосил килади.

Шундай килиб корин парда орка фасцияси ва буйракни хусусий капсуласини орасида буйрак атрофи ёғ тукима кавати (паранефрон) хосил булади. Буйрак орка фасцияси пастдан сийдик йулларини хам урайди.

Фасция ретропериотеналис корин парда орка сохасининг олдинги ва орка сохаларга булади.

Олдинги сохада буйраклар ва буйрак усти безлари хамда сийдик йуллари, орка сохасида эса корин аортаси, пастки вакак венаси симпатик поя, куёш чигали, кукрак лимфа йули ва лимфа тугунлар жойлашади.

Корин парда орка фасциясининг олдида ичак олди ёғ кавати (параколон) жойлашган булиб, уни оркадан буйрак олди фасцияси, олдиндан Тольди фасцияси чегаралайди.

Шундай килиб юкоридан курсатилгандек корин парда орка сохасидан 3та фасция (корин ички, корин парда оркаси ва ичак олди-Тольди) ва 3та ёғ тукима бушлиги (корин парда оркаси, буйрак атрофи, ичак олди) тафовут килинади.

БУЙРАКЛАР .

Ловия тузилишига эга булган аъзо булиб кобик билан ёпилган. Фиброз кобиги уни устида ёғ тукима кобиги (паранефрон) ва ташки кобиги. Ташки кобиги корин парда орка фасциясининг хисобига хосил булган.

Буйракларни корин деворидаги тасвири шуни курсатадики улар иккита сохада яъни хусусий корин ва ковурга ости сохаларида жойлашган.

Чап буйрак унг буйракка нисбатан юкориригда ётади. Уни склетотопияси Х1 кукрак умурткаси ва 1-П бел умурткаларининг орасида жойлашган унг буйрак умуртка бир умуртка пастда, яъни ХП кукрак П-Ш бел умурткалари орасида ётади. ХП ковурга чап буйракни уртасидан, унг буйракни юкори кисмидан кесиб утади.

Буйракларни теридаги тасвирий нуктаси корин олдинги девори томонидан корин тугри мушаклари ва Х1ковурга ёйларини кесишган бурчагига,бел сохасидан эса ХП ковурга ва умурткани тикловчи мушакларининг кесишидан хосил булган бурчакка тугри келади.

Буйракларни ички ва ташки кирралари , олдинги ва орка юзалари , юкори ва пастки кутблари мавжуд.

Синтопияси . Иккала буйракларни юкори кутбида буйрак усти безчалари жойлашган.

Унг буйракни юкори кисмига жигар, ут пуфаги , 12 бармокли ичак тегиб туради. Юкори кисмини олдинги юзасини кундаланг чамбар, ичагининг унг эгрилиги кесиб утади. Олдинги юзасини кутарилувчи чамбар ичак, ичкаридан пастки кавак венаси жойлашади.

Чап буйракнинг юкори кисмига талок ва меда ости безининг дум кисми, олдинги юзасига меъданинг катта эгрилиги ва кундаланг ичакни чап эгрилиги тегиб туради.

Олдидан тушувчи ичак, ичкаридан корин аортаси жойлашади.

Буйракларнинг ички кирраси ичкарига ботган шаклида тузилган булиб, шу жойда буйрак дарвозаси мавжуд. Буйрак дарвозасига артерия ва нерв чигали, кириб, вена ва сийдик жоми чикади. Артерия, вена ва жом буйрак оёкчаларининг хосил килади.

Буйрак оёкчаларининг элементлари юкоридан пастга ва олдиндан оркага караб вена, артерия жом (В.А.Ж.) тарзида жойлашган.

Буйрак артериялари корин аортасидан 1 ёки 2чи бел умурткаларининг рупарасидан чикади. Унг буйрак артерияси чапига нисбатдан узун ва ингичкарок булиб пастки кавак венани оркасидан кесиб утади.

Артериялар буйрак дарвозасига киришди олдин пастки буйрак усти беги тармогини беради. Буйрак дарвозасида олдинги ва орка тармокларга булинади. Олдинги тармоги буйракни 2/3, орка тармоги 1/3 кисмини кон билан таъминлайди. Буйракларнинг ташки киррасидан 1см оркада олдинги ва орка артериялар бир-бирига якин келмаслиги сабабли буйракларнинг кам кон билан таъминланган кисми хосил булади .Бу кисмини «Цондек» чизиги дейилади.

Цондек чизигининг буйракдаги тасвири уни ташки киррасидан 1см оркада ва унга паралель утказилган чизик буйича аникланади. Буйрак операцияларидан шу чизикдан кесим утказилса кам кон окиши кузатилади.

Баъзан 1/3 кисм ходисаларда буйраклар аортадан чикувчи кушимча артериялар хисобига хам кон билан таъминланади. Бу артериялар дарвозадан кирмасдан буйрак кутблари сохасидан кириши мумкин (купинча пастки кутбида). Буйрак операцияларида шу артерияларни хам ннобатга олиш зарурдир.

Буйрак веналари буйрак усти веналарини хам узига кабул килиб пастки кавак венасига куйилади. Чап буйрак венаси унг венага нисбатан узунрок ва корин аортасини оркасидан кесиб утади. Бу венага буйрак усти венасидан ташкари яна чап мояк (тузумдон) венаси хам куйилади. Чап мояк венасини буйрак венасига куйилиши сабабли венада димланиш юзага келади. Шунинг учун томонлама «варикоцелле» касалиги купрок учрайди.

БУЙРАК УСТИ БЕЗЧАЛАРИ .

Бу безчалар буйракларнинг юкори кутбида жойлашган булиб, буйрак олди фасцияси улар учун кобик хосил килади.

Безларнинг теридаги тасвири хусусий корин сохасига тугри келади (кисман унг ва чап ковурга ости сохасига).

Склетотопияси Х1-Х2 кукрак умурткаларининг рупараси .

Унг безни асоси – унг буйракни юкори кутбида , орка юзаси- диафрагманинг бел кисмига, олднги юзаси- жигарни орка медиал кисмига, ичкаридан-пастки кавак венага тегиб туради.

Чап без унг бездан пастрокда жойлашиб уни пастки кисми меъда ости безининг дум кисми ва талок кон-томирларига , олдинги юзаси меъданинг катта эгрилигига тегиб туради.

Буйрак усти безчаларини учта артерия кон билан таъминлайди.Юкори артерияси – пастки диафрагмал артериядан.

Урта артерияси - корин аортасидан, пастки артерияси –буйрак артерияларидан чикади.

Буйрак усти беzi веналари битта вена оркали кушилиб чапи буйрак венасига, унг эса буйрак ёки пастки кавак венасига куй илади.

СИЙДИК ЙУЛЛАРИ.

Сийдик йуллариининг корин ва чанок кисмлари мавжуд булиб уни диаметри бир хил эмаслиги сабабли уртача 05 см-дан 1 см-гача.Уртача узунлиги 27-32 см. Учта торайган ва иккита кенгайган кисмлари булиб,1 чи тораймаси жомдан утиш жойида , 2чиси номсиз чизик сохасидаги ёнбош артериялари билан кесишган кисмида, 3чиси сийдик халтасига очилиш жойида .

Сийдик йуллариининг корин олдинги деворидаги тасвири киндик сохасидаги тугри мушакларни ташки кирраси буйича, бел сохасида эса умуртка погонасининг кундаланг усиклари оркали утказилган вертикал чизикка тугри келади.

Йул бутун узунлиги буйича ёг тукумаси билан уралган булиб белни катта мушаги фасциясида (м.пзоас) ётади.

Мушакни пастки кисми сохасида ваза тестикулярис ёки оварикани оркасидан кесиб утади.

Номсиз чизикка еткандан кейин унг сийдик йули ташки, чап эса умумий ёнбош артерияларини олдиндан кесиб пастга йуналади. Шу артериялар билан кесишган жойида йукорирокда йуллари орка юзаларига н. Генитофеморалис тегиб туради.

Унг сийдик йулидан ичкарида-пастки кавак вена, ташкаридан- кутарилувчи ва кур ичак жойлашган. Чап сийдик йулидан ичкарида-аорта, ташкарида эса тушувчи ичак жойлашади.

КОРИН АОРТАСИ.

Кукрак аортасининг давоми хисобланиб ХII кукрак умурткаси рупарасида диафрагманинг аорта тешиги оркали утади ва IУ-У бел умурткаларининг тугрисида умумий ёнбош артерияларига булинади.

Корин бушлигида умуртканинг чап ёнида жойлашади. Уни юкори кисмининг олдинги юзасини меъда ости беzi ва кундаланг чамбар ичак туткичи кесиб утади. Пастки кисмининг олдинги юзасини ингичка ичак ковузлоклари ва туткичи ёпиб туради.. Унг томонида пастки кавак вена, юкорида жигар , чап томонида талок, чап буйрак ва буйрак усти беzi жойлашган.

Корин аортасидан висцерал ва париетал тармоклари чиқади.

Париетал тармоклари – бир жуфт пастки диафрагмал ва турт жуфт бел артериялари .

ВИСЦЕРАЛ ТАРМОКЛАРИ .

- 1) Корин артериал пояси – аортанинг олдинги юзасидан ХП кукрак 1 бел умурткаларинингн оралиги сохасидан чикиб 3 та тармокка (чап меъда , талок ва умумий жигар) булинади.
- 2) Юкори туткич артерияси - 1 бел умурткаси такасининг урта кисми сохасидан чиқади.
- 3) Буйрак усти беzi урта артериялари – аортанинг икки ёнидан юкори туткич артериясидан пастрокдан чиқади.
- 4) Буйрак артериялари – 1 ва II бел умурткалари сохасидан бошланади.
- 5) Мояк ёки тухумдон артериялари – аортанинг олдинги юзасидан буйрак артерияларидан пастрокда чиқади. Мояк артерияси эркакларда чов канали оркали моякка юналса тухумдон артерияси тухумдон бойлами ичидан тухумдомга юналади.
- 6) Пастки ичак туткичи артерияси – III бел умурткасининг рупарасида чиқади ва чап йугон ичак, сигмасимон хамда юкори тугри ичак артерияларига булинади.

Корин аортаси юкоридан айтилгандек IУ №У бел умурткалари рупарасида унг ва чап умумий ёнбош артерияларига булинади. Бу артериялар эса пастга ва ташкарига 30 ёки 60 бурчак остида йуналади. Узунлиги бир неча мм-дан 12 см-гача, уртача 5-7 мс-га тенг.

ПАСТКИ КАВАК ВЕНАСИ .

IУ-У бел умурткалари сохасида иккита умумий ёнбош веналарининг кушилишидан хосил булиб, умуртка погонасининг унг томонидан жигар сохасига ва уни оркасидан жойлашган диафрагманинг тешиги оркали кукрак сохасига утади.

Венани олдида ингичка ичак туткичи , 12 бармокли ичагининг пастки кундаланг, меъда ости безининг бошчаси ва копка венаси жойлашади. Венани чап томонида умуртка погонаси ва корин аортаси ётади. Унг кирраси

БУЙРАК ОПЕРАЦИЯЛАРИ .

Буйраклар ва корин парда оркаси аъзоларига кириш учун Бергман – Израель ва Федоров операцион кесимлари кулланилади.

Брегман-Израэль кесими ХП баъзан эса Х1 ва умурткани тикловчи мушагининг кесишган бурчагидан бошланиб биссектриса чизиги буйича пастга ва ташкарига юналади. Кейин эса ёнбош суягининг олдинги юкори киррасида ва унда

4-5 см тепарокда тугайди. Агар сийдик йулларининг пастки кисмларида ҳам операция утказиш зарурияти тугилса шу кесимни Пирогов кесими буйича давом этирилиб, чов бойламига паралель, корин тугри мушагининг ташки киррасида тугатилади.

Каватма-кават (1) тери, тери ости ёғ тукумаси юза ва хусусий фасциялар, (2) белни ва корин ташкий кийшик мушаклари; (3) орканги пастки тишли ва корин ички кийшик мушаклари; (4) бел кукрак фасциясининг чукур вараги ва корин кундаланг мушаклари кесилади.

Туртинчи каватни кесишдан олдин ХП ковурга остида жойлашган ковурга ости ва ёнбош-бел (Н.СУБКОВАЛИС, Н. ИЛИОЛУМБАЛИС) нервларига эҳтиёт булиб, уларни чекага суриб куйиш мақсадга мувофиқдир. Акс холда шу нервлар иннервациялайдиган мушаклар фалажланиб кейинчалик чурралар чиқиши мумкин.

ФЁДОРОВ КЕСИМИ .

Бу кесим ҳам юкорида курсатилган Бергман-Израэль кесимининг бошланиш жойидан бошланиб, ХП ковурга остидан ва унг паралель орка ёки урта култик ости чизигига кесилади . Агарда корин бушлиги аъзоларига ҳам операция утказиш зарурияти тугилса кесимни корин урта чизигига ва киндикдан 3-4 см юкорирок кисмда тугатилади.

Шундай килиб айтиш мумкинки Фёдоров кесими ҳам буйраклар ва ҳам корин бушлиги аъзоларида операция утказишда (интроперитонеал кесими) кулланилса, Бергман-Израэль кесими факат корин парда орка соҳаси аъзоларида, корин пардани кесмасдан (эктроперитонеал) операция утказиш учун кулланилади.

ПИЕЛОТОМИЯ - БУЙРАК ЖОМИНИ ОЧИШ .

Пиелотомия операцияси буйрак жомида то ёки полиплар пайдо булганда утказилади.

Юкорида курсатилган кесимлар ёрдамида кириб борилиб буйрак жарохатдан чиқарилади. Сийдик йулининг бошланиш кисми эластик кискич билан кисилиб жомга иккита ушлагич кетгутли ип урнатилади. Иплар ушланиб тортилади ва уларни орасидаги бурмадан буйрак дарвозаси томонидан пастга караб (дарвозага 1,5-2 см етмасдан) сероз ва мушак каватлари кесилади. Бу каватларни кесгандан кейин шиллик кавати буртиб чиқади. Шиллик кавати анатомик пинцет ёрдамида юкорига кутариб кайчи билан кесилади.

Жомни ичидаги тош олинмиб уни жарохати икки каватли чок ёрдамида тикилади. Чокни биринчи кавати ингичка кетгут ёрдамида шиллик кавати олинмасдан тикилади. Биринчи чокни устига ёғ тукумаси куйилиб уни устидан иккинчи кавак чок куйилади. Чокларни масофаси 2-3 мм-дан куп булмаслиги шарт. Жарохатга резинали найча урнатилиб каватма-кават тикилади.

ДЕКАПСУЛЯЦИЯ - БУЙРАК КОБИГИНИ КЕСИБ ОЛИШ .

Курсатмалари – буйракларни босимини ошиши.

Буйрак очилгандан кейин унг ташки кирраси буйлаб фиброз кобиги кесилади. Кейин дарвоза томонга караб кобик аста секинлик билан утмас йул оркали ажратилади.

НЕФРОПЕКСИЯ - БУЙРАКЛАРНИ МУСТАХКАМЛАШ.

Нефропексия буйрак уз урнидан пастга силжиб колган пайтида утказилади. Уни пастга силжиши бирданига огир юк кутарилса ёки жуда семиз килишларни тезлик билан ориклариб колиши натижасида юзага келади.

Буйракларни фиброз кобигида тасма шаклида кесим утказилиб уни дистал кисми кесилади ва тасма учи ХП ковулга устидан утказилиб яна фиброз кобигига тикилади. Агарда ХП ковулга булмаса буйракни фиброз кобиги бел сохаси мушакларининг фасциясига тикилади.

НЕФРОТОМИЯ - БУЙРАК ПАРЕНХИМАСИНИ ОЧИШ .

Нефротомия операциялари буйрак ичи тошлари ва йиринг бушликларини тозалаш мақсадида утказилади. Бунинг учун тош ёки йиринг бушлиги ингичка игна ёрдамида пункция килиб аниклангач буйрак паренхимаси игна йули оркали «куз» скальпели билан кесилади. Операциянинг асосий босқичи тугатилгандан кейин буйрак паренхимаси икки каторли ингичка кетгут ёрдамида тикилади. Чокларни боғлаш пайтида жуда хам каттик тортиб боғламаслик керак . Акс холда паренхима кисилиши мумкин.

НЕФРЭКТОМИЯ - БУЙРАКНИ ОЛИБ ТАШЛАШ .

Курсатмалари - укотар куроллардан отилган уklar таъсирида буйрак жароҳатлари , буйракни ёпик жароҳати , буйрак тош касалликлари (нефролитиаз), пионефроз, буйрак усмалари, гидронефроз, Асосий курсатмаси иккинчи буйракни соғлиги ва уни борлиги . Баъза иккинчи буйрак булмаслиги мумкин. Шунинг учун бундай беморларда нефрэктомия утказиш катъиян манъ этилади.

Бемор соғ ёни билан ёткизилади.

Тери кесими Бергман – Израэль ёки Фёдоров усуллари буйича утказилиб буйрак очилади. Баъзан буйрак юкорида жойланиши мумкин . Бундай холатда жароҳат медиал сохага кенгайтирилади ёки ХП ковулга резекция килинади .

Бел ва корин девори каватлари кесилиб буйрак орка фасцияси очилади. Кейин буйрак ёғ кобиги бармок ёрдамида чекага сурилади . Жароҳат кирралари палстинкали илмок ёрдамида кенгайтирилиб буйракларни аввал орка юзаси кейин пастки кутбий ва олдинги юзаси кейин эса юкори кутбий ёғ кобигидан ажратилади.

Баъзан чандиклар булганлиги сабабли буйракларни ажратиш кийинрок кечиши мумкин. Буйрак кутибларини ажратиш пайтида кушимча артериалари булиши мумкин .Бундай холатларида бу артериялар куп кон окишни олдини олиш учун ажратилиб боғланади.

Буйрак хамма томонлама ажратилгандан кейин унг кул билан жароҳат юзасига чикарилади . Буйрак оёкчаларини узилиб кетмаслигини олдини олиш учун уни жуда эҳтиёткорлик билан чикариш мақсадга мувофиқдир .

Буйрак жарохатга олиб чиқилгандан кейин уни венаси , артерияси ва жомидан ажратилади. Артерияга икки катор лигатура қўйилиб кесилади, ва яна қўшимча қилиб артерияни учи тикилади. Вена ва жом кесилиб буйрак оинади. Жарохатга резинали найча урнатилиб каватма-кават тикилади.

МАВЗУ: ЧАНОК СОХАСИ ВА ЧАНОК БУШЛИГИ АЪЗОЛАРИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ ВА ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

Р Е Ж А.

Чанок деворлари (париетал ва висцерал мушаклари)
Кичик чанок бушлиги.

- А) Каътлари.
- Б) Фасциялари.
- В) Туқима бушликлари.
- Г) Корин пардасининг чанокдаги йули (Дуглас бушликлари ва уларнинг клиник ахамияти).

Чанок бушлиги аъзоларининг топографияси.

- А) Тугри ичак .
- Б) Сийдик халтаси.
- В) Бачадон.

Чанок туби.

- А) Чегегаралари, сийдик-таносил ва анал учбурчакларига бўлиниши.
- Б) Чанок тубининг каватлари.
- В) Сийдик-таносил ва чанок диафрагмалари.
- Г) Ёргок топографияси.

Чанок аъзоларининг операциялари.

- А) Орқа тешикка карама-карши сунъий тешик ясаш.(Майдл усули).
- Б) Сийдик халтасининг юкоридан очиш.
- В) Моек истискоси ва уларни операциялари.

ЧАНОК СОХАСИ.

Анатомик жихатдан чанок соҳаси деб ёнбош, қов, қўймич , думгаза, дум ва У бел умуртка суяқларининг қўшилишдан ҳосил бўлган соҳани тушунилади.

Ёнбош суяклари соҳаси нормада корин бушлиги соҳасига кириб, унғ ёнбош чуқурчасида кур ичак ва чувалчангсимон усимтаси, сап ёнбош чуқурчасида эса сигмасимон ичак жойлашгандир.

Топографик анатомияда чанок бушлиги деб номсиз чизигидан пастдаги бушлик тушунилади. Бушликни пастки тешиги юмшок туқималар билан ёпилган ва уни чанок туби дейилади.

Чанок деворлари факат суяклар билан копланмасдан балки париетал ва висцерал мушаклар билан ҳам ёпилган.

Париетал мушакларига ноксимон (париформис) ва ички ёпқич (обтураториус интерна) мушаклари киради.

Ноксимон мушаги думгаза суягининг олдинги юзасидан бошланиб катта куймич тешиги оркали думба соҳасига утади ва натижада ноксимон усти ва ости тешиклари ҳосил булади. Бу тешиклардан кон-томир нервлар утади.

Ёпқич тешикларининг киррасида соҳасидан яъни суякларни ички юзасидан ички ёпқич мушаги бошланиб кичик куймич тешиги оркали чиқади

Висцерал мушакларига тугри ичакни кутарувчи (леватор ани), думгаза (кокситеус) ва ташки кискич мушаклари киради.

ЧАНОК ФАСЦИЯЛАРИ.

Чанок деворлари ва аъзолари фасциялар билан уралган. Чанок фасцияси корин ички фасциясининг давоми ҳисобланиб (ф. эпдопелвина) париетал ва висцерал варакларидан тузилган. Париетал varaги чанок деворлари ва тубини, висцерал varaги эса чанок аъзоларини ёпади.

Париетал фасцияси ички ёпқич мушагининг (м. обтураториус интерна) юкори ва пастки чегарасида пай ёйини (аркус тендинеус) ҳосил қилади. Бу ёйдан тугри ичакни кутарувчи мушаги бошланади. Шу мушакнинг устки қисми фасция билан ёпилган. Чанок тубининг орқа қисмида фасция ноксимон мушагини ҳам ёпади.

Чанок фасцияси аъзоларга утиб қов бирикмасидан думгаза суягига қараб иккита сагитал тусик йуналтиради. Бунинг натижасида чанок аъзолари олдиндан қов, орқадан думгаза ва дум суяклари икки – ёндан сагитал тусиклар билан чегараланган бушлиқда жойлашади. Бу бушлиқ эса фронтал тусик ёрдамида олдинги ва орқа қисмларга булинади. Фронтал тусик корин пардасининг туби ва сийдик – таносил диафрагмасининг орасида булиб уни Денонвилье – Салишёв апоневрози (апоневрозус перитонеоперинеалис) дейилади.

Денонвилье-Салишёв апоневрози эрқакларда тугри ичакни сийдик халтаси, простата беzi ва уруг пуфакчаларидан, аёлларда эса киндан ажратиб туради. Агарда бу апоневроз ривожланмай қолса эрқакларда тугри ичак-сийдик халтаси, аёлларда тугри ичак-кин тугма окмалари ҳосил булади.

Чанок фасциялари ва Денонвилье апоневрози ҳисобиға ҳамма чанок аъзолари фасциал қобик билан уралади. Қобиклардан асосийлари Пирогов-Ретций (простата беzi учун) ва Амюсс (тугри ичак учун) ҳисобланади.

Чанок аъзолари чанок бушлиги урта соҳасида жойлашиб уларни ҳеч бир қисми бевосита чанок деворларига тегиб турмайди. Аъзоларни корин парда билан ёпилмаган қисмлари висцерал фасция билан уралган. Лекин висцерал

фасция ва аъзо орасида тукима бушлиги ва уни ичида кон-томир нервлари мавжуд.

КОРИН ПАРДАСИНИНГ ЧАНОКДАГИ ЙУЛИ .

Корин пардаси корин олдинги деворидан пастга йуналиб ков бирикмасининг оркасида бурилади ва сийдик халтасини олдинги юзасига утади. Шу жойда кон-сийдик халтаси бурмасини хосил килади. Кейин сийдик халтасининг юкори ва кисман ён юзаларини ёпиб оркасига утади. Парданинг пастки кисми уруг йулларини ички юзаси ва уруг пуфакчаларининг чуққисини ёпиб тугри ичакка утади. Натижада тугри ичак сийдик халтаси чуқурчаси хосил булади, (эксковацис везико-ректалис).

Бу чуқурчани икки ёндан тугри ичак-сийдик халтаси бурмалари(плика ректовезикалис), олдинги сийдик халтаси оркадан эса тугри ичак чегаралайди. Чуқурчада баъзан ингичка ичак ковузлоклари ёки сигмасимон ичак жойланиши мумкин. Сийдик халтасини уртача тулган пайтида чуқурчанинг туби эркакларда думгаза-дум, бирикиш жойигача боради ва ташки чиқарув тешигидан тахминан 5-6 см юкорирокда туради. Айнан шу жойда йиринг ёки кон тупланиб қолиши мумкин.

Аёлларда корин пардаси сийдик халтасининг орка деворидан бачадонга утиб уни олдинги юкори ва орка деворини ёпади. Орка деворини ёпиб пастки кирраси кин гумбазини юкори орка деворигача боради ва тугри ичакка утади. Тугри ичакни эркаклар ва аёлларда пастки кисмини бир томонлама (экстра), урта кисмини уч томонлама (мезо), юкори кисмини ҳамма томонидан (интроперитонеал) урайди.

Аёлларда корин пардаси сийдик халтасидан бачадонга, бачадондан тугри ичакка утиши натижасида иккита чуқурча яъни сийдик халтаси –бачадон (эксковацио везикоутерина) ва бачадон – тугри ичак (эксрехтоутерина) хосил килади.

Клиникада бу чуқурчалар дуглас бушликлари дейилади (олдинги ва орка). Олдинги дуглас бушлигида чарви оркасида эса уни ингичка кисмидан бошка соҳасида ингичка ичак ковузлоклари ётади.

Орка дуглас бушлиги аёлларда корин пардасининг энг чуқур кисми ҳисобланиб бу жойда йиринг, потологик суюклик ёки кон йигилади.

Бу бушлик кинни орка гумбазни оркали пункция қилинади.

Аёлларнинг бачадон найларида хомила ривожланса (бачадондан ташки хомиладорлик) найлар ёрилиб шу бушликка кон йигилади. Найларидаги хомиладорлик клиникаси апендицит клиникасига ухшаш.

Шу сабабли бу иккала касалликни бир-биридан дифференциация қилиш учун бушлик пункция қилинади.

ЧАНОК БУШЛИГИНИНГ КАВАТЛАРИ .

Чанок бушлигида урта кават тафовут қилинади. 1-корин парда кавати (кавум пелвис перитонеалис).

2-корин парда ости кавати (кавум пелвис субперитонеалис).

3- тери ости кавати (субкутанеа).

Биринчи каватни юкоридан номсиз чизик пастдан корин парданинг пастки кирраси чегаралайди. Бу каватда чанок аъзоларининг корин парда билан уралган кисмлари жойлашади.

Эркакларда тугри ичакни корин парда билан уралган кисми, сийдик халтасининг юкори ва кисман олдинги ва орка юзалари жойлашса, аёлларда кушимча бачадон, бачадон найлари, бачадонни кенг бойлами ва кинни энг юкори кисми (1-2 см кисми) жойлашади.

Иккинчи кавати юкоридан корин пардасининг пастки вараги, пастдан эса тугри ичакни кутарувчи мушагининг юкори фасцияси билан чегараланади. Эркакларда сийдик халтаси ва тугри ичакни корин парда билан ёпилмаган кисми, простата беи, уруг пуфакчалари, уруг йуллари ва сийдик йулларининг чанок кисми жойлашган.

Аёлларда тугри ичак, сийдик халтаси, сийдик йулларининг пастки кисми, бачадон буйинчаси, кинни бошланиш кисми жойлашади. Бу бушликда жойлашган аъзолар чанок фасцияси ва тукима бушликлар билан уралган булади. Тукима бушликларининг ичида аъзолардан ташкари яна кон-томир лимфа ва нервлар ётади.

Учинчи каватини юкоридан тугри ичакни кутарувчи мушагининг пастки фасцияси, пастдан эса тери чегаралайди. Бу кават чанокни оралик кисмида булиб сийдик таносил аъзолари ва анал тешиги жойлашади. Булардан ташкари икки ёнда куймич-тугри ичак чукурчаси ва уни ичидаги ёг тукима хамда кон томир нервлар жойлашган.

ЧАНОКНИНГ ТУКИМА БУШЛИКЛАРИ .

Чанок сохасининг тукима бушликлари чанок деворлари ва аъзоларининг атрофида жойлашган булиб, улар асосан иккинчи каватда хосил булади.

Чанок ён деворларининг икки ёнида девор олди бушликлари булиб, париетал фасция билан ёпилади. Шу фасциядан ташкарида думгаза чигалини хосил килувчи катта нервлар, ичкарида эса катта кон-томирлар ётади (ичкиёнбош томирлари). Шу жойдаги тукима бушликлар кон-томир нервлар билан бирга аъзаларига ва кушни сохаларга таркалади. Ноксимон мушак ости тешигидан утувчи кон-томир нервлар оркали думба сохаси билан, куймич нерви оркали сонни орка юзаси билан алока кмилади. Ёпкич канали (обтураториус) оркали девор олди тукима бушликлари сонни якинлаштирувчи мушаклар бушлиги билан хам алокада булади.

Симфизни оркаси ва сийдик халтасининг олдинги юзасининг уртасида халта олди (превезикале) бушлиги мавжуд. Бу бушлик пастда ков-простата ёки ков – сийдик халта бурмаси билан чегараланади. Шунини айтиш жоизки сийдик халтасининг олдида иккита бушлик жойлашгандиар.

Бу бушликлар сийдик халтасининг махсус фасцияси ёрдамида олди ва корин парда олди бушликларига булинади.

Бу фасция учбурчак шаклида булиб уни чекка кирралари облетерация булган киндик артерияларигача, чуққиси эса киндик халтасигача давом этади.

Шундай килиб симфизни юкори киррасига бирикувчи кундаланг фасция ва сийдик халтаси фасциясининг орасида халта олди, корин парда ва сийдик халтаси фасциясининг орасида корин парда олди тукима бушликлари хосил булади.

Халта олди бушликлари ён томондан халта атрофи тукима бушликларига давом этиб ички ёнбош томирларигача боради. Агар халта олди фасциясининг вараклари шу кон- томирлар соҳасида шикастланса (жароҳатланса) йирингли жараёнлар халта атрофи бушлигидан девор олди бушликларига , у ердан эса ёнбош чуқурчаси бушлигига таркалади.

ТУГРИ ИЧАК ОРКАСИ бушлиги (спатиум ретроректале) олдиндан ичак ампуласи ва уни кобиги, оркадан –думгаза ва дум суяклари, пастдан-тугри ичакни кутарувчи мушак фасцияси билан чегараланади.Бу бушлик ён тарафлардан параректал бушлигидаги ички ёнбош кон-томирларигача боради.Юкоридан (тугри ичак оркаси тукима бушлиги) корин парда орка соҳаси билан алока килади.

Тугри ичак оркаси бушлигини ичида урта ва ларерал думгаза артериялар, вена турлари , симпатик нервлар ва думгаза лифа тутунлари жойлашгандир.

Аёллар чанок бушлигидн клиник ахамиятга эга бўлган бачадон атрофи тукима бушлиги мавжуд . Бу бушлик кенг бойлам варакларни орасидаги тукима бушлиги билан , пастдан чанок диафрагмаси билан , юкоридан корин парда орка соҳасидаги ёнбош чуқурчаси билан , икки ён ва оркадан катта куймич тешиги оркали думба соҳаси билан алока килади.

Бачадон атрофи бушлигидаги йирингли жараён: 1) бачадон юмалок Бойлами оркали чов каналининг ички тешигига бу жойдан корин олдинги деворига : 2) ёнбош чуқурчаси соҳасига кейин эса буйракларга таркалиши мумкин.

ЧАНОК АЪЗОЛАРИНИНГ ТОПОГРАФИЯСИ .

Тугри ичак. Йугон ичакнинг охирги кисми хисобланиб,3-думгаза умурткаси соҳасида бошланиб анал тешиги билан тугайди.Тугри ичак йугон ичакни бошка кисмларидан фарқи шундаки ёғ усимтлари ва гаустрали ҳамда тасмалари булмайди, кундаланг мушак толалари бир хил йуналишда таркалиб тасмаларни хосил килмайди . Кон томирларининг йуналиши ҳам узгаради. Юкори тугри ичак бошлаб ичак кенгайиб боради.

Тугри ичакни чанок ва оркали кисмлари тафовут килинади.

Чанок кисми чанок диафрагмасидан юкорида жойлашиб ампуляр ва ампула усти кисмларига булинади.Оралик кисми эса диафрагмадан пастда жойлашиб анал тешиги дейилади.

Тугри ичак уз йуналишида иккита сагитал ва битта фронтал эгриликларини хосил килади. Сагитал эгриликлари думгаза ва дум суякларининг йуналиши буйича йуналиб аввал олдиндан оркага (думгаза эгрилиги) кейин оркадан олдинга караб (оралик эгрилиги) эгилади. Шу эгилмаларининг орасида унғ томонга караб фронтал равишдаги эгриликни хосил килади

Корин парда тугри ичакни ампула усти кисмини ҳамма томонлама ураб пастки кисмига йуналиб уч томондан кейин эса бир томонидан уради.

СИНТОПИЯСИ . Эркаклар тугри ичагининг олдинги кисмида сийдик халтаси ва уларни орасидаги чукурча, простата беzi, уруг пуфакчалари, уруг йуллари: юкори кисмида сигмасимон ичак ва ингичка ичак ковузлоклари ётади.

Аёллар тугри ичакнинг олдинги юзасида бачадон ва уни найлари, хамда кинни орка гумбази жойлашган.

Ичакни икки ён томонларида ёг тукумаси билан тулдирилган куйми тугри ичак чукурчаси ётади.

Ичак девори сероз, мушак, шиллик ости ва шиллик каватларидан тузилагн. Шиллик кавати анал тешиги соҳасида буйлама , юкор кисмида эса кундаланг бурмаларни хосил килади . Буйлама бурмалари **МОРГАНЪЕ** устунчалари деб аталиб уларни орасида анал (морган) бушликлари жойлашади . Бу бушликчалар пастдан яримойсимон анал тусиклари билан чегараланади.

Шиллик каватининг кундаланг булмалари ичакни хар хил кисмларида жойлашган булиб ичакни тулган пайтида хам улар йуколмайди. Улардан биттаси ампула ва ампула усти кисмларининг чегарасида жойлашади. Ампула кисмининг унг томонида битта , чап томонида эса иккита бурмалари мавжуд .

Тугри ичакни ташки кискичи (м.сфинктер ани экстерна) анал тешигининг айланасида жойлашган булиб иродага боглик кискичдир. Анал тешикдан 3-4 см юкорида айлана мушаклар калинлашиб ички кискични , 10 см юкорирокда эса учинчи (Гепнер) кискични хосил килади .Бу иккала кискичлар иродага боглик булмаган кискич хисобланади.

Тугри ичак бешта артерия ёрдамида кон билан таъминланади . Унинг юкори кисми пастки туткич артериясидан чикувчи юкори тугри ичак артерияси , урта кисми ички ёнбош арттерияларидан чикувчи (бир жуфт) урта тугри ичак, пастки кисми эса ички уятли артерияларидан чикувчи (бир жуфт) пастки тугри ичак артериялари билан таъминланади .

Вена томирлари копка ва пастки кавак веноз системасига кириб ичак деворида веноз турларини хосил килади .

Веноз турлари ичакни тери ости, фасция ости ва шиллик ости каватларида ривожланган булади .

Шиллик ости веноз турлари юкори, урта ва пастик кисмларига булинади. Уларни ичида пастки кисм турлари яхши ривожланган булиб, буйлама бурмалар ва анал тешиги орасида тугунларидан тузилган.Бу тугунларни клиникада « гемороидал» тугунлар деб аталади.

Гемороидал тугунларининг туплами ичакни бутун диаметри буйича таркалмасдан соат милининг 3,12,9 ракамларида купрок жойлашади.

Тугри ичак симпатик, парасимпатик ва сезувчан нерв системаси билан иннервацияланади.

СИЙДИК ХАЛТАСИ (ВЕЗИКА УРИНАРИА).

Сийдик халтаси ков бирикмасининг оркасида жойлашган булиб, илк болалик даврида бутунлай ков суягидан юкорида ётади ва 20 ёшлик давридан бошлаб чанок бушлигига тушади. Катта ёшдаги кишиларда эса факат тулган пайтида симфиздан юкорига кутарилади.Карияларда симфиздан пастда ётади.

Сийдик халтасининг чуққиси , танаси , туби ва буйин қисмлари тафовут қилинади. Шиллик ости қаватининг ҳисобига уни ички юзасида бурмалар мавжуд .Лекин қовуқни туб қисмида шиллик ости қавати йуқ ва бу соҳа текқис тузилишига эга . Шу текқислик қисми учбурчакка ухшаш булиб уни қовуқ учбурчаги (ЛЬЕТО учбурчаги) дейилади. Учбурчакни асоси иққита сийдик йулларининг тешигига чуққиси эса сийдик чиқарув каналининг тешигига тугри келади.

Қовуқни иродага соғлик булмаган қисқичи сийдик каналини бошланиш қисмида (м.сфинктер везика) иродага боғлик қисқичи эса сийдик чиқарув йулининг говақ қисмида жойлашгандир.

Синтопияси. Эркақлар сийдик халтасининг олдинги юзаси симфиз ва қов суяқларининг қундаланг шохларига тегиб туради. Халта ва суяқларни орасида туқима бушлиги мавжуд . Симфизни орқасидан халтага утувчи қорин пардаси сийдик халтасининг тулган пайтида юқорига қутарилади. Сийдик халтасининг туб қисмига проетата безнинг танаси , уруг пуфаучалари ва уруг йуллари тегиб туради.

Юқоридан ва ён томонларидан инғичка ичак қовузлоклари сигмасимон, баъзан қундаланг чамбар ичак, қур ичак ва қувалчангсимон усимтаси тегиб туради. Орқадан тугри ичак билан чегараланади .

Аёллар сийдик халтасининг орқа юзасига бачадон танаси, туби пастки юзага қин тегиб туради.

Сийдик халтаси юқори ва пастки артериялари ҳисобига қон билан таъминланади.Сийдик халтасининг юқори артерияси чандикланмаган қиндик артериясидан чиқиб уни юқори юзасини таъминлайди.Пастки артерияси эса ички ёнбош артериясининг олдинги юзаларидан чиқади.

Вена томрлари артериянинг йуналиши буйича йуналиб халта деворида порт-кавал анастомозларини ҳосил қилади . Пастки веналари ички ёнбош веналари орқали пастки қавақ венасига,юқори веналари қиндик веналари орқали қопқа венага қуйилади.

Сийдик халтасининг иннервацияси симпатик, парасимпатик ва сезувчи нервлардан иннервацияланади.

БАЧАДОН (УТЕРУС).

Бачадон иққи қисмдан (юқори ва пастки) тузилган булиб, юқори қисмида тана ва туб , пастки қисмида буйин қисмлари тафовут қилинади.Буйин қисмида қин усти ва қин қисмлари мавжуд. Бачадон танаси ва буйин орасида буйин олди қисми жойлашган.

Қорин пардасининг париетал вариғи бачадонни олдиндан, орқадан ва юқоридан ёпиб қенг бойламини (лиг.лата) ҳосил қиладию Қенг бойлами варақларининг орасида туқима бушлиги (параметриум) мавжуд булиб, у буйин қисмига давом этади.

Қенг бойламни асосида сийдик йули ва бачадон артерияси жойлашиб улар иққи марта узаро қесишади.

Сийдик йули юқори соҳада артерияни олдиндан пастда эса артерияни орқасидан қесиб утади. Сийдик йули ва бачадон артериясининг бир-бирини қесиб

утиши катта клиник ахамиятга эга. Бачадон операцияларида уни артериясини боғлаш пайтида йулни чекага суриб куйиш мақсадга мувофиқдир.

Кенг бойламининг юкори қисми ва ён юзаларида бачадон найлари-жойлашган. Бачадон найлари бачадонни ён бурчакларидан бошланиб юкорига йуналади ва корин бушлигига «баҳромга» –ларга булиб очилади. Шунинг учун аёллар корин бушлиги бачадон найлари , бачадон ва кин оркали ташки мухит билан алоқа қилади. Най учларининг пастки қисмда тухумдонлар жойлашган булиб кенг бойламдан ҳосил булган тухумдонни тутиб турувчи бойлами ичида ётади.

Бачадон бурчагидан унинг юмалок бойламлари бошланиб чов каналининг ички тешигига ва бу ерда катта ва кичик уятли лабларига йуналади. Корин пардасининг париетал вараги сийдик халтасидан бачадонга (плика везикоутерна), бачадондан тугри ичакка (плика ёкилиг.ректоутерна) утиш жойида бойлам ёки бурмаларни ҳосил қилади. Бачадон артерия йуналиши буйича бачадоннинг асосий (кардинал) жойлашган.

Бачадон чанокнинг асосий укига нисбатан олдинга эгилган (антиверзис), танаси эса буйин қисмига қариб олдиндан эгилади (антефлексис).

Бачадон олдиндан сийдик халтасига , оркадан тугри ичакка тегиб туради. Уни тубига ингичка ичак ковузлоклари баъзан сигмасимон ёки кундаланг чамбар ичак тегиб туриши мумкин.

Бачадон ички ёнбош артерияларидан чикувчи бир жуфт бачадон артериялари, корин аортасидан чикувчи тухумдон ва пастки корин усти артериясидан чикувчи юмалок бойлам артериялари ҳисобига қон билан таъминланади.

Иннервациясидан бачадон-кин чигаллари (Франкенгейзер) катнашади.

ЧАНОК ТУБИ.

Ромсимон тузилиш шаклига эга булган соҳа ҳисобланиб, олдиндан-симфиз, оркадан- думгаза ва дум суяклари, икки ёндан – куймич думбоклари билан чегараланади.

Куймич думбокларини бирлаштирувчи кундаланг чизик ёрдамида сийдик – таносил ва анал учбурчакларга булинади.

Териси ён томонларда калинрок, урта қисмида юпка.

Анал соҳасида ташки қискич мушагининг толаларига бирикиб юлдуз симон шаклини олади ва тугри ичакни шиллик каватига давом этади . Сийдик-таносил учбурчаги соҳасида эркақларда уртага йуналиб чокни (рафе) ҳосил қилади, бу чок ёргоққа давом этади. Аёлларда эса катта уятли лабларни шиллик каватига бирикади.

Тери ости ёғ туқимаси ва юза фасцияси орқа қисмида яхши ривожланган. Уни ичида ички уятли артерия ва уятли нервининг шохчалари утади.

Кейинги кавати хусусий фасция булиб уни оралик апоневрози деб аталади. Бу фасция мушаклар учун кин ясайди . Мушаклар икки ён томонда жойлашиб учбурчакни ҳосил қилади.

Кейинги кавати хусусий фасция булиб уни оркали апоневрози деб аталади. Бу фасция мушаклар учун кин ясайди . Мушаклар икки ён томонда жойлашиб учбурчакни хосил килади.

Учбурчакни икки ёнидан исхиокавернозус,оркасида (пастда), ораликни юза кундаланг (трансверзус перинеи суперфициалис), ичкарида эса булбокавернозус мушаклари жойлашади. Мушаклардан чукурда сийдик-таносил диафрагмасининг пастки фасцияси кейин эса ораликни чукур кундаланг мушаги ётади.

Ораликни чукур кундаланг мушаги сийдик-таносил диафрагмасини хосил килади. Бу диафрагмани хосил булишида ораликни чукур кундаланг мушаги , шу мушакни остилан ва устидан ёпувчи фасциялар, ораликни кундаланг ва ковни ёйсимон бойламлари катнашади. Бу диафрагмадан эркакларда сийдик чикариш канали утса, аёлларда кин ва сийдик чикариш тешиги жойлашади.

Анал учбурчаги сохасида ташки кискич мушаги ва ундан ташкаридан ёг тукумаси билан тулдирилган куймич – тугри ичак чукурчаси жойлашган. Бу чукурчани ташки чегарасини ички ёпкич мушаги ва уни фасцияси, ички чегарасини тугри ичакни кутарувчи мушак фасцияси хосил килади.

Чукурчани оркадан – катта думба мушаги, ташкаридан куймич думбокчалари, ичкаридан - ташки кискич мушаги чегаралайди.

Куймич – тугри ичак чукурчасининг ичидан пастки тугри ичак артерияси ва венаси утади.

Чукурчанинг ташки девори буйлаб ички уятли кон-томири ва уятли нерв йуналади. Бу кон-томир нерв думба сохасига ноксимон мушак ости тешиги оркали чикиб думгаза думбок ва куймич думбогини айланиб утади ва ички ёпкич мушаги фасциясидаги Алькок канали оркали куймич- тугри ичак чукурчасидан яна чанок бушлигига киради.

Тугри ичакни кутарувчи мушак, уни остидан ва устидан ёпувчи фасцияси, ташки кискич хамда думгаза мушаклари чанок диафрагмасини хосил килади. Бу диафрагмадан тугри ичакни охирги кисми ва анал тешиги утади.

ЧАНОК АЪЗОЛАРИНИНГ ОПЕРАЦИЯЛАРИ.

Майдл усули буйича орка тешикка карама-карши сунъий тешик яшаш операцияси .

Бу операция асосан тугри ичак касалликларида (жарохатлари ёрилиши, раки) утказилади.

Огриксизлантириш: махаллий инфилтратив анестезия ёки наркоз.

Операция икки боскичдан иборат.

Биринчи боскич: Тери кесими чап чов бойлампдан икки кундаланг бармок энг ва унга паралель иккала вараги ва кон ташки кийшик мушаги кесилади.

Коринни ички кийшик билан кундаланг мушаклари толалари йуналиш буйича утмас холда холда ажратилиб, кундаланг фасция ва корин пардасининг париетал вариги бирга кесилади.

Корин пардасининг кесилган вараклари узлуксиз ипак чоклари билан тикилади.

Жарохатга сигмасимон ичак чиқарилади. Бунинг учун аввал ичак туткичига новокаин юборилиб ундан тешиг очилади ва шу тешик орқали докали тасма киритилиб ичак чиқарилади.

Сигмасимон ичагининг ташки деворлари серо-сероз ипак чоклари ёрдамида корин пардасига, ичак деворларининг ички қисмлари бир-бирига серо-сероз тикилади.

Шу билан операцияни босқичи тугатилади.

2-3 кундан кейин (операциянинг иккинчи босқичи) сигмасимон ичак девори кундалангига кесилади. Натижада иккита тешик (олиб келувчи ва олиб кетувчи) ҳосил бўлади.

СИЙДИК ХАЛТАСИНИ ЮКОРИДАН ОЧИШ .

Курсатмалари : Сийдик халтаси тош касалликлари, полиплар.

Бемор орқаси билан ётқизилиб маҳаллий анестезия ёки умумий наркоз ёрдамида огриксизлантирилади. Сийдик халтаси сийдикка тулган бўлса сийдик канали орқали катетор ёрдамида сийдик чиқарилиб халтани физиологик эритма билан тулдирилади.

Тери кесими пастки урта лапоратомия орқали утказилади. Тери тери ости ёғ туқимаси юза фасция ва корин оқ чизиги кесилади. Баъзан оқ чизикдан бошланувчи кесим йулида бўлса чекага суриб қуйилади. Кейин кундаланг фасция кесилиб, корин парда олди ёғ туқимаси ва корин пардаси утмас йул орқали юқорига суриб қуйилади.

Сийдик халтасининг олдинги деворига иккита кетгутли ушлагич иплар қуйилади. Шундан кейин сийдик халтасидаги суюқлик сикарилади, ва ушлагич иплар ёрдамида халта юқорига тортилиб уларни орасидаги бурмадан девори кесилади. Бунинг учун аввал сероз ва мушак каватлари кесилади. Шиллик ости ва шиллик кавати кесилган жойга буртиб чиқкандан кейин, анатомик пинцет билан ушлаб қайчи ёрдамида кесилади.

Сийдик халтасининг ичида булган тош олиб ташлангандан кейин уни девори икки каторли чок билан тикилади.

Биринчи қавак чокини қуйишда кавати олинмасдан ингичка кетгут қуйилади. Биринчи қавак чокини устига ёғ туқимаси қуйилиб устидан иккинчи кават чоки қуйилади.

Чокларни қуйишда сийдик халтасининг шиллик кавати ҳам бирга ипни устига сийдик таркибидаги тузлар чуқиб яна тош пайдо бўлиш ҳолатлари юзага келади.

Жарохат четига резинали найча урнатилиб каватма-кават тикилади.

МОЯК ИСТИСКОСИ ВА УЛАРНИ ОПЕРАЦИЯЛАРИ .

Мояк эркаклар жинсий яъзоси бўлиб ёргокни ичида жойлашган.

Ёргок 7 каватдан тузилган.

1. Тери кавати.
2. Гушдор парда (туника дартоз).
3. Ташки уруг фасцияси (ф.сперматика экстерна).
4. Моякни қутарувчи мушак (м.кремастер).

5. Шу мушак фасцияси (ф.кремастер).
6. Ички уруг фасцияси (ф.сперматика интерна)
7. Моякни кин пардаси (туника вагиналис тестис).

Моякни кин пардаси париетал ва висцерал вараклардан тузилган.Шу варакларни орасида суюклик йигилиши натижасида мояк истискоси юзага келади.Мояк истискосини Венкельман, Бергман ва Альферов усуллари буйича операция килинади.

Винкельман усули буйича тери кесими чов бурмасидан юкоридан бошланиб ёргок асосигача давом этилади.Тери,гуштдор парда ташки, ички уруг фасциялари кесилиб моякни кин пардаси истискоси шиши билан жарохатга чиқарилади. Агар суюклик куп булса троакар ёрдамида пункция килиниб сурилади.

Кин парда хирургик пинцет билан кутарилади ва юкори кутбидан пастки кутбига караб уни париетал вараги кесилади. Кейин кесилган варак оркага кайирилиб уни юкори кирралари тикилади.

Агар кин пардаси калинлашган булса Бергман усули буйича операция утказилади. Бу усулда калинлашган париетал варак айланасида кесиб олинади.

Винкельман ва Бергман усуллари буйича мояк кин парда ёпилмай қолади.

Шу сабабли М.В.Альфёров буйича физиологик операция кулаш максад мувофикдир. Бунинг учун кин парда овалсимон дарча хосил килиниб уни киргоклари гуштдор парда ва ташки фасцияларига тикилади.Натижада хосил булган суюклик дарча буйича йуналиб гуштдор парда оркали сурилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР .

- Островерхов Г.Е. Оперативная хирургия и топ-я анатомия. Москва 1972.
- Коваков В.В. Оперативная хирургия и топ-я анатомия. Москва 1985.
- Исаков Ю.Ф. Лопухин Ю.М. Оперативная хирургия и топ-я анатомия детского возраста . Москва 1977 .
- Шомирзаев Н.Х. Саъдуллаев Н.С. Ботирова Э.Б. Оператив жаррохлик Тошкент.
- Елизаровский С.И. Оперативная хирургия и топ-я анатомия. Москва 1979.
- Шабанов А.Н. ва бошк. Оперативная хирургия (Атлас). Москва 1977.
- Аъзамов К.А. Топ. Анатомиядан амалий кулланма. Тошкент 1993.
- Ахмедов Ш.М. ва бошк. Оператив жаррохлик ва топографик анатомиядан амалий машгулотлар . Тошкент 1996.
- Долимов С.А. ва бошк Топографик анатомия. Тошкент 1992.
- Маргорин Е. Топографическая анатомия новорождённых. Ленинград 1987.
- Золотко. Атлас топ. Анатомия человека. Том –1; Том – 2; Том – 3 ; Москва М. 1976 - 82.
- Литтман . Оперативная хирургия. Будапешт, 1982.
- Шевкуненко В.Н. Краткий курс оперативной хирургии и топографической анатомии . МЕДГИЗ 1947.
- Петровский Б.В. Избранные лекции по клинической хирургии . Москва «М» 1988.

Габченко Александр Константинович

ОХТА кафедра мудири, тиббиёт
фанлари доктори Халкаро Интегратив
Антропологи Академиясининг академиги
Габченко Александр Константинович.

278 илмий ишлар, 5 монография,
44 рационализаторлик таклифларининг
муаллифи ва 1 та ихтиро № 02607

Габченко Александр Константинович 18
та Халкаро конгресс конференцияларнинг
катнашчиси.

«Проблемы медицины» журнаliga
редкология аъзоси, докторлик ва
номзодлик морология диссертациялари
химоя қилиш Ўзбекистон Советининг
аъзоси.

Габченко Александр
Константинович рахбарлиги остида 1 та
докторлик диссертация мувафаккиятли
химоя қилинди.

Собиров Баходир Урдушевич

Собиров Баходир Урдушевич
Факултет ва Госпитал Хирургия
кафедрасининг мудири. Тиббиёт
фанлари профессори 270 илмий ишлар,
4 монография, 40 рационализаторлик
муаллифи.

12 Халкаро конгресс
конференцияларининг катнашчиси.
«Проблемы медицины» журнаliga
редкология редактори.

Собир Баходир Урдушевич
рахбарлиги остида 2 та докторлик
диссертация мувафаккиятли
химоя қилинди.